

И. МИРЗАЕВ

БОБУР МАЪРИФАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
нашрга тавсия этган*


ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1998

Бу қўллашда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маърифат, таълим-тарбияга доир фикрлари, таржима ва шарҳлари, шунингдек, яхшилик, дўстлик, ватанпарварлик ғоялари таҳлил этилади.

Рисола умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар ҳамда кепг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчи: филология фавлари доктори Саидбек Ҳасанов

24053



10

ИСМАТИЛЛАХОН МИРЗАЕВ

БОБУР МАЪРИФАТИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Муҳаррирлар С. Қиличсва, Ҳ. Нуруллаев
Бадий муҳаррир Э. Нурмонов
Техник муҳаррир Ш. Бобохонова
Мусаҳҳиҳ М. Ибраҳимова

ИБ №6794

Теришга берилди. 07.07.95. Ёзишга рухсат этилди 03.04.96. Вичими 84x108^{1/32}. Тип. қоғози. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпексиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 4,62. Шартли кр.-отг. 4,83. Нашр. т. 4,47. 7000. нусхада. Букортма №220.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси. 30. Шартнома №13—121—94.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 1996.

М 4310020000 — 139
353 (04)—96 197—96

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996

ISBN 5—645—02622—5

МУАЛЛИФДАН

Ўзбек халқининг даҳо олимлари, шоирлари Муҳаммад ал Форобий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар буюк ва ўлмас асарлар ижодкорлари бўлишлари билан бирга, айни вақтда, ўз даври маърифатининг оташи тарғиботчилари ҳам эдилар. Бу мутафаккирларимизнинг доно фикрлари маданиятимизни янада раванқ топтиришда, ёшларнинг маънавий дунёсини янада бойитишда, уларни юксак ахлоқий ғазилатлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга моликдир.

Бобурнинг маърифатга доир фикр-ғояларини тадқиқ этишдан мақсад унинг инсоният маданияти тараққиёти тарихида тутган мавқеини, шу маданият хазинасига қўшган ҳиссасини кўрсатиш ва бу билан ғаввимиз тараққиётига, жамиятимиз маънавиятини бойитишга ёрдам беришдир.

Биз бу тадқиқотда маърифатга маданиятнинг бир узвий бўлаги сифатида қараб, Бобурнинг асарларига, ижодий фаолиятига таълимий, тарбиявий нуқтан назардан ёндашдик. Унинг маърифатини баён қилишда аниқ вақт, замон, шароит билан боғлиқ ҳолда ўрганш қонунларидан четга чиқмасликка интилдик.

Маълумки, Бобур асарлари Шарқ, хусусан Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихининг тараққиётига пжобий таъсир кўрсатди. Унинг асарлари жаҳон ғани ва маданияти ривожланишига ғоят катта бойлик бўлиб қўшилди.

Бобур киишларни биродарликка, пноқликка, шафқатли, псофли бўлишга, Ватанин эъозлашга чақиради. У инсоннинг заковат ва жисминини кемирувчи пчкиликка қарши кескин курашда, тарбияни инсоннинг маънавий жиҳатдан ўсишида, гўзаллашишида асосий омил деб қаради. Бу фикр-ғояларни Бобур ўз асарларида олға сўрди. Мумтоз адиб аҳолининг осон, қулай савод чикариш йўллариини излади, кишиларни саводхонликка ундади, адабий тил, нутқ маданияти ривожини учун курашди.

У ўз замондошларининг хулқи, ижоди, фанга қўшган ҳиссаларини таҳлил этиб, уларга адолатли баҳолар беришди. Бобур адабиёт назарияси, хусусан аруз вази устида илмий фикрлар билдирди, тарих, география, ўлкашунослик масалаларини ва халқ урф-одатларини синчковлик билан ўрганди.

Бобур ўз фикрларини китобхонларга етказишда баён, эслатиш, далиллар билан таъкидлаш, маслаҳат, насиҳат ва ибрат кўрсатиш каби усуллардан кенг фойдаланди.

Маълумки, Бобур асарлари одий ва ўрта махсус ўқув юртларида, умумтаълим мактабларида бадий жиҳатлардангина ўрганилади, гоҳи ёд олдирилади. Лекин унинг асарларининг маърифатга алоқадор қирралари махсус таҳлил этилмайди. Бу эса ёшларга Бобур асарлари кўмагида тарбиявий таъсир этишининг чегараланишига олиб келмоқда.

Қўлланмада Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижоди, фаолиятини ўрганишнинг аҳволи, Бобур маърифати асослари ва унинг халқ таълимига қўшган ҳиссалари жамланган. Бобур яшаган давр, унинг ўз табиқли замондошлари хулқларига берган таҳлили, яхши хулқлар ҳақидаги фикрлари, адиб оиласидаги тарбия, унинг ислом динига эътиқоди, ижодидаги ватанпарварлик, дўстлик ғоялари акс этган. Бобурнинг тарбия усуллари, халқ урф-одатларига муносабати, унинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланиши, нутқ маданияти учун кураши, номачилик анъаналарини давом эттириши, ижодидаги таржима ва шарҳ кабилар ёритилган.

Ҳурматли китобхонлар ўз мулоҳаза ва таклифларни билан қўлланмани янада такомиллаштириш ишига ёрлам берадилар, деган умиддамиз.

БОБУРШУНОСЛИК ҲАҚИДА

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг шахси ва ижоди адабиётшунос, тилшунос, тарихчи ва географларнинг эътиборини кўп вақтдан буён ўзига жалб этиб келмоқда.

Бобур тарих, география, адабиёт ва унинг назарияси, тил, мушиқа, ҳарбий илм каби турли фанлар ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Унинг бадий асарларида ёшларни билим олишга, одобли, ахлоқли бўлишга даъват этиш ғоялари кенг ўриш олган.

Бобур ижоди ҳам маълум тарихий давр доирасида қолиб кетмай, балки замонлар оша янги-янги авлодларга

етиб боради. Бунинг сири шундаки, буюк санъаткор ўзи яшаган тарихий шароитни ростгўйлик билан тасвирлаб қолмасдан, балки келажакка ҳам чуқур назар ташлади, инсонларни бахт-саодат ва тараққиёт учун курашга йўллади. Жавоҳарлал Неру Бобур ҳақида ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида (272-бет) бундай деб ёзади: «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди».

Шу нарса сир эмаски, турғунлик йилларида Бобур ижодига бирёқламалик билан ёндашилди. Ўша кезлари Бобур фаолиятини қоралаш, ундаги ижобий томонларни кўрмасликка интилиш тамойиллари кучли эди. Сўнгги йиллардагина, ошкоралик ва демократия устивор бўлиб, республикамиз мустақиллиги эълон қилингандан кейин ўзлигимизни борлигича танишга имкон яратилди.

Маълумки, ўзлигимизни улкан тарихимиз ва бой маънавий меросимиз асосида ўрганиш масаласи мураккаб бўлиб, катта илмий изланиш—тадқиқот ишини кенг географик кўламда олиб боришни ва чуқур мушоадали қийёслаш асосида илмий хулосага келишни талаб этади.

Бобурнинг бизгача етиб келган лирик шеърлари (ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард ва маснавийлари) 1917 йили Петроградда машҳур рус шарқшунос олими профессор А. Самойлович¹ томонидан чоп этилган эди. Кейинроқ улар 1931 йилда Истанбул (Туркия) шаҳрида «Миллий татауълар мажмуаси»да ҳам нашр этилди.

Бобур асарлари мактаб ўқувчилари томонидан севиб ўрганилади. Унинг асарлари ёшларни тарбиялашдаги муҳим восита сифатида юксак қадрланади. 1940 йили тузилган Давлат ўқув дастурида Бобур ҳаёти ва ижодини 9-синфда ўрганиш кўрсатилган эди. Ўша синф учун нашр этилган «Адабиёт дарслиги»²да асосий эътибор ўзбек адабиёти тарихини ёритишга қаратилган бўлиб, унда Навоий, Бобур, Турди, Муқимий ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумот берилди. 1947 йилда Ўзбекистон Маориф вазирлиги тасдиқлаган «Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларнинг V—VII синфлари учун она тили ва ада-

¹ А. Самойлович. «Мажмуаи ашъор Бобур Подшоҳ», Петроград. 1917.

² О. Шарафутдинов. Адабиёт дарслиги. Ўрта мактабларнинг IX синфи учун. Тошкент, 1939.

бий ўқиш программаси» нашр этилди¹. Бу давлат ўқув дастурида VII синфларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидан намуналар ўрганиш белгиланди. 1950 йили нашр этилган ўқув дастурида VII синфда Бобурнинг рубойларини ўрганиш назарда тутилди.

Маълумки, бадиий адабиёт ўқувчиларнинг умумий фикрлаш доирасини кенгайтиради, тарих ва она тилидан олган билимларини бойитади, оғзаки, ёзма нутқни, китоб билан ишлаш малакасини ўстиради. «Агар ўқувчилар синфда ўрганиш билан бир қаторда, дарсдан тапқари вақтларда ҳам энг яхши бадиий асарларни ўқисалар, адабий таълим юқори савияда ўтилади ва тўғри йўлга қўйилган бўлади. Синфдан ташқари ишни аниқ ва тўғри йўлга қўймай туриб, адабий таълимни мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириб бўлмайди»². Шунинг учун ҳам 1948 йили тузилган «Ўзбек адабиёти» мажмуасига Бобурнинг ғазал, рубоий, туюқларидан намуналар қўшилди³. Адабиётшунос олим А. Суюмов томонидан педагогика ва мактабгача тарбия билим юртлари ҳамда маданий-оқартув техникумлари учун қўлланма сифатида тайёрланган «Болалар адабиёти»га Бобур ижоди ва фаолияти киритилди, унда Бобур шеърлари болаларнинг сеvimли асарлари сифатида ўрганишга тавсия қилинди⁴. Бобур асарлари учун қисқача лугат ҳам тузилди⁵.

Шуниси қувончлики, Бобур меросига бўлган муносабат ўзбек зиёлилари томонидан зийраклик билан кузатиб борилди. Ёшлон этилган монография, рисола, илмий, назарий ва адабий мақолалар синчковлик билан таҳлил қилинди, айрим хулосалар матбуотда бериб берилди.

«Тарих ўқитувчилари ва педагогика институтларининг тарих факультети талабалари учун Андижон тарихига доир методик кўрсатма»⁶ рисоласида Бобурнинг катта шеърлар девони 118 ғазал, 21 маснавий, 105 ру-

¹ «Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларнинг V—VII синфлари учун Она тили ва адабий ўқиш программаси». Тошкент, 1947.

² А. Зуннунов. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. «Ўқитувчи». Тошкент, 1973. 91-бет. ³ Адабиёт хрестоматияси. Ўрта мактабларнинг VIII синфи учун. Ўздавнашр, Тошкент, 1949.

⁴ Олий ва махсус ўрта таълим вазирлиги тасдиқлаган. «Ўқитувчи». Тошкент, 1973, 46-бет. ⁵ Ҳ. Назарова. Бобур асарлари учун қисқача лугат. Тошкент, 1972. ⁶ Андижон, 1982, 42-бет.

бойи, 52 муаммо, 18 қитъа, 15 туюқ, 79 муфарраддан иборат, деб нотўғри рақамлар берилди.

Аслида бу девондан 196 рубоий (105 та эмас), 19 қитъа (18 та эмас), 53 фард (79 та эмас) ва бошқа шеърлар ўрин олган¹.

«Ўзбек адабиёти тарихи. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар. Ўрта мактабларнинг VIII синфлари учун дарслик» да шундай жумла бор: «Бобурнинг «Бобурнома» сида ва Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» сида тарихий фактлар ва уларни баъзан объектив ифода этиш ҳоллари кўринса ҳам, лекин умуман, Бобурнинг «Бобурнома» сида, айниқса Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонида феодал ўзаро урушлар тенденциоз характерда акс эттирилган, уларда асосан, феодал урушлари мақталган»².

Бобур асарларининг шу тарздаги «таҳлили» бир қанча вақт давом этди. Лекин афсус билан шуни қайд этиш керакки, Бобур асарларининг тўла ва мукамал илмий таҳлили ҳамон ишланмай келади. Шунинг учун ҳам Бобур ижодидаги маърифат масалаларини ўрганишга бағишланган асарга эҳтиёж катта. Шунга қарамай, ўқитувчилар ва талабалар учун Бобурнинг таълим-тарбияга ёндашувини кўрсатишни мақсад этган махсус асар ишланмаган. Юқорида айтиб ўтилганидек, бобуршуносликка доир монография, илмий, назарий, адабий асарлар муаллифлари Бобурнинг таълим, тарбияга оид ғоялари унинг асарларида учрашини билдирсалар-да, лекин ўз режаларидан келиб чиқиб, Бобур маърифатини чуқур таҳлил этмаганлар.

Маърифат сўзи кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия маъноларини билдиради. Маърифат учун курашувчи инсонлар, маърифат ҳомийлари илми ва маданиятли шахслар маърифатпарварлардир. Маърифатпарварлар тарбия ва таълим масалаларига алоҳида эътибор берадилар.

Бобур даврида маърифатпарвар муаллифлар ўрта аср тарбияси сарқитларини кескин танқид қилибгина қолмай, балки тарбия илмига янгиликлар, янги қопун-қондалар киритишга ҳаракат қилдилар. Маърифатпарварлар таълим-тарбия қуроли, воситаси ва мазмунини ўз-

¹ Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982.

² Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Ўрта мактабларнинг VIII синфлари учун дарслик. Тошкент, 1955, 57-бет.

гартиришга қаратилган янги фикрлар билан чиқдилар. Улар маърифатни тарғиб этибгина қолмай, балки одамнинг илм олишини енгиллаштирувчи восита ва усулларни ҳаётда қўллашни тавсия ҳам этдилар.

Бобур ўз ижодида маърифатни улуғлаб, болаларни илм олишга ундади. Унинг маърифатпарварлиги, ахлоқий-таълимий фикрлари ўз даврида катта аҳамият касб этди. «Унинг фикрича, илм ўз-ўзидан майдонга келмайди. Билимни киши ҳавас, иштиёқ, қунт ҳамда чидам билан ўқиб қўлга киритиши мумкин»¹.

Бобурнинг ўз замонасидаги тарих, география, ҳарбий илм, мусиқа, аруз вазни назарияси каби илмий сатрлар муаллифи сифатида атоқли шахс эканлигини эътироф қилган ҳолда биз унинг маданият, маърифатга доир фикрларини талқин этишни, бунда ўз хулосаларимизни китобхонлар билан баҳам кўришни мақсад қилиб қўйдик. Чунки маданиятнинг юқори кўринишлари бўлган фан, адабиёт, санъат, этика, фалсафа, ҳуқуқ, сиёсат, маърифат кабилар жамиятнинг инсон матнавий ривожланишига қаратилганлиги ва унинг учун маълум даражада бойлик эканлиги равшандир. Ҳақиқатан ҳам, адабиёт ёлғиз шахсларнинг иши бўлмай, балки замон ва жамият ишидир.

Бобур 1502 йил 15 сентябрда Кобулни эгаллаб, ўша йили «Хатти Бобурий»ни яратган эди. Бу машҳур асари билан у араб алифбосининг савод чиқаришдаги қийин томонларини биринчи марта ўртага ташлади ва соддалиги билан ундан фарқ қилувчи ўз алифбосини тавсия этди. Бу унинг таълим мазмунига янгилик киритиши ва ўз навбатида, маърифатпарварлиги эди.

Бобурнинг маърифатни белгиловчи илмий, адабий мероси унинг улкан маърифат соҳиби эканлигини кўрсатади. Ҳиндистоннинг атоқли давлат арбоби Жавоҳарлал Неру Бобурнинг шахси ҳақида гапириб, унинг маърифатли шахс эканлиги тўғрисида: «Бобур дунёга маълум энг маданиятли ва энг дилбар кишилардан бири эди»², деб ёзади.

Бобурийлар ҳукмдорлик қилган йилларни Ж. Неру «қудратли ва шон-шухрат йиллари эди»³, деб атайди.

¹ А. Суюмов. «Болалар адабиёти». Тошкент, «Ўқитувчи», 1973, 46-бет.

² Ж. Неру. «Взгляд на всемирную историю» М., 1975. 2-том, 57-бет.

³ Ўша асар. 57-бет.

Шуниги учун ҳам Ҳиндистон ва Покистон халқлари Бобурни ҳозирга қадар ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки Бобур ва унинг фарзандлари Ҳиндистонни ягона марказий давлатга бирлаштириб, иқтисодий ва сиёсий, маданий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришда катта хизмат қилдилар.

Асрлар давомида инсоният яратган ва тараққий эттирган маданият, муҳим тарихий воқеалар, буюк шахслар бошидан кечган саргузаштлар, асар қаҳрамонлари ҳаёти болаларни қизиқтирадиган мавзулардандир. Шу жиҳатдан қараганда ёднома кўринишидаги «Бобурнома»нинг жуда кўп саҳифалари болалар мутолаасига ҳам тааллуқлидирки, бусиз маърифатни тушуниш қийин. Биз «Бобурнома»нинг саҳифаларини ўқир эканмиз, адолатсиз иш тутган бекларнинг Бобур ҳукми билан қаттиқ жазоланиши лавҳаларига дуч келамиз. Бобурнинг ўз фарзандларига халқ билан, ўз яқинлари билан келишиб иш тутишлари насиҳат қилинган мактубларига кўзимиз тушади.

Маълумки, маърифатпарварликнинг таълим-тарбия назарияси, таълим-тарбия мазмуни ва таълим-тарбия усулларидан иборат уч илдизи мавжуддир. Бу илдизларнинг бирортаси маориф-маърифат ишида иштирок этмаса, маърифат ҳам, маориф ҳам, мактаб ҳам ўз мақсадига тўла эриша олмайди. Шунга қарамасдан, айрим педагог олимлар у ёки бу адибнинг маърифатпарварлигини кўрсатмоқчи бўлсалар, кўпинча унинг мактаб-маориф ишини тарғиб этишдаги фаолиятини исботлаш билан чегараланадилар. Ёки ўқувчига бериладиган таълим-тарбиянинг мазмунига мактаб таълимига мазкур адиб кўшган ҳиссани кам ёритадилар. Адиблар маърифатпарварлигига баҳо беришда улар таълим мазмуни учун, тарбия мазмуни учун ёки мактаб таълими учун нима берди? Нимани тавсия этди? Ўз улушини қандай ҳолатда кўпиди? деган саволлар жавобсиз қолади. Тўғри. Бобур ижодида унинг бизгача етиб келган асарларида, ўз даврининг мактаб, мадрасалари, ўқитувчилари, тарбиячилари фаолияти ҳақида фикрлар жуда оз. Таълим бериш усулларининг назарий кўринишлари баёни ҳам кам учрайди. Лекин Бобур асарларида бошланғич, ҳатто олий мактаб учун талабаларга берилиши мумкин бўлган маълумотлар, жуда қимматли аҳамиятга молик саҳифалар учрайди. «Бобурнома»нинг бутун мундарижаси, ҳатто айрим саҳифаси мактаб ўқувчисига ўз ҳаётидаги энг му-

ҳим воқеаларни қамраган қундалиқ юритиш ҳақида маълумот бериши мумкин. Бобур асарлари мисолида ҳаётни, табиатни, жамиятни, муҳитни, шахсларни, ўлка ҳайвонларини қўшларини, кишилар меҳнатини харақтерини изчил ва мукамал кузатиб ўрганишни тавсия этиш мумкин. Бунда ёшлар Бобурдан ўрнак оладилар, унга эргашадилар.

Агар «Мухтасар» мактаб учун адабиёт назариясидан—аруз назариясидан маълумот берса, «Мусиқа илми» махсус мактаблар учун, мусиқа интерпатлари учун қимматли маълумот бўла олади. Ҳарбий мактаблар учун «Ҳарб илми» эпчиллик ва чаққонлик, отиш, чопиш каби машқларда катта ёрдам бериши мумкин. «Хатти Бобурий» мактабда имлони енгиллаштиришга қаратилганлигини назарга олсак, Бобурнинг маърифати беқиёс бойлик манбаи эканлиги янада очилади.

Бобур инсонга маърифатпарвар сифатида, биологик ҳодиса сифатида эмас, балки ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди. У кишилар хулқини унинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин этади. У ҳар қандай кимсани эмас, балки ҳақиқий инсонни қадрлайди, унинг меҳнат фаолиятини, хулқ-атворини мадҳ этади. Шоир кишиларнинг ташқи кўринишлари уларнинг ички дунёсини ифодалашини яхши англайди ва бунда тасвирга алоҳида эътибор беради.

Бобур ўз даврининг улуг рассомлари санъатидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўзлайди. «Мусаввирлардин Беҳзод эди. Мусаввирлик ишини бисёр позук қилди. Вале соқолсиз элнинг чеҳрасини ёмон очадур. Габабини кўп улуг тортадур. Соқоллик кишини яхши чеҳракушоилик қиладур»¹.

Катта қалб ва маърифат соҳиби бўлган Бобур бундай деб ёзади: «Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлгонлардин мақсад ўзининг таърифи эмас, баёни воқии бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ интизом қилибтурким. Ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқиини таҳрир этилгай. Локарам ота-оғадин ҳар яхшилик ва ёмонлигим шойнъ эди, таҳрир қилдим ва қариндош ва бегоналардин ҳар айб ва хунарким баёни воқии эди, таҳрир айладим. Ўқугувчи маъзур тутсун, эшитувчи таарруз мақомидин ўтсун»².

¹ Бобур. Бобурнома, ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960.

² Ўша ерда.

«Бобурнома» асари ҳақида адабиётшунос С. Мама-жонов бундай деб ёзади: «Дарҳақиқат, бу асар жуда қўн-фанлар учун қимматли бўлган маълумотларни ўзида жамлаган қомусий асар бўлиши билан бирга, академик В. В. Бартольд айтганидек, ўзбек прозасининг XVI аср-даги нодир ёдгорлигидир»¹. Академик В. Зоҳидов «Бо-бурнома» нинг 1960 йил нашрига ёзган кириш сўзини бундай якунлаган эди: «Ҳеч шубҳа йўқки, биз Бобур ва бошқа тарихий буюк шахсларнинг бой ва кўп қиррали меросидан давримизнинг муҳим вазифаларини бажаришда бизга ёрдам берадиган ҳамма яхши нарсаларни олишимиз ва фойдаланишимиз лозим, буни қилмоқда-миз ҳам».

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Бобур маърифатининг кўлами ва сифатини белгиловчи қатор асарлар мавжуд.

Бобурнинг бизгача етиб келган асарлари шунчалар ҳикматли, илмий, назарий таҳлиллар, шарҳлар, номлар ва атамалар, тарихий маълумотларга эгаки, улар ҳақиқатан ҳам халқнинг улкан маънавий бойлиги бўлиб қолди.

Бобур таржима билан ҳам шуғулланди. Унинг асарларида ўзбек тилига ағдарилган ҳинд, араб, форс тилидаги бадний асарлар, мақолалар, ҳикматли сўзлар, турли мазмундаги сўз, иборалар кўплаб учрайди. Адиб улардан таълим, тарбия билимининг мазмуни ёхуд воситаси сифатида фойдаланади. Улардан кенг китобхонлар омма-си баҳраманд бўлишига эришади.

Бобур газаллари куйларга солиниб қўшиқлар тарзда дилларни равшан этмоқда. Унинг рубойи, фардлари ёшларни тарбиялаш воситасига айланиб қолган. Айниқ-са, унинг туюқ ва муаммолари ўзбек шеърятини назарий жиҳатдан бойитди.

Шоир асарлари адабиёт фани давлат ўқув дастуридан ўрин олиб келмоқда. Бобур асарлари ва улардан олинган парчалар ўрта ва олми мактаб, ҳунар-техника билим юртлири дарсликлариға ва мажмуаларға синфдан ва мактабдан ташқари пайтларда ўрганиш учун қиритилган, тавсия этилган. Ўқувчилар ва илм толиблари уларни зўр қизиқиш билан, ҳавас билан ўрганмоқдалар.

Бобур асарларидан ота-оналар, тарбиячилар ёшлар-

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 14 феврал, 1992 й.

ни одобли, ахлоқли қилиб тарбиялашда кенг фойдаланадилар.

Газета, журнал, радио ва ойнаи жаҳон кўрсатувлари каби тарғибот-ташвиқот воситалари Бобур асарларига кенг ўрин бераётир. Эндиликда Заҳириддин Муҳаммад Бобур маърифатидан баҳраманд бўлмаган оила, мактаб, тарбия масканлари йўқ, десак муболага бўлмайди.

БОБУРНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Мактаб тушунчаси турли маъноларда ишлатилади. Мактаб тор маънода фарзандларга илм-маълумот берувчи жой, кенг маънода фан, санъат, адабиёт, ижтимоий, сиёсий ҳаёт кабиларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган йўналиш, оқимдир.

Бобур ҳаётий эсдаликлар ёзиш мактабини «Бобурнома» асари орқали бошлаб берди. Гулбаданбегим отаси Бобур вафотидан сўнг бу мактабни давом эттириб, «Хумоюннома» асарини ёзди. Бу мактаб-оқим XX аср адабиётида ҳам давом этди. «Эсдаликлар» (С. Айний), «Болалик» (Ойбек) каби асарлар «Бобурнома»га нисбатан тор доирада бўлса-да, ёзувчи яшаган даврни, муҳитни бирмунча акс эттирди.

Келажакка зийраклик билан қараган Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодларнинг илм ўрганишини назарда тутиб «Мубаййин» (Ислом дини асосларининг баёни), «Волидия», «Мухтасар» асарларини, рубоий, фард, қитъа, туюқ, маснавийларини ёзди ва таржима қилди.

Шояр «Мубаййин» китобининг қиммати, ёзилиш сабаблари ҳақида бундай деб ёзади:

«Билгасен эй хужаста пай фарзанд,
Жигарим била жонима пайванд.
Маъсалаларки ул зарур эрди,
Билмасанг динга кўсур эрди,
Етти кўнглумгаким йиғиштурсам,
Назм тартибида сиғиштурсам.
То они забт қилгасен осон,
Ул масойилни билгасен осон,
Тингламоқ кўпдаким ҳисоб ўлғай
Манга ажру сапга савоб ўлғай.

Ушбу ниятки мен қилибтурмен.
Ул масойилки мен билибтурмен.»¹

Бобур асарлари кишига қувонч бағишловчи воқеаларга бой. Буни ўқувчи ҳар бир саҳифа ва ҳар бир сатрда ўқиб ҳис этади. Бобур асарларини ўқиётиб анчадан бери ўйлаб юрган жумбоғингизга жавоб топгандай бўласиз. Ватанини севиш, уни соғиниш, унга интилиш ғоялари ўқувчининг юртга бўлган муҳаббатини чуқурлаштиради.

«Меңда ҳам анча ихтиёр ва иқтидор келмадиким, бу нав номаъқул ҳаракатлардин буларни манъ қила олғаймен. Не жиҳатинким, Танбалдек душман мунинг орқа ва ҳимояти, ҳар не кўнгуллари тилар эди, андоқ қилурлар эди. Ажаб нозук маҳалли эди. Ҳеч нима деб бўлмас эди. Бу оталик, ўғуллуқтин ул муддат ғалаба хорликлар тортилди»². Баён этилган сатрлар фалсафанинг билиш назариясини тушуниш учун катта воситадир: Бобурнинг Андижондаги огир ҳолати, душмани Танбалнинг беюзлиги тасвири «Ажаб нозук маҳалли эди. Ҳеч нима деб бўлмас эди» каби сатрларда шундай ойдинлашадики, изоҳга ўрин қолмайди. Чунки киши мушоҳада юритишга мажбур бўлиб қолади. Бобурнинг фикрий доираси нпҳоятда кенг, унинг тушуниш чегараси чуқур, хотираси эса тенгсиздир. У ҳамма вақт камолотга интилган шахс. Бобур ҳатто турк халқлари учун араб алифбосининг ўқилиши ва ёзилишининг мураккаблигини ўз вақтида англаб етган. Уни осонлаштириши йўли билан халқ саводхонлигини тезроқ оширишни мақсад қилди ва ўзи алифбе тузиш учун интилди. У ёзган алифбе халқ таълими тарихида «Хатти Бобурий» номи билан машҳурдир. Бобур «Бобурнома» нинг тўққиз юз тўққизинчи йил (1503—1504) воқеалари баёнида Кобул ва Ғазни вилоятлари ҳақида ёзар экап, бундай дейди:

«Ушбу маҳалларда Бобурий хатни ихтроъ қилдим. Султон Маъсудий ҳазорасига қалин қўй ва от солилди. Таҳсилдорлар йиборилди»³.

Шоирнинг «Хатти Бобурий» асари ўз даври донишмандлари таҳлил ва тақризига ҳам ҳавола этилган, аҳли донолар фикрлари асосида қайта ишланган.

¹ Бобур. Мухтасар. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971, 200-бет.

² Бобур. Бобурнома. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 131-бет.

³ Бобур. Бобурнома. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 240-бет.

«Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Мир Юсуф била келиб, мени кўрдилар. Бобурий хаттидин сўз чиқти, муффрадатни¹ тилади, битидим. Ўшал мажлисдан муффрадатни ўқуб қавоидини² битиб, нималар битидим»³.

Бобурнинг мазкур алифбеси араб алифбесига нисбатан содда ва қулай бўлганлигини остки, устки (зеру завар) белгилар йўқлиги исботлайди. Бу ҳол Бобурнинг алифбе масалалари билан ҳам астойдил шугулланганлигини исботловчи далилдир. Тарихда ҳеч бир шоҳ, саркарда алифбе ёзмаганлигини. Бобур ислом дини муҳофазасидаги араб алифбесига қарши чиқиш билан бирга, бутунлай янги алифбо ёзганлигини ҳисобга олсак, уш маърифат жонқуяри дея оламиз.

Бобурнинг таълим назариясидаги япа бир муҳим хусусият ўзи билган билимларни келажак авлодига илинишидир. Авлодим билсин, деб элига ўргатгиси келади. Бу ҳол уни башариятга буюк маънавий бойликлар қилишига муваффақ қилди. Ундан мерос бўлиб қолган лирик шеърий асарлар, «Бобурнома», «Мухтасар», «Мубаййин», «Волидия» асарлари жаҳон ғанида, айниқса, халқ тарбия қонунларида алоҳида ўрни тутади. «Бобурнома»да эса шу даражада кўп ва турли-туман маълумотлар борки, улардан ғанининг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар, барча ёшдаги кишилар, ҳатто болалар қониқиш билан баҳраманд бўладилар. Шу жиҳатдан қараганда, «Бобурнома» болалар китобхонлигида катта аҳамиятга моликдир. Бобур ижодидаги бу хил хусусиятлар унинг болалар китобхонлиги тарихини юксалтиришда баракали ўрни борлигини кўрсатади.

Бобур ўз рубоийларида инсонни яхшиликка, саҳийликка, илм-маърифат, касб-ҳунарни эгаллашга ундайди. Унинг панд-насиҳатини одам илм билан тирик, илм эса одам билан деган юксак ғоя ташкил этади. У шеърий сатрларда илмли бўлиш учун илмга толиб бўлмоқ керак, илмга содиқ бўлмоқ керак, дея фалсафий хулоса қилади.

«XV—XVI асрда ўзбек адабий тилининг ривожланишида ҳам Андижон шеваси катта роль ўйнаган»⁴. Шундай шароитда Андижонда серзавқ болалиги ўтган Бобурнинг таълим учун жонқуяр бўлиши тасодиף эмас

¹ Муффрадат — грамматик бирлик. ² Қавопд — қонда. ³ Ўша асар, 241-бет.

⁴ Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, Ўрта мактабларнинг VIII синфлари учун дарслик. Тошкент, 1965. 54-бет.

эди. Шопр меҳнатсевар шахс эди. У ўз шеърларини юзлаб марта вазнга солиб текширади.

«Ушбу айёмда бу байтимни:

Кўзу қошу сўзу тилиниму де

Қаду хадду сочу белиниму де,

беш юз тўрт вазнда тақиб¹ қилдим. Бу жиҳатдан рисола тартиб берилди»².

Бобур маърифатпарвар сифатида ҳар қандай шароитда ҳам илм аҳли билан мулоқотда бўлишга вақт топар эди. У ўз даври илми кишиларини ҳурмат этар, улар ёзган асарларни чуқур таҳлил этиб, ютуқ ва камчиликларини ўрганар эди. У ўз даври илгор кишиларининг фанга қўшган ҳиссаларини одилона таҳлил билан ёзди. Бир тўртликда маснавий шеърнинг сувнати бўлса ҳам мен ғазалнинг фарзи айн деб биламан, дилга ёққан беш байтни икки «Хамса» дан яхшироқ деб биламан деган мушоҳадага бой фикрни илмий жиҳатдан исботлаб кўрсатди. Бу эса ўта сиқик эҳтиёткорлик билан, ўз навбатида, қаттиққўллик билан ёндашувни кўрсатади.

Бобур стилистика билимини ҳам маданиятга тенг маънода тушунди. У содда ва тушунарли ёзишни тавсия этди.

Бобур ўғлининг юқори табақали мансабдорлар ёзма нутқиға хос жарангдор ва баландпарвоз жумлалар билан тўла бўлган дабдабали бир хатини қаттиқ танқид қилади. Хатни тушунарли, содда ва равон ёзса ўзига ҳам, ўқувчига ҳам қийин бўлмаслигини уқтиради:

«Хатинги худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру³ муғлоқтур⁴. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас, агарчи хили рост эмас... хатингни худ ҳар тавр⁵ қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлоқ алфоз⁶ ингдин мақсуд тамом мафхум⁷ бўлмайду. Голибо, хат битирда қоҳилли⁸ гинг ушбу жиҳатингдур. Такаллуф⁹ қилай дерсап, мундин нари бе такаллуф ва равшан пок алфоз била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқувчига»¹⁰.

¹ Таъқи — шеърда мисраларни айрим бўлакларга ажратиб вазнини ўлчаш.

² Бобур. Бобурнома. «ФАН» нашриёти. Тошкент, 1960. 401-бет.

³ Асру — жуда. ⁴ Муғлоқ — чалкаш. ⁵ Тавр — равишда.

⁶ Алфоз — сўзлар. ⁷ Мафхум — тушунилмоқ. ⁸ Қоҳилли — сустлик. ⁹ Такаллуф — безак. ¹⁰ Бобур. Бобурнома, «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960. 421-бет.

Ќўрғиниб турибдики, Бобур қатор юзаки усул ва восталардан, бемаъни чучмалликлардан, жимжимадорликлардан четда бўлиб, ўз фикрини аниқ, ростгўйлик билан ифода қилишга ҳаракат этишни таъкидлайди. У ўз ўғлига ёзувчи ўзи ёритиши лозим бўлган нарсаларни ҳақгўйлик билан тасвирлаши кераклигини айтади. Бу хил тизмалар унинг мураббийлик, муаллимлик фаолияти доирасини алоҳида ўрганиш заруриятини қўрсатади.

Бобурда шундай шарҳ ва таҳлиллар учрайдики, улар шоирнинг зукко, эстетик фикрлаш доираси кенг эканлигини билдиради. У ёшларни шеър биллимини пухта эгалламай туриб, шеър ёзмасликка ва шеър билимини қунт билан ўрганишга ундайди. У Султон Маҳмуд Мирзо ҳақида ёзар экан, бундай дейди:

«Табъи назми бор эди, девон таркиб қилиб эди Вале шеъри бисёр паст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондип айтмагон яхшироқдур»¹.

Бобур адабиётшунос олим ҳам эди. У шеър ёзиш билангина шуғулланмади, балки шеърят назариясининг аруз вази қондаларини мисоллар билан талқин этди.

У аруз билимига бағишлаб махсус асар ҳам ёзди. Бобурнинг «Мухтасар» асарини ўзбек арузи назариясидан бир дарслик дейиш мумкин. Бу асар шунинг учун ҳам ўрта ва олпй мактаб учун дарсликкл, «Мухтасар» Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида сўнгги аруз вази ҳақидаги назарий рисоладир.

«Мухтасар» аруз вази ҳақидаги асарлар ичкда ўзининг пухта ва мукамаллиги билан ажралиб туради. Шоир бу асарни ёзишга киришишдан олдин А. Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарини, Рашидиддин Ватвот, Носир Тусий, Ар Розий ва бошқаларнинг аруз ҳақидаги ишларини ўрганади. Натижада мактаблар учун назарий қимматга эга бўлган «Мухтасар» асари юзага келади. Бу рисола мактаб курси учун шеърларни ўрганишда қимматли маълумотлар берувчи мапба ҳамда мактабларда ифодали, бадиий ўқишни тўғри ташкил этиш учун асосдир. Бу асар қўлланма сифатида аруз вазнининг нимага асосланганлиги, аруз вазнининг қандай тўзилиши — аруз вази назариясидан таълим беради, ўз қиммати билан Бобур маърифатини намойиш этади.

Мактабда ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг

¹ Б.об у.р. Бобурнома, «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960. 83-бет.

муҳим шартларидан бири — аруз вазнининг асосий қоидаларини ўзлаштиришидир. Аруз шеърини ўлчов тизмасининг асосий хусусиятларини, кўп қўлланиладиган баҳрларни, вазиларни, рукиларни тўла билиб олмай туриб, турли жанрларда юзага келган шеърни асарларни ифодали, бадий ўқиб қийин.

Ўқувчиларга шеърни ўлчов тизмалари ҳақида назарий маълумот бериш, аруз вазнидаги шеърни асарни ифодали ўқиш малакаларини таркиб топтириш ва мустаҳкамлаш, бадий маҳоратнинг вазн билан боғлиқ жиҳатларини аниқлашда кўникма ҳосил қилиб бориш ишларида «Мухтасар»нинг аҳамияти каттадир. Чунки ўқувчи давлат ўқув дастури камраган асарлар билан дарс жараёнида шуғулланса, тўғарақларда бадий ижод этиш услублари, шеърни машқлар таҳлили, ифодали, пзохли, бадий ўқиш кўникмаларини эгаллайди. Мустақил ўқишлар жараёнида эса ўқувчи дарсликдан ташқари синфдан ташқари ўқишга мўлжалланган шеърни асарларни ўқитувчи кўмагисиз бажаради. Бинобарин, мутахассис олимлар Бобур асарларига қайта-қайта мувожаат этадилар. А. Ҳожапахмедов ўзининг «Мақтабда аруз вазнини ўрганиш» асарида 6, 7, 8-синфларда Бобур рубойлари таҳлиliga алоҳида тўхталлади:

«Бобур рубойларидан 6-синф дарслигида берилган айрим намуналарни ўқиш давомида аруз тўғрисида юқорида ўрганилган маълумотлар янада тўлдирилади ва мустаҳкамланади»¹.


Маълумки, асарнинг илмий, назарий, услубий қиммати муаллифнинг маърифатини белгилайди.

Бобурнинг «Мухтасар» асари мундарижаси Бобурнинг шоир, подшоҳ, спесатчигина эмас, балки, адабиётшунос, маърифатчи эканлигини исботлайди.

Бобурнинг «Мухтасар» асари ҳақида 1970 йиллардаёқ ўзбек, рус олимлари мақолалар билан матбуотда чиқишлар қилган эдилар. А. М. Шчербак «Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи ва унинг Навоий ижодиини ўрганишдаги аҳамияти»² мақоласида: «шеърининг кадрга сўвчи, аруз илмининг, шубҳасиз, катта билимдони бўлган Бобурнинг А. Навоийга қайта-қайта мувожаат, қи-

¹ А. Ҳожапахмедов. Мақтабда аруз вазнини ўрганиш. Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма, «Ўқитувчи», Тошкент, 1978, 61-бет.

² Адабий мерос. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971, 2-сон, 284-бет.



лиш. асарларидан Ғавқуллода кўп мисоллар келтириш Навоийнинг ўз замондошлари орасида шеъриятдаги обрўси, шухрати ва ўзбек поэзиясининг ривожланишидаги буюк хизматларининг далилидир», деб Бобур маърифатига тўхталган эди.

Бобур маърифатининг қиммати шундаки, у ўзининг «Мухтасар» асари орқали ўзбек тили ва шеъриятининг бошқа халқлар шеъриятидан кам бўлмаган қудрат ва бойлигини намойиш қилди. Бобур биринчи бўлиб аруз илминини умумийкўсда қиёсий баён қилди. У ўзбек мумтоз шеъриятида қўлланилиб келинган вазнларни бир ерга жам қилиб, таърифлаб берди. Бобур «Мухтасар» асари орқали ўзининг назарий ва амалий тажрибалари асосида аруз баҳрини баён қилишда ва маълум тизимга тушириш борасида ўзининг янги услубини намойиш қила билди. У хар бир баҳрга¹ алоҳида тўхтаб, унинг ўзбек шеъриятида тутган ўрнига адолатли баҳо берди. Бобур «Мухтасар» асарида вазнларга мисоллар келтириш йўлини тўғри топа билди. Аруз вазнига ўзининг ижодидангина мисоллар келтириш билан чекланмай, балки қатор машҳур шоирлар асарларидан намуналар келтириб, янги ва тўғри усулни қўллади.

Бобур маърифати кирраларини кўрсатувчи яна бир масала борки, Озарбайжон машҳур арузшўноси Акрам Жаъфар турк ва форс-тожик халқлари аруз назарияси асослари юзасидан нашр эттирган асарларида мумтоз ва ҳозирги даврда яратилган асарлар билан илмий-тадкикот ишлари олиб бориб, машҳур арузшўнослар асарларидаги вазнлар сонини аниқлайди, Бобур асарлари бу жиҳатдан юқори эканлигини кайд этади. Арузшўнос Саидбек Ҳасанов эса ўзининг «Мезон ул-авзон» ва «Мухтасар»даги баҳр вазнларининг сонига² сарлавҳали илмий ҳулосаларга хос жадвалида Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида келтирилган вазнлар сонини Бобурнинг «Мухтасар»да келтирилган вазнлар сонига нисбатан кам эканлиги кўриниб турибди. Бу, албатта, «Мезон ул-

¹ Аруз вазнида мисралардаги ритмик бўлақлар руки деб юрғи-тилади. Рукилар ўзгаришларга учраса, зиҳоф дейилади. Байтнинг ритмик бўлақларга ажратиш ва бўлақларнинг рукиларга тенглиги тактеъни ташкил қилади. Ҳазж— ёқимли ун ва тарона маъносини билдиради. Қаранг: Ҳ. Ҳомидов ва бошқалар. «Адабиётшунослик терминлари лугати». Тошкент, «Ўқитувчи», 1967. 276—283-бетлар.

² Адабий мерос. «Фал» нашриёти, 1973, 3-сон, 162-бет.

авзон»нинг қиммати камсита олмайди. Чунки, «Мезон ул-авзон»да форс-тожик арузидаги вазнлар устида тўхталмай, фақат ўзбек илмий арузида қўлланиладиган, кенг истеъмолдаги вазнлар борасидагина гапирилган. Бобур аса ўзининг рисоласида ўзбек арузида ишлатиладиган вазнларни баён қилиш билан бирга форс-тожик шеърларида вазнлар устида ҳам тўхтайди, деган хулосага келади.

Бобур янгиликларидан бири унинг янги доира яратганлигидир.

Бахрларнинг бир-бирига яқинлиги ва ўхшашлиги нуқтаи назаридан арузини доиралар қабул қилинган. «Мухтасар»да 9 доира келтирилиб, унинг янги павълари кўрсатилади. Бобур ўзи ихтиро қилган янги доира ҳақида қуйидагини маълум қилади: «Ҳазажи мақбуз билад рамали макфӯфдин яна бир доира мумкиндур. Ҳазаж мафӯйлун тўрт қатла. Рамал фотилоту тўрт қатла мисраъиким доирада битилиб, бу икки вазн андин ўқилғай, будур ҳазажи мақбуз вазни:

«Менинча ким қилур вафо,
Менинча ким чекур жафо?»

Рамали макфӯф вазни:

Ким қилур вафо менинча?
Ким чекур жафо менинча?

Бу доираи муҷталибаи мухтариъа десалар муносабатин бор»¹.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, Бобур қўшиқлар ҳақида ҳам ўз муносабатини билдириб таҳлил беради, қўшиқларнинг тархоний қўшиқ, туркий қўшиқ каби турларини ёзади.

Бобур туюқлар ҳақида ёзар экан, улар мўғул хонлари билан турк султонлари йиғилишларида кўпроқ айтилишини гапирди ва туюқнинг уч янги навъини мисолга олади.

Бобур ўзбек тили ва шеърлигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, вазн ва тақтиъ бобларида ўз-

¹ Саидбек Ҳасановнинг «Бобурнинг «Мухтасар» асари ҳақида» сарлавҳали мақоласидан олинди. Бобур. «Мухтасар», «ФАН» нашриёти, 1974,

бек арузи борасида янги фикр-мулоҳазалар билан умум аруз фанига бениҳоят катта ҳисса қўшди¹.

Заҳририддин Муҳаммад Бобур асарларига мурожаат қилиш кишида доимо зўр қониқиш туғдиради. «Мухтасар» да ҳам мисол ўрнида келтирилган шеър ёки шеърый парчалар тарбиявий жиҳатдан халқ педагогикаси талаблари даражасига тўла мослиги билан ҳозир ҳам тарбия воситаси сифатида хизмат қилаётир.

«Мухтасар» даги баён этилган илмий фикрлар фан оламини бойитибгина қолмай, балки мактаб таълимида адабиёт фанини чуқурлаштириш имконини беради.

«Мухтасар» Бобур фаолияти, шахси, билим доираси ҳақидаги тушунча ва фаразларга ойдинлик бахш этади.

Китобни ўқиган китобхон, ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам Абдуллоҳ Хотифий, Абдулбарака Фироқий, Ориф Фарқатий, Моҳфий, Биноий, Торий каби ижоди машҳур, лекин асарлари топилиши кийин бўлган шопрлар дунёқараши билан оз бўлса-да танишадилар².

Инсонга гўзаллик бахш этувчи чеварлик касбининг сифатларини исботловчи қуйидаги содда, ёқимли байт шопр Торийга тааллуқлидир:

«Сангаки барги гулдин либос қилса бўлғай
Гуле бу гулшан ичра қиёс қилса бўлғай»³

Мактаб ўқувчиси юқоридаги икки сатрдан гулнинг баргидан либос тикиб кийдирса, ундан кейин гулшандаги гулларнинг гўзаллиги қиёс этилса, сен ундан гўзал бўлиб кетасан. Чунки сенинг қоматинг шундай нозикки, гулдан сенга либос тикиб кийдириш мумкин, деган мазмунни, ўхшатиш ва жонлантириш кабиларни тез англай-

¹ Саидбек Ҳасановнинг «Бобурнинг «Мухтасар» асари ҳақида» сарлавҳали мақоласидан олинди. *Бобур*. «Мухтасар», «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1971.

² С. Ҳасанов бундай деб ёзади: «Бобурнинг бу рисоласи «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида (Н. Маллаев, «Ўқитувчи», Тошкент, 1965 й. 637-б.) муфассал номи билан эслатилади. Бу асарнинг «Мухтасар» номи тўғрисида қўлёзманинг икки жойида сўз юритилган. «Шеър аҳли орасида шойти вазиларда устоддин оз ашъор келтурулғай, то бу мухтасар васила била фусахо назарига манзур ва шуъаро тилига мазкур бўлғай. Чун бу мухтасар сафарда баёзга борди. Ул муносиб била мусофир масойил битилди» (*Бобур*. «Мухтасар», «ФАН» нашриёти, 1971. 6-бет).

³ Ўша асар, 84-бет.

ди ва унда мумтоз шоирларимиз меросини ўрганишга иштиёқ кучаяди. Китобхон бу сатрлардан гулдан ўта гўзал либос тика оладиган киши, чеварлик касбининг эгасига ишора борлигини билиб олади. Энг муҳими, инсонда чеварлик касбига меҳрни тарбиялашда юқоридаги сатрлар восита бўла олади.

Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ҳазажи мақбуз вазнига:

«Менингча ким қилур вафо,
Менингча ким чекур жафо».

байтини мисол келтиради. Рамали мақфуф вазни учун эса сатр бошида келган радифни сатр охирига олиб,

«Ким қилур вафо менингча,
Ким чекур жафо менингча»¹

ҳолида ишлов бериб кўрсатади. Агар, биз буни илмий ёндашув, деб баҳоласак, шеърда берилган (Вафо қилиш осон эмас, вафо қилган киши жафо чекади) гоявий мазмунни тарбия воситаси деб баҳолаш мумкин.

Бобур адабиётшунос олим сифатида ҳам туркий тилда, ҳам форсий тилда пажод этган шоирларга мурожаат қилади ва улар асарларидан талаб доирасидаги керакли мисолларни топади.

Бобур саккизинчи вазнга мисол тариқасида Соҳиб Балхийдан:

«Тун кони намак, ма шўр бахтон,

Худо ин дод мороу туро си»² байтини ишлатса, Мир Мурулдан:

«Юзи гул, хўбларнинг булбули мен,
Малоҳатлиқ йигитларнинг қули мен»³

байтини ишлатади. Бу бир мақсадга қаратилган икки тилдаги икки байт «Мухтасар»нинг форсийда ва туркийда сўзлашувчи халқларга мўлжалланганлигини билдириб, икки халққа маърифат нурини тенг сочади.

¹ Қаранг: Бобур. «Мухтасар». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971. 9-бет.

² Уша асар. 134-бет.

³ Уша асар. 134-бет.

Шоир дунёвий илмлар билан бир қаторда диний билимларни ҳам тарғиб этди. У мусулмонлик фарз ва суннатларини яхши билганлиги, диний эътиқоди кучли бўлганлиги туфайли ислом дини қонун-қоидаларини тарғиб қилувчи асарлар ёзди.

«Тарих тўққиз юз йигирма саккизда, — деб ёзади Бобур «Мухтасар»да, — мен доғи имом Абу Ҳанифа мазҳабида таъгри тавфиқи била бир фикҳе пазм қилдим. Мубаййинга мавсум. Китоб назмининг сабабини мундок дейилибтур.

... Бил мусофирга недур аҳком,
Тут қулоқ барчасин қилай аълом,
Бири буким намози қуср этар,
Тўрт ракаат фариза икки ўтар.
Гар қазо бўлса, бу намоз нестар,
Ул қазони доғи муъайян ўтар».¹

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқ таълими мазмунига катта ҳисса қўшди. Халқнинг осон савод чиқаришни ҳақида қайғуриб, имлонинг осон белгиларини яратди. Ёзма ва оғзаки нутқнинг раво ва тушунарли бўлишини талаб этиб бориш билан нутқ маданиятини тарғиб этди. Энг мураккаб ҳисобланган аруз назариясини далиллар билан шарҳлаб адабиётшунослик фанига, маълум маънода, янгилликлар киритди. Ҳар қандай шароитда ҳам эсдаликлар яратип мумкин эканлигини «Бобурнома» орқали исботлади. У диний ва дунёвий билимлар ташвиқоти ва тарғиботига ўз кучини сафарбар қилди.

ХУЛҚ ТАҲЛИЛИ

Маданиятли, маърифатли шахслар инсонлар хулқига бефарқ бўлмайдилар. Улар ўзларига яқин кишиларнинггина эмас, балки атрофларидаги бошқа кишиларнинг ҳам ахлоқини кузатадилар, улар хулқини ўрганадилар, таҳлил қиладилар, маълум ҳукмга келадилар, яхши фазилатларни ўзларида, оила аъзоларида, яқин кишиларида тарбиялашга, ёмон хулқларни бартараф этишга ҳаракат қиладилар.

¹ Бобур. «Мухтасар». «Фан» нашриёти. Тошкент. 1971, 200—201-бетлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарининг саҳифаларида 80 дан ортиқ шахснинг номини тилга олиб, 50 дан ортиқ замондоши хулқ-одоби, инсонийлиги, насаби, мансаби, касби, ижоди ва фанга қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталади, уларга адолатли баҳолар беради, ўз муносабатини билдиради¹.

Бобур кишилар хулқига тўхталар экан, кўп ҳолларда хулқнинг таҳлил жараёни ва унинг тўла баённи ёзмайди. Ўз мушоҳадаси ва ҳаётий тажрибасига қиёслаб, хулоса ҳам чиқармайди, балки мисоллар асосида шахсларнинг одоб-ахлоқига доир сифатларни баён этиш билан кифойланади. Хулоса чиқаришни эса китобхонга ҳавола этади. Китобхон XV—XVI асрлардаги тарихий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий жараённи Бобур берган маълумотлар асосида кўз олдига келтиради ва шу асосда кишилар фаолияти ва ўзаро муносабатига доир далиллар воситасида ўз хулоса ва ҳукмини чиқаради.

Бобурнинг кишилар хулқига билдирган муносабати унинг хулқ-ахлоқ назарияси ва мазмунини чуқур эгаллаган шахс эканлигини кўрсатади. Шоирнинг бу муносабати эса катта билим ва тажриба талаб этувчи машаққатли изланишлар ҳосиласидир. Бадий асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг босиб ўтган йўли инсон умрининг маълум қисмидир. Турмушда ҳаёт оқими бир текис бўлмагандек, асарда ҳам ҳаётийликка эришмоқ учун қаҳрамонлар рафтори ва нутқидаги ана шу потекисликни топа олиш ва жонлантира билиш, мантикий асослаш ва тингловчинини шу потекисликка ишонтириш керак.

Тарбия назариясида кишилар хулқига баҳо беришда ҳар хил мулоҳазалар мавжуд, баъзилар шахснинг ижтимоий фаоллигини ахлоқий тарбияланганликнинг ўлчови деб биладилар. Баъзилар талабларга ижобий муносабат десалар, бошқа бирлари шахснинг ўз хулқини баҳолай олиши, деб ҳисоблайдилар. Баъзилар ахлоқий одатлар ва фазилатлар, деган ғояни илгари сурадилар. Демак, кишилар хулқига баҳо бериш анча мураккаб муаммодир. Шунинг учун ҳам Бобур шахслар хулқига муносабат билдириш уларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳаётдаги муомала ва алоқалари, маънавияти ва барқарор ахлоқий сифатлари мавжудлиги кабиларни ҳисобга олади.

Шарқ халқлари тарбия назариясида киши хулқини

¹ Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 219—246-бетлар.

у жамоат орасида ёши улуг, мансабдор, **илмли** ва ҳурматли шахслар олдида ўзини қандай тута билишига қараб баҳолаш алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, жамоат ичида ёши улуг кишилар олдида ёшларнинг қандай сўзлаётганлиги, қандай ҳолда ўтирганлиги, ўзини тутиши синчиклаб қузатилади. Шунга қараб киши одобли ёки одобсиз, деб айтилади.

«Бобурнома»да келтирилган шарқ тарбия мазмунига хос қўйидаги ҳикоят тарбия воситаси сифатида қимматлидир. Ҳикоятда Хожа Аҳрор суҳбатида Султон Аҳмад Мирзонинг қандай ўтирганлиги айтилади. Хожа Аҳрор Султон Аҳмад Мирзо ўтиришда беодоблик қилганини сезади, лекин буни унинг юзига солмайди. Мирзо туриб кетгандан кейин Хожа Аҳрор унинг ўтирган жойида суяк бор экан, шунинг учун яхши ўтирмади, деб унинг беодоблик қилганини хизматкорларига эслатади. Шоир бу билан Хожа Аҳрорнинг ўта зийрак ва талабчан инсон эканлигини кўрсатади, Султон Аҳмад Мирзонинг беодоблигига исбот талаб этмайдиган далил келтиради, **энг** муҳими китобхонни катта ёшли, нуфузли одамлар ҳузурида одоб билан ўтиришга даъват этади.

«...дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисда тизи бир-бир тизига ёвутқаган¹ эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бор хилофи одат оёғини ёвутқаб ўлтурубдур. Мирзо кўпқондан сўнг ҳазрати Хожа буюрубдурларким, Мирзо ўтиргон ерни боққайлар, бир сўнгак бор экандур»².

Бадий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги ва ҳоказоларнинг тасвири муҳимдир.

Асарда иштирок этувчиларнинг таниқи қиёфасини (юзи, гавдаси, кийими, турли қилиқлари кабилар) тасвирлаш ёзувчи учун ҳам, китобхон учун ҳам аҳамиятлидир. Бобур кишининг ўзига хос хусусиятларини очишни тасвир воситаси сифатида қўллайди. У кишилар ички ва ташқи хусусиятларини очишда бадий бўёқ ва сифатлашлардан кам фойдаланади. Далилларни кўпроқ ўз ҳолича беради. Шунда китобхон шахсларнинг кўп жиҳатларидан хабардор бўлади. Натижада, шахслар сифатларига, хусусиятларига Бобурнинг ўз муносабати аниқ сезилади. Бобур шахслар ҳулқини ўз ҳолича, бўямасдан кўрсатиш учун адабиётдан маҳорат билан фойдаланади.

¹ *Евутқаган* — яқинлашиб. ² Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960. 74—75-бетлар.

Мир Сарбарахнанинг сайидларни ҳурмат этиши, унинг суҳбатларда кишилар таъбига қараб муомала қилиши, ширинсуханлиги Бобурга ёқади. У Мир Сарбарахнанинг Хуросон олимлари ва шоирлари ҳурматига сазовор бўлганлигини ҳамда унинг айтган сўзлари қадрли эканлигини қайд этади. Ўз навбатида Бобур унинг ижоддаги камчилиқ ва нуқсонларини рўй-рост танқид қилади. Бобур Мир Сарбарахна ижодидаги таҳрирга муҳтож ва мазмун иёлгон асаридан ҳафа бўлиб, бундай деб ёзади: «Судур: бир Мир Сарбарахна Андижоннинг кентларидиндур. Ғолибо мутасаййидур, бисёр хушсуҳбат ва хуштаъб ва ширин калом киши эди. Хуросон фузалоси ва Шуароси қошда анинг даҳш ва сўзи мўътабар ва санад эди»¹. «Амир Ҳамза қиссасининг муқолабасида умри зойе қилиб, узун узоқ ёлғон қисса боғлабдур: бу амр мухалифи таъ ва ақлдор»². Ёки:

«Зунун арғун агарчи мардона киши эрди, вале хасис ва мол дўст ва раъй ва ҳисобдан йироқ ва қавақрак ва телбарақ киши эди»³.

Шоир Хусрав шоҳнинг ярамас одатларини, золимлигини санаб кўрсатади: у золим ва тоат-ибодат қилмайдиган, киши ҳақидан кўрқмайдиган, кучсизларнинг шахсиятига тегадиган бўлганлиги учун унинг қўл остидагилар ҳам ифлос ишлар билан машғул эдилар. Ҳатто бировнинг никоҳидаги хотинини ҳам тортиб олар эдилар. Халқ унинг бек ва навкарларидан кўрқиб, ҳатто, бозор кунлари ҳам уйларида кўчага чиқмас эдилар. Шоир Хусрав шоҳ золимлиги ва ёмонликларини юкоридаги каби баён этар экан, «қўлдан келгунча ҳеч бир кишига озор берма», деган ҳукм чиқаради. «Яна бир буқим, — деб ёзади Бобур, — ўзиким нечук золим ва фосиқ эди, бек ва бекча ва навкар ва сардор тамом золим ва фўспқ эдиларким, Хисор эди, алалхусус Хусрав шоҳга тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зипога машғул эдилар. Бир марта бодаким, Хусрав шоҳнинг навкарларидан биров бир кишининг хотунини тортиб элтар, бу хотунининг эри Хусрав шоҳга келиб додхоҳлик қилур, жавоб берурким, неча йил селинг била эди, неча кун анинг била бўлсун.

Яна бир бу қим, шаҳри ва бозори, балки турк ва сяпоҳининг амрод ўғлонлари чўхра қилур кўрқинчдан уйдан чиқмас эдилар.

¹ Б с б у р. «Бобурнома». «Фан» пашриёти, Тошкент, 1960, 238-бет.

² Ўша асар, 238-бет.

³ Ўша асар, 268-бет.

Хазар кун зи дарди дарунхон реш,
Ки реши дарун оқибат сар кунад,
Баҳам бар мазан то тавони диле,
Ки оҳе жаҳоне баҳам барзанд»¹.

«Адабиётшунослик ғанидан маълумки, «қаҳрамон-нинг ички дунёси» деганда унинг ўзигагина хос бўлган руҳий кечинмалари, маънавий олами بازارда тугилади»².

Ёзувчини мафтун этган ёки ғазабини келтирган ва бутун асарга сянгиб кетган ғоя, ҳис ва ҳаяжонни китобхонга етказиш учун Бобур ўз асарлари қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси, сифатлари билан бир қаторда уларнинг ички руҳий ҳолатини ҳам баён этади.

Шоир ўз отаси Улуғбек Мирзони ўлдирган Абдуллатифдан ғазабланади, унинг ғайри илсоний пишии қоралайди. «Улуғбек Мирзодин ўғли Абдуллатиф Мирзо олди. Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди.

Улуғбек Мирзонинг ғавтининг тарихи тавре воқия бўлибтур. Назм:

Улуғбек баҳри улуғу хирад
Ки дунёву динро азу буд пушт,
Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид.
Шудаи ҳарфи тарих Аббос кушт»³.

Шоир ўз отасини ўлдирган Абдуллатиф ҳақида бундай деб ёзади:

«Агар ўзи ҳам беш-олти ой бош салтанат қилмади, бу байт ташхурдирким:

¹ Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 79-бет. Таржимаси: Ички яралар дардидан ҳазар қил! Чунки, ички яра охир юзага чиқади. Қўлдан келгунча ҳеч бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади.

² Х. Ҳомидов ва бошқалар. Адабиётшунослик терминлари луғати. «Ўқитувчи», Тошкент, 1967, 167-бет.

³ Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 109-бет. Таржимаси: Илм ва ақл денгизи бўлган Улуғбек дунё ва диннинг таянчи эди. Аббос қўлидан шаҳидлик болини татиди. «Аббос кушт» ҳарфлари ўлим тарихи бўлди. (Абжад ҳисобида 853 йил, милодий 1449—1450 йил).

Падаркуш подшохино нашоёт,
Агар шоёд ба шаш мохаш напойд»¹.

Бобур ўз дунёкараши, фаолиятидаги чуккур зиддиятлардан қатъи назар, муҳим ижтимоий масалаларда ўз замонасининг илғор кишии сифатида майдонга чиқади. Бир томондан, Бобур ўз қўшинига зарур ашёларни одамлардан зўрлик билан тортиб олган бўлса ҳам, иккинчи томондан, ўғрилиқ, талаш, ўта золимлик қилган кишиларни қаттиқ қоралаган. Бобурнинг фикрича, ундай кишилар қасосга, жазога дучор бўлиб, ҳалок бўладилар. Улар лаънатга сазовордирлар².

Шоир ёмон хулқли кишилар жазосини Ҳасан Яъқуб ҳаёти мисолида бундай талқин этади: «Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масҳара ва бе боқ теграсида бор эди. Девон бошида ва ҳалойиқ қошида зишт ва шаниъ ҳаракатлар қилур эди. Бод калом эди»³. «Қоронғу кечада ўз элининг ўқи-ўқ Ҳасан Яъқубнинг қочарига тегиб, қочаридин бурунроқ ўз амалига гирифтор бўлди:

Чу бад карди мабоиш эмин зи офат,
Ки вожиб шуд табиатро мукофот»⁴

Фақат ўзини, ўз шахсий манфаатини кўзловчи шахсга нисбатан жамоатчилик фазилати юксак бўлган, кўлнинг фойдаси учун қурашган шахс ботирроқ, мардпроқ ва ҳаётда қатъий турувчи сифатларга эга бўлади. Бобур худди шу сифатларга эга бўлди. Шунинг учун ҳам у фақат бойлик кетида қувувчи жирканч кишиларни ўз асарларида салбий ҳолатда таништиради. Лекин бу салбий сифатларни бўрттирмайди, ўз ҳолча тасвирлайди ва бу билан китобхон ишонишга сазовор бўлади. Шоир Ҳусайн Бойқаронинг вазир Мажиддин Муҳаммаднинг қақимчи, алдамчи ва кишиларни ғийбат қилувчи бел-

¹ Таржимаси: отасини ўлдирган (падаркуш) подшо бўла олмайдди. Агар бўлса ҳам, олти ойга етмайдди.

² В. Зоҳидов. «Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси». Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 33-бет.

³ Ўша асар, 81—82-бетлар. ⁴ Ўша жойда. Таржимаси: Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма, чунки, табиатнинг берадиган жазоси аниқдир.

тақимчи, алдамчи ва кишиларни ғийбат қилувчи бел-гиларини бундай кўрсатади: «Мажиддин Муҳаммад ҳо-зир экандур, табассум қилур. Мирзо¹ жиҳат сўрса, хил-ват қилиб, кўнглидагини арз қилиб дерким, Мирзо шарт қилсаларким менинг илигимни қавий² қилиб, сўзимдан тажовуз қилмасалар, оз фурсатда андоқ қилайким, ви-лоят маъмур ва раият шоқир ва хизона мавфур³ ва си-лоҳи вофур⁴ бўлғай»⁵.

Шоир шахсларнинг хулқини таҳлил этар экан, унинг динга муносабати, номоз ўқиши, мазхаби кабиларга ҳам тўхталиб ўтади. Уларнинг саводи ва илмий йўна-лиши, ҳунари, шеърят билан қизиқини ҳақида батаф-сил тўхталади. Ҳатто уларнинг таҳаллуси ва шеърининг бадий юксаклик даражасини кўрсатувчи далилларни келтиради.

Шоир ўз отаси Умар Шайх Мирзонинг хулқи ҳақи-да бундай деб ёзади:

«Равон саводи бор эди, «Хамсатайн» ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърга парво қил-мас эди.

Бисёр саховати бор эди. Хулқи дағи саховатча бор эди, хуш хулқ, ҳарриф, фосих ва ширин забон киши эди, шуҷоъ ва мардона киши эди»⁶.

«Бобурнома» даги шахслар — қаҳрамонлар бадий тўқима эмас. Улар Бобурнинг ўзи кўрган, билган, бир-га яшаган, бирга фаолият кўрсатган замондошларидир. Шунинг учун ҳам тасвирланаётган шахслар хулқини ўқир эканмиз, Бобурнинг унга бўлган муносабатини ҳам осон билиб оламиз. «Бобурнома»даги шахслар хул-қи ва Бобурнинг унга бўлган муносабати эса улар хул-қига, дунёқарашига баҳо бериш имкониятларини кен-гайтиради. Масалан, шоир етминч йил жамоат билан (якка ўзи эмас) намоз ўқини тарк этмаган Шайхул-ислом Сайфуддин Аҳмаднинг хулқи-одоби ҳақида қуйи-даги маълумотларни беради: «Бисёр донишманд киши эди. Арабия улумини ва нақлия улумини⁷ хўб билур эди. Бисёр муттақий⁸ ва мутадайн⁹ киши эди, агарчи

¹ Ҳусайн Бойқарога Мирзо деб мурожаат этар эдилар. ² Қавий — кучли, бақувват. ³ Мавфур — фаровон, бадавлат. ⁴ Вофур — кўп, мўл-кўл. ⁵ Бобур. «Бобурнома». «Фан» пап-риёти, Тошкент, 1960. 239-бет.

⁶ Бобур. Ўша асар 64—65-бетлар. ⁷ Улум — илм.

⁸ Муттақий — эътиқодли. ⁹ Мутадайн — диндор.

шофой мазҳаб эди, ҳар мазҳабни риоя қилур эди. Деярларким, етмиш йилга ёвуқ¹ жамоат намозини тарқилмайдур».²

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, уларнинг феъл-одатида, фаолиятида учрайдиган айрим камчиликларини улардаги яхши томонлар босиб кетади, ахлоқий сифатлари билан ўз тенгдошларидан устун турадилар, гўзал фазилатлари ва ибратли ишлари билан атрофдагиларини ром қиладилар. Ҳамма ўшаларга ўхшасам, эргашсам дейди. Шу маънода «Бобурнома» асари ёшларга ўз руҳиятларидаги жиддий ўзгаришларни, тақдирларидаги бурилишларни, феъл-атворларидаги кучли ва заиф томонларни, ҳаётлари йўлидаги мураккабликни, қийинчиликларини англаб етишларига ёрдам беради. Бобур асарларида халққа фойда келтирадиган яхши хулқли шахслар ахлоқи ва фаолиятига доир таҳлиллар кўплаб учрайди. Масалан, шоир «Бобурнома» да Бойсунғир Мирзо ҳақида бундай деб ёзади: «Ахлоқ ва атвори: адолат-пеша ва одми ва ҳуш табъ ва фазилатлик подшоҳзода эди. Устоиди Сайд Маҳмуд шинний экандур. Би жиҳатдин Бойсунғир Мирзо ҳам, матъун эди. Сўнгра дедиларким, Самарқандда ул ёмон ақидадин ёниб, пок эътиқод бўлибтур. Хили чоғирга ҳирси бор эди. Чоғир ичмас маҳалда намоз ўтар эди. Сахотати ва бахшиши эътидол била эди. Настаълиқ хатини хили хўб битар эди. Наққошликда ҳам илиги ёмон эмас эди. Шеърини ҳам тавре айтур эди. «Одильий» таҳаллус қилур эди. Шеърини девон тартиб бўлмайдур эди»³.

Бобур ўз асаринда Мулла Бақойининг ақлли ва тадбирли шахс бўлганлигини учун подшоҳ олдида ҳурматли ва иззатли эканлигини, шоирлигидан ташқари тиббиётдан ҳам хабари борлигини қайд этиб, бундай деб ёзади: «Ва Мулла Бақойини саликаси кўп эрди ва «махзанул-асрор» вазияда подшоҳ олиға маснавий айтиб эрди ва Хожа Низомиддин Али Халифа хизмат ва маҳрамият ва вазоратга ақл ва тадбири бор эди ва подшоҳ олдида ҳурмат ва иззати онча бор эдиким, кўн сўзи мақбули табъ бўлур эди ва тибдин ҳам садиқаси бор эрди»⁴.

¹ Ёвуқ — яқин.

² Бобур. Бобурнома. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 241-бет.

³ Бобур. Бобурнома. «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 126-бет.

⁴ Бобур. Бобурнома. «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 461-бет.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бобур подшоҳ, ҳукмдор, саркарда сифатида ўз қўли остидаги беклар ва навкарларнинг хулқи ҳақида жуда оз фикр билдиради. У буйруқ ва фармонларнинг бажарилиши, итоатгўйлик, шоҳликка муносабат, фаоллик, адолатли иш тутиш, қадр-қиммат каби масалаларда қўл остидаги шахсларни кузатишга, таҳлил этишга мажбур эди. Лекин Бобур бу кузатув ва таҳлил натижаларини ҳукмдорнинг иши деб биларди. Бобур оила бошлиғи сифатида ўз оила аъзолари, фарзандлари хулқига ҳам тўхталмайди. Чунки уларнинг хулқини баҳолаш фавқулодда ҳодиса бўлмай, бундай қилиш барча ота-оналарнинг ҳам қўлидан келарди.

Бобур томонидан хулқи таҳлил этилган шахслар асосан ўз ахлоқи билан халққа таъсир этиши мумкин бўлган шоҳлар, шаҳзодалар, вазирлар, беклар, мирзолар, диндорлар, шоирлар, олимлар ва ҳоказолар эди. Маълумки, юқорида айтиб ўтилганидек, мансабдор шахслар хулқига баҳо бериш аниқса, Бобур яшаган даврда ўта масъулиятли ва аслида анча хавфли иш эди. Энг муҳими, хулқи маълум даражада юқори бўлган мансабдорларнинг ўзига хос хусусиятларидан хабардор шахсина ҳукмдор ёки нуфузли кишиларга муносабат билдириши, баҳо бериши мумкин эди. Бобурнинг фикрича, ўз даврининг маданиятли-маърифатли кишиси эса одамлар хулқини ҳукмдор сифатидагина эмас, балки хулқатворда, ахлоқда намунали киши сифатида кузатиши ва таҳлил этиши, унинг натижаси асосида ўз ҳукмини бериши керак эди.

Бобурнинг инсонга, унинг фаолияти: ташқи қиёфаси, ички дунёси ва барча фазилатларига баҳо беришда адолатли муносабатда бўлишининг моҳияти шундаки, шахсга, унинг фаолиятига баҳо беришда ҳар томонлама қараш ва таҳлил қилишга, аниқ воқеликка танқидий муносабатда бўлишга, инсон ва унинг фаолиятини атрофлича баҳолашга, бундай ижтимоий турмушнинг муайян соҳасидаги инсонга хос томонларни қамраб олишга даъват этади ва ахлоқни шуларни назарда тутиб, таҳлил қилади.

БОБУР ЯХШИ ХУЛҚ ҲАҚИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди билан танишар эканмиз, унинг инсонга яхшилик қилиш тарафдори эканлигини чуқур ҳис этамиз. Бобур фалсафаси яхши

киши яхши бўлади, шунинг учун ҳам ундай киши яхшилиги учун ҳам ёмонлик кўрмас, деган ғоя билан сугорилган эди. Яхши одамларга яхшилик қилишнинг улуғлиги тўғрисидаги ғоя унинг барча асарларида барқ этиб туради.

«Ул пари рухсора ҳаргиз нотаваонлик кўрмасуп,
Яхшидур яхши киши ҳаргиз ёмонлик кўрмасун»¹.

Ушбу фардда пари рухсорининг нотаваонлик кўришини Бобур истамаслиги юксак бадий маҳорат билан берилган.

Бобурнинг фикрича, кишининг ақл-ҳушидан озгина бўлса, у ўша оз ҳуши ёрдамида шундай яхши ишлар қилсинки, токи вафотидан сўнг инсонлар уни яхши одам эди, деб эсласин.

«Ғаразким, бу дунёда кишидан ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин бахравар бўлса, неча андоғ ҳаракатга иқдом қилгайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асар бўлса, неча андоғ амрга эҳтимом қилмоғайким, қилгондин сўнг мустаҳсан дегайлар»².

Ёки Бобурнинг «Ким кўрибтур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиғ», деб бошланувчи ғазалидаги қуйидаги байтнинг мазмунини таҳлил этайлик.

«Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ»³.

Шоир ҳаммага яхшилик тилар экан, ёмонлик қилувчиларнинг борлигини эътироф этади, ҳаммапинг яхшиликка муяссар бўлиш, ғам-аламдан ҳоли яшаш каби муродга етишини истайди. Унингча, инсон яхшиликка интилиб яшаши керак, агар у ўз ҳаётида улуғ ниятларига, мурод-мақсадларига етмаса, азоб чекиб яшашнинг фойдаси йўқ:

«Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё барча муродларин тарк этса киши.

¹ Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982, 126-бет.

² Бобур. Бобурнома. «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 142-бет.

³ Бобур шеъриятидан. Тошкент. 1982, 72-бет.

Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда,
Бошин олиб бир сориға кетса киши»¹.

Ушбу рубоийда шоир ета олмайдиган истақдан воз кечиш, бу ҳам муяссар бўлмаса, дунёдан бош олиб кетиш керак, демоқчи.

Инсонларга яхшилик тилаш, муродини сўраш каби умуминсоний фазилатлар тараннум этилган бу сатрлар маърифатга даъватдан ўзга нарса эмас.

Шоир яхши хулқли, ширинсўз кишиларни ёқтиради, яхшиликнинг бир сифати бўлган мардликни хуш кўради:

«Менинг тилагим бу дурки, навозанда бўлай,
Ҳар қандай эсанг, мен дағи анда бўлай.
Не хулқ эди, яна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу яхши хулқингга банда бўлай».

Ёки:

«Асру кўп эмиш муръату ҳиммат сизга,
Рўзи қилғай худой нусрат сизга,
Мардоналиғингизни бори эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга».³

Шоир журъатли, ҳимматли инсонни худо ҳам иноят қилади, сизни мадад қилиб қўллайди, сиз мардлик қилдингиз, уни халқ билди, сизга минг марта раҳмат, деб ёзар экан, китобхонни журъатли, ҳимматли, мард бўлиш каби элга, худога ёқувчи, раҳматларга сазовор киши бўлишга даъват этади. Бобур бундай деб ёзади: «Ҳар кимдин яхши иш қолғон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак». Шоир кишиларнинг энг яхши одатларини ўрганишга, давом эттиришга, ҳаётнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайдиган тартиб-қоидалар ўрнига янгиларини жорий этишга чақиради.

Умар Шайх вафотидан кейин Бобур саройида энг юксак мавқеи эгаллаган ва Бобурга қарши фитна уюштирган Ҳасан Яъқуб ўз қилмишининг қурбони бўлади. У йигитлари томонидан отиб тапиланади.

Бобур мусулмонларга худодан доим яхшиликлар ти-

¹ Ўша асар, 74-бет. ² Ўша асар, 91-бет. ³ Ўша асар, 88-бет.

ларди, мусулмонларга ёмонлик келтирувчи шахсларга бешафқат эди.

«Тангри ҳеч мусулмонга бу балони солмагай. Ёмон хуйлук, кажхулқ хотун илоҳий оламда қолмагай»¹, деб ёзди шоир.

Шоир ҳасад қилиш, ўзгалар ютуғини кўра олмаслик яхшиликка зид эканлигини куюниб ёзди. Шунинг учун шоирдаги ҳасадчиларга қарши муносабатнинг ўткирлиги бежиз эмас эди.

«Умбу йил шубҳалик таомидан парҳиз қила бошладим. Пичоқ ва қошиқ ва дастурхонгача аҳтиёт қилур эдим»², деб ёзди шоир. Демак, Бобур ўзига ҳасад қилувчи; жонига қасд этувчи, пойловчи шахслар борлигидан шубҳаланар, аҳтиёт чораларини кўришга мажбур эди. Шунинг учун ҳам у сезгирлик қилади, ҳасадгўйларнинг кўрар кўзлари кўр бўлишини тилайди:

«Арбоби ҳасадни, дунёдин дур бўлгай,

Истар севаридин киши маҳжур бўлгай,
Доим кўрайин юзунга ало рағми хасуд,
Ҳар ким кўра олмаса, кўзи кўр ўлгай»³

Шоирнинг ҳасадга қарши бу даражада ўт очили, иноқликни, мурувватли дўстни қадрлаши инсонийликни улуғлаши эди.

Бобурнинг яна бир ибратли ғазилати ёмонлик қилган кишидан ҳам яхшилик кутишидир. Шоир бу ишидан ўзи ҳам ажабланади:

«Юз ёмонлиғ кўриб андин телба бўлдинг, эй
кўнгул,

Яхшиликни кўз тутарсан ул паривашдин яна»⁴.

Бобур тарбиянинг яхшилик қилиш масаласини кўтарар экан, ким яхшилик қилса, яхшилик кўради, ёмонлик қилса, ёмонлик кўради деган ҳаётий ҳулосага келади ва ҳар доим яхшилик қилишга чақиради.

Шоир Али Дўст ва унинг ўғли Муҳаммад Дўст ҳақида гапирар экан, Али Дўстнинг қилган ёмонликларини учун олдига келиб оёғига кори (яра) чиқиб, азоб-

¹ Ўша асар. 231-бет.

² Ўша асар 81-бет.

³ Бобур шеъритидан. Тошкент, 1982, 87-бет.

⁴ Ўша асар, 15-бет.

ланиб ўлганлигини тасвирлайди. Муҳаммад Дўст ҳақида: «Муҳаммад Дўст ўзбекка кириб эди, фил жумла ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамаклик қилиб, Анди-жоннинг кўх нояларига бориб, егиликлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбек илигига тушади. Кўзларини кўр қилдилар. «Кўзларини туз туттининг» бу маъноси бор эмиш»¹.

Ёки:

«Хулқунгни рост қилғил ҳар сори гаҳи
борсанг,

Ахсанта дер бори эл гар яхши от
чиқарсанг»².

Бу сатрлардаги «ахсанта» сўзини «ҳасанга» айлантирсак, у яхши деган маънони билдиради ва ундан қуйидаги мазмун келиб чиқади: Қаерга борсанг ҳам одобли, яхши тарбия кўрган, яхши хулқли бўлсанг, яхши одам, деб ном чиқарасан, ўшанда барча одамлар, эллар сени яхши одам дейишади. Бу муаммо заминида мазмун ва инсоний ҳис-туйғулар шоир томонидан юксак санъат ва маҳорат билан ифода этилган. Бобур ҳақиқий инсон номига эга бўлиш учун ахлоқнинг барча кўринишларига риоя қилиш кераклигини ва шундагина киши эл ҳурматига ва катта бахтга сазовор бўлишини уқтириб, китобхонни тарбияли, ахлоқли бўлишга чақиради.

Демак, Бобур маърифатли шахс сифатида яхшиликни ардоқлади, яхшилик қилувчиларни қадрлади, яхшиликни тарғиб этди. Бобурдаги бу хислатлар унинг дунёқарашини, инсонпарвар шоир эканлигини авлодлар олдида янада юқори кўтарди.

БОБУР ОИЛА ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Оила тарбиясининг сифати унинг яқиний патижасига қараб белгиланади. Фарзандни оила қучоғида гўзал ва шарафли ишлар қилишга йўллашнинг энг муҳим шартларидан бири гўзал оила ярата билишдир. Зотал, гўзаллик бор ерда маънавий шараф туғилади. Бунинг учун, энг аввало, чин дўстликка асосланган кўркем

¹ Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 135-бет.

² Бобур шеърятдан. Тошкент, 1982, 5-бет.

оилани ташкил эта билиш зарур, чунки азиз умримизнинг ширин меваси бўлган фарзандларни инсонпарвар, гўзал ва шарафли инларнинг бунёдкорлари қилиб тарбиялаш асосан оила қучоғида, улар гўдаклик чоғида бошланади. Бу жиҳатдан Бобур оиласи ибратлидир. Бобур қапча юрт кезган бўлса-да, ғалаба шароитида ҳам, мағлубият ҳолатларида ҳам унинг оиласи ўзи билан бирга бўлди.

Оиланинг табиий вазифаси — фарзандларни дунёга келтириш, ижтимоий вазифаси эса уларни тўғри тарбиялашдан иборат. Оила аъзолари кичик бир жамоа бўлишига қарамай, унинг ҳаёти жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Айниқса, феодал жамият шароитида онанинг иқтисодий вазифаси хусусий мулкни сақлаш ва уни кўпайтиришдан иборат бўлиб, оилавий муносабатларнинг барча томонларига таъсир этади. Бундай шароитда хусусий мулк учун кураш оила аъзолари ўртасида низолар, жанжаллар чиқариши мумкин эди. Аммо Бобур ота сифатида, унинг хотини она сифатида болаларига бир хилда меҳрибон ва ғамхўр бўлганликларни учун бу оила болаларининг ҳаёти кам-кўстсиз кечди ва тарбияси мукаммал бўлди. Бобур оиласида онглилик болаларнинг асосий ғазилати эди.

Тарбияда онглиликнинг аҳамияти катта. Чунки ҳар қандай тараққиёт инсон камолоти, маданиятнинг шаклланиши, илмий, ижодий ва меҳнат фаолиятининг самарадорлиги, халқ урф-одатию давлатининг қудрати фақат онгли интизом билангина рўёбга чиқиши мумкин. Улуғ саркарда, мумтоз шоир ва олим Бобур ўз оила аъзоларига юқоридаги назарий фикрларга суяниб таълим беради. Онгли ҳолда каттиққўллик билан болалар тартибли, интизомли бўлишларини талаб этди, тарбиялади. Ва шундай интизомли ва тартибли фаолиятда фарзандларни вояга етказди, ўстирди.

Шоир фарзандсевар инсон эди. У серфарзанд бўлишни орзу қилар эди.

«Хумоюндин, сўнгра Хумоюн била бир туққан неча фарзанд бўлди, турмади. Ҳиндол хануз туғмайдур эли»¹, деб ёзади Бобур. «Ҳазрат волида дедиларким, агар Дилдор оғача ўгул туқса, олиб асрасам нечундур? Мен дедим: бисёр хўбтур»², деб ёзади шоир яна.

¹ Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти. Тошкент, 1960, 286-бет.

² Уша асар, 286-бет.

Бобур тарбияда сипчов ва сезгир эди, катталарнинг яхши жиҳатларини ўргатиш, ўртак олдиришга истак хисси унда кучли бўлган. Масалан, ўз отаси Умар Шайх Мирзо ҳақида қуйидаги сатрларни ёзади:

«Ахлоқ ва атвори: халфафий масхаблик, покиза эътиқодлик киши эди. Беш вақт номозни тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлиб эди. Хазрат Хожа ҳам фарзанд деб эрдилар»¹.

Султон Аҳмад Мирзо хулқи ҳақида эса Бобурнинг қуйидаги сатрларини ўқиймиз: «Ҳеч нимарса ўқугол эмас эди, оми эди. Бовужудким шаҳрида улғайиб эди, турк ва содда эди. Таъбидин баҳраси йўқ эди. Одил киши эди. Хазрати Хожанинг ҳам аёғлари арода эди. Аксар муҳиммат шаръ чариқи била файсал топар эди. Аҳд ва ҳовлига рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин ҳилофа зоҳир бўлмади»².

Юқорида айтиб ўтилганидек, Бобур улуг кишиларнинг намуна бўларли фазилатларини болаларга ўқитиб, ўғли, қизлари ва пабираларини катта авлод тарбия ва қондаларига тўла мос ҳолда улғайтирди. Шоир уларга диний, дунёвий, ҳарбий ва хусусан, ватанпарварлик таълими берилишини энагалардан, момолардан, таълим-тарбия берувчи аёллардан мунтазам талаб этиб борди.

Саркарда Бобур ўғли Ҳумоюнга халқ билан бирга бўлишни тез-тез маслаҳат бериб турди, ундан халқдан ажраб юриш каби ёмон одатга барҳам беришини талаб этди: «Яна улуг иш устига борасен, иш кўрган, рай ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилгайсен. Агар меннинг ризом тиларсен, хилватинишликни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилғил»³.

Бобурнинг ўз фарзандига бундай эл билан аралашиб, эл ичида бўлмасанг, мен рози эмасман, дейиш тарбия соҳасида ҳам дополигидан пишона эди. Бундай тарбияни фақат эл қудратини билган, қадрлаган кишигина беради.

Бобурнинг таълим-тарбия назарияси ва ҳаётий тажрибаси фарзандларига: авлодларига ижобий таъсир эт-

¹ Ўша асар, 64-бет.

² Ўша асар, 75-бет.

³ Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 421-бет.

ди. Ж. Нерунинг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида ёзилишича, «Бобурнинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шавкатли, айни вақтда ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг ижтимоий садоқатига сазовор бўлиш учун ҳаракат қилувчи одам бўлган. Саркарда сифатида у Ҳиндистоннинг кенг ҳудудини ўзига бўйсундирган, лекин у бу ютуқлардан ҳам мустаҳкамроқ галабани қўлга киритишни, яъни одамларнинг ақлини ва қалбини забт қилишни ўйлар эди»¹. Ж. Нерунинг «одамларнинг ақлини ва қалбини забт қилишни ўйлар эди», деб ёзиши бежиз эмас. Чунки мусофир юртда доимо сезгир бўлиш талаб этилган шароитда Акбар шоҳнинг одамлар ақли ва қалбини забт этмасдан иложи ҳам йўқ эди. Бунинг учун Акбар шоҳда отадан қолган бебаҳо бойлик, яъни зукколик етарлича бор эди.

Бобур ўз фарзандларига талабчан ота эди. Айни вақтда уларга меҳрибон, ғамхўр ҳам эди. У оила аъзоларини қийинчилик пайтларида ташлаб кетувчи шахсларни жуда ёмон кўрар эди: «Ғозихоний қўрғонда тасаввур қилур эдук, ул беҳамият, номард, ота, оға, инисини ва опа-эгачи-синглисини Милватга ташлаб, маълуде била тоғ сари қочибтур...

Мабин он беҳамиятроки ҳаргиз
Нахоҳад дид рўйи нек бахти.
Тан осони гузи над жештанро,
Зану фарзанд бигизорад басахти»².

Таржимаси: Ундай беҳамиятни кўрма, у ҳеч қачон хун бахтлик юзини кўрмайди. У ўз гавдасини қутқариб, хотин, бола-чақасини ёмон ҳолда қолдирди.

Ҳукмдор Бобурнинг бундай фалсафий хулосасининг меҳр-оқибатли оила бошлиғи эканлигини исбот талаб этмайдиган далилдир. Бобур инсон сифатида опла аъзоларининг душман қўлида қолдириб кетган ҳукмдордан нафратланади. Бундай воқеаларни «Бобурнома» га киритганлиги Бобурнинг ўз фарзандларига, оила аъзоларига доим мурувватли бўлишни эслатиш, бошқаларни ҳам ўз опла аъзоларини оғир кунда ёлғиз қолдирмасликка даъват этиш мақсадини ифодалайди.

¹ Ж. Неру. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши», 273-бет.

² Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 329-бет.

Бобур фарзандларини ҳурмат қилар эди, ўз навбатида, фарзандлари ҳам уни ҳурмат қилишини талаб этар эди. Шунинг учун ҳам оила аъзолари ўртасида бир-бирларига совға-салом бериб кўнгилларини хушлаш оdatи мавжуд бўлган.

«Бобурнома»да қуйидаги сатрлар битилган: «Авлоди ва ҳайлхонаси Аграга келганда Бикроможитнинг ҳайл холасининг қочар хаёли бор экандурким, Ҳумоюн қуйган кишилар кўп эҳтиёт мақомида бўлур. Ҳумоюн ҳам борғали қўймас. Ўз ризолари билан қалип жавоҳир ва жаров Ҳумоюнга пенкаш қилур. Бу жумладан бир шаҳар олмос эдиким, Султон Алоуддин кетурган экандур. Андоқ машҳурдиким, бир мукайим мунинг қийматини таъмом оламнинг икки ярим кунлук харижи дебтур, голибо саккиз мисқолдур. Мен келганда Ҳумоюн менга пенкаш қилди, мен Ҳумоюнга ўқ бағишладим¹. Бундай катта қимматга эга бўлган олмосни Ҳумоюн отасига, отаси эса Ҳумоюнга тортиқ этиши катта ҳиммат эди.

Бобур иши қанча кўп бўлмасин, қанча гам, фикр билан банд бўлмасин, фарзандларини диққатдан четда қолдирмаган. У фарзандларини шу даражада қузатар эдики, қизи қачон балоғат ёшига етди, ўғли қачон балоғат ёшига етди, ўғли қачон йигитликка ўтди, қачон ўғлига соқол, мўйлов чиқди, яхши билар эди.

«Ушбу юртта душанба куни жумадил-аввал ойининг йигирма саккизида офтоб ҳамал буржиги таҳвил қилди. Ун саккиз ёшда эди, ушбу юртта Ҳумоюн юзига устара ё микроз тегурди, тарих сана 961 бўлгай²» деб ёзади Бобур. Бобурнинг бундай қузатувчанлиги бежиз эмас. Ота-она назоратидан четда қолган фарзанднинг саломатлиги ёмон бўлиши, тарбиясида нуқсон бўлиши мумкин. Бу нуқсонни ўз вақтида англамаслик салбий оқибатга олиб келиши табиий. Шунинг учун ҳам зийраклик билан кўзатиб, зарур пайтларда уларга маслаҳат ва таъбеҳ бериш доволик ҳисобланади. Энди, бу хил ишораларнинг «Бобурнома»га киритилишига келсак, буни адибнинг яхши одатларни тарғиб этишга мойиллиги деб билмоқ керак.

¹ Ўша асар, 338-бет.

² Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960; 333-бет.

Хазина халқ мулки эканлигини, унга хиёнат қилиш, шундан ўз шахси учун фойдаланиш ҳалоллик бўлмай, эл ўртасида норозилик туғдиришини яхши билган Бобур Ҳумоюнни шахсий эҳтиёжлари учун давлат хазинасидан сарф қилмасликка чақириб, унга танбеҳ беради, насиҳатлар қилади. Бобур қизи Гулбаданбегимдаги истеъдодни англаб, унга зўр меҳру шафқатда бўлиб, рағбатлантириб боради. Тарбия таъсирида Гулбаданбегим отасидаги нозик дидни, ўткир ақлни, бадний ижод сирларини, истеъдодни эгаллашга муваффақ бўлади. У «Бобурнома»ни давом эттириб, «Ҳумоюннома» дек катта асарни ёзишга эришади.

Феодаллар, ҳукмдорлар ўртасида, улар оила аъзолари ўртасида молу мулк, тахт талашиб, тез-тез қон тўкишлар бўлиб турган бир шароитда, ўзга юртларда яшашларига қарамай, юқоридаги ахлоқий фазилатларга эга бўлиш, оила аъзоларининг бирлигига, ҳамжиҳатлигига, иноқ яшашига эришиш Бобурнинг оилада ҳам маърифатли бўлишни талаб қилганлигини кўрсатади. Ва у ишларнинг ҳосиласи сифатида ҳақиқий инсоний сифатларга эришади.

«Ҳумоюн мийёддин¹ хўп кейин қолгон жиҳатидин дурушт² хатлар битиб қаттиқ ҳисоблар қилиб юборилди»³. Ҳумоюн ваъдалашган пайтдан кеч қолганлиги учун қўпол, дағал хатлар ёзиб, хитоб қилинганлиги баён этилган бу сатрларда Бобурнинг ота сифатидаги талабини уқамиз.

«Якшапба кунн сафар ойининг ўн еттисида сабуҳий қилиниб эдиким, Ҳумоюн келди. Кеч келган жиҳатидан бир пори қаттиқ сўз айттим»⁴. Бобур хат орқали танбеҳ берганлигига ҳам қаноат ҳосил қилмай, ўгли келгач, унга қаттиқ гапириб, қаттиқ таъсир этувчи сўзлар айтиб, уни қойийди. Ҳумоюнни кеч келганлиги учун хафа қилади. Шубҳасиз, отанинг бу талаби берилган ваъдага риоя этишни тарбиялаш эди.

Бобур оиласида оила аъзолари ўртасида раҳму шафқат, меҳру оқибатни кучайтириб бориш унда бир-бирига жон фидоликни, бирининг дардига иккинчисининг даво бўлгани кабиларни тарбиялади:

«Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар.

¹ Мийёддин — ваъдалашган пайт.

² Дурушт — дағал сўз.

³ Бобур. «Бобурнома», «ФАН» нашриёти. Т., 1960. 322-бет.

⁴ Ўша асар, 322-бет.

Токи биз эшиттук, фармон берилдиким, Дехлига кел-
туруб, Дехлидин кемага солиб келтирсунларким, ҳақи-
ми ҳозиқлар кўруб, дардига даво қилсунлар. Бир неча
кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар хор
неча дору-дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абдул-
қосимким, улуғ киши эрди, арзга еткурдиким, ушму-
доқ дардларга дармон бўлурким, яхши нимарсалардин
тасаддуқ қилмоқ керак. Топяки тенгри таоло сиҳҳат
бергай. Менинг кўнглимга келдиким, Муҳаммад Ҳумо-
юннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум
тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсун, Хожа Халифа,
ўзга мукарраблардин арзга тегурдиларким, Муҳаммад
Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга
келтурасиз. Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини
тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳим-
ни урушида тушуб эрди, Муҳаммад Ҳумоюнга иноят
қилиб эрдигиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келди-
ким, дунё моли онинг эвазига нечук бўлгай, мен ани
фидоси қилурманким, ҳол анча мушкул бўлибтур ва
андин ўтибтурким, мен анинг бетоқатлигини тоқат кел-
тургайман. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин
ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардин бор.
Ўшал замон мен огир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳ-
ҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим. Аъёби
давлат ва аркони мамлакатни чорлаб, байъот қўлларни
Ҳумоюни қўлига бериб, жойнишинлигига ва вали-
аҳдлигига насб қилдим. Ва тахтни анга топшурдим. Ва
Хожа Халифа ва Қанбар Алибек ва Турдибек ва Ҳин-
дубек ва ўзга халойиқ ҳам бу насойилда бор эрдилар,
бориси қабул қилиб банд бўлдилар»¹, деб ёзади Бобур.

Маълумки, Бобур Ҳумоюни унинг энг яхши кўр-
гани менман, унга мен садақа бўлай, деб ўзини тасад-
дуқ қилади. Бобурга ўглингизга дунёда энг қиммат бўл-
ган олмосни садақа этинг, ўзингизни садақа қилманг,
деб маслаҳат берадилар. Лекин Бобур бунга рози бўл-
майди. Иситма оташида бетоқат бўлиб ётган ўғли усти-
дан уч марта айланиб, ўзини ўғли жони учун садақа
қилади, Ҳумоюнга қараб, «ҳар қанча касалинг бўлса,
менга ўтсин, уни мен кўтарай», дейди. Шу заҳоти Бобур
касал бўлиб йиқилади. Ҳумоюн шифо топиб, ўрнидан
туради. Бобур гувоҳлар иштирокида молу давлати,

¹ Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти. Тошкент, 1960,
459-бет.

тахтни ўғли Ҳумоюнга топширади. Бундай бемисл юксак инсонийлик намунаси Бобур даври бошқа ҳукмдорларни қўлидан келадиган иш эмасди. Энди масаланинг бошқа томонига назар ташлайлик. Бобурнинг ўз фарзандини жонидан ҳам ортиқ севганлиги шарҳ талаб этмайди, албатта, лекин Ҳумоюн ҳам, ўз навбатида, отасини ҳамма нарсадан — шоҳликдан ҳам, тож-тахтдан ҳам, жаҳонда энг қимматли олмосдан ҳам яхши кўради. Агар Ҳумоюн тож-тахтни яхши кўрганида, Бобур унга жонини эмас, тож-тахтининг садақа қилган бўлар эди. Агар ўғли олмосни яхши кўрганида, олмосни садақа этиб, ўз жонини сақлаб қолар эди. Иккилашмай шуни айтиш мумкинки, Бобур бу ўта одабийлиги билан инсонпарварлик тарбиясига, меҳру оқибатни тартиб этиш ишига катта ҳисса қўшди.

Буюк шахсларнинг намунавий маънавий-ахлоқий қиёфаси атрофдагилар учун илҳомбахш омил, кишиларга чинакам ибрат бўладиган объектив имкониятдир. Зотан, у фақат тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш натижасига бўлиб қолмай, балки инсон турмуш тарзининг шахс маънавий дунёсидаги продаси, шахснинг қалб нури, унинг онгидаги дунёқарашга доир ўзак, эътиқодлари йиғиндисидир.

Бобур яхши хулқ-атвор, ноёб хислат ва олижаноб фазилат соҳиб сифатида ҳар бир киши ўз қилмишига яраша яхшилик ёки жафо кўради, деган ўғитни, хулосани поэтик тарзда ифодалайди.

«Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур»¹.

Хулоса қилиб айтганда, Бобур ўз асарларида ота-онани ҳурматлашга, улар хизматларини сўзсиз бажо келтиришга, ота-она олдида ўзини ахлоқли тутишга даъват этиб, ота-онанинг ҳам ўз фарзанди учун меҳрибон, жонфидо бўлиши кераклигини ўз ҳаёти мисолида исботлади. Шу туфайли ҳам Бобур фарзандлари ватанпарвар, тadbиркор, инсонпарвар, ориятли, вафодор, ишмал, адолатли ҳукмдорлар бўлиб етишдилар, тарихда яхши ном қолдирган шахслар сифатида қадр топдилар.

¹ Бобур шеърлятида. Тошкент, 1982, 100-бет.

БОБУРНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА ЭЪТИҚОДИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ислом динига зўр эътиқод қўйган буюк зотдир. У энг аввало оллоҳга, сўнгра унинг ердаги Расули Муҳаммад алайҳиссаломга, Чоҳорёри басафоларга ва исломият оламининг пири тарийқларига, валийларга чин дилдан ихлос қилар эди. Улардан астойдил мадад тилар, уларнинг маърифати ва марҳаматларига ноил бўлар эди. Бобур кўп дуоларни ёд билар ва мушкулларини дуолар кучи билан осон қиларди. У мусулмонликнинг беш фарзини адо этган, рўза тутган, намоз ўқиган, закот берган, ҳалол яшаган, таҳорат билан юришга одатланган. Шоир асарларида унинг ислом динига бўлган эътиқоди кўзга яққол ташланади. Қуйидаги рубоийда Бобур умр бўйи худодан умидвор бўлиб яшаганлиги тараннум этилган:

«Дунё бариси манга мусаххар бўлса,
Убода даги худой ёвар бўлса,
Будур тилагим икки жаҳонда ҳақдин,
Ҳарне тиласанг, бари муяссар бўлса»¹.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Бобур ҳаётининг энг оғир кунларида худодан мадад тилар эди: «Неким азалда тапгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас. Агарчи аларни ҳам айб қилиб бўлмас, ҳақ алар жониби эди»². Бобур ислом динига асосланиб олдиндан каромат қилишларга ишонади. У Афғонистонга қилган юришларида Аллоҳга астойдил сиғиниб, ундан мадад тилайди: натижада, худо унинг тилагини ижобат қилади ва у ҳеч бир жангу жадалсиз ғалабага эришади: «Рабиул-аввал ойининг авохирда теңгри таоло карами билан Қобул ва Ғазни мулки ва вилоятини бежанг ва жидал муяссар ва мусаххар қилди».³

Бобур диний эътиқодига кўра зафар учун яхши ниятлар билан эҳсонлар қилади, садақалар беради, яхши ниятига эришса, атаган нарсасини тарқатади.

«Норғил тўғриси етганда бир қари келиб гадойлик қилди. Жоладагилар ҳар қайси тўн ва дастро ва ғутадек нима бердилар. Қари хили нима олди»⁴. Шоир бегараз меҳмонларга уларни танимаса ҳам, одамгарчилик

¹ Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982, 112-бет.

² Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, 1960, 334-бет.

³ Уша асар, 185-бет.

⁴ Уша асар, 319-бет.

қилиб, сарпо кийдиарар эди: «Душанба кунн жумадис сони ойининг ғуррасида Шоҳ Мансур бошлиқ Юсуф зайн афгонийнинг улугларига хилъатлар кийдурулди, Шоҳ Мансурга кумош тўн, жиба ва тугмаси била, яна бирига ялаклик кумош тўн, яна олти кишига кумош тўнлар кийдуруб, рухсат берилди¹. Бобур худо йўлида қўлга тушган, ўлим жазосини кутаётган асирларни ҳам озод қилар эди: «Гуноҳларин бағишлаб, асирларни озод қилдук. Молларни тўрт минг қўйга қарор бериб, улугларига тўнлар кийдуруб, таҳсилдорлар таъин қилиб йиборилди»². Саркарда Ббур ислом олами мусулмонларини шарият юзасидан ҳурмат қилар эди, дин талабига кўра мусулмонларга меҳр-оқибат кўрсатарди: «Бурунроқ ният қилиб эдимким, Рано Санго кофирга зафар топсам, тамгани мусулмонларга бағишлай. Тавба асносида Дарвеш Муҳаммад сарбон била Шайх Зайн тамга бахшишини ёд бердилар. Дедимким, яхши ёд бердингиз, илигингиздаги вилоятларда мусулмонларнинг тамгаси бахшиш бўлди. Муншийларни тилаб буюрдимким, бу икки азиямуш-шаъи умурким, вокиъ бўлди, бунинг ахборига фармонлар битгайлар»³.

Шоирда зафарга, эришилган ютуқларга, муваффақиятлар учун худога шукур келтириш ҳисси кучли эди.

Бобур ўз ўғли Ҳумоюпга ёзган хатида шундай сатрлар бор:

«Шукур, бермиш санга ҳақ фарзанде,
Санга фарзанду, манга дилбанде»⁴.

Бобур оз куч билан, худо ёрдамига ишонган ҳолда, душманининг катта қўшини устига ташланади: «Кишимизнинг озига боқмай, тенгрига таваккал қилиб, нақсраларни қоқиб, ғаним сари боқиб юрудук.

Кўпу озга тенгридур бергуси,
Бу даргоҳда йўқтур кишининг кучи.

Кимни ориотин килилотин ғалабат фиатан касиратан бизниллоҳ»⁵.

¹ Уша асар, 302-бет.

² Уша асар, 311-бет.

³ Уша асар, 383—384-бетлар.

⁴ Уша асар, 420-бет.

⁵ Бобур. «Бобуринома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 274-бет. Таржимаси: Худонинг амри билан кичик гўда-нинг катта тўда устидан ғалаба қилгани кўп учраган. (Арабчадан таржима этилган.)

Юқоридаги сатрлар Бобурнинг худо қудратига дилдан ишонганлигини, унинг карами кенг, қудрати улуг, деган ишончга умид боғлаганлигини кўрсатади.

Шоир мусулмонликнинг бир фарзи бўлган рамазонни қадрлаб, рўза тутишни унутмаган. Мусофирлик, жангу жадал, очлик, тўқлик пайтларида бунга амал этиш катта жасорат талаб қилар эди. Шунга қарамай, у рўза тутган ҳолда зафар қозонишга интилган: «Субҳдин бурун маъжун ихтиёр қилиб отландим. Ушбу кун рўза ҳам тутдим. Келиб Бигромнинг ёвуғига тушулди»¹.

«Бобурнома»нинг ҳижрий тўққиз юз тўққизинчи (милодий 1503—1504) йил воқеаларига хос қуйидаги сатрларда диний байрамдан шоирнинг зўр қониқиш билан завқланиши баён этилган, янги йил байрами билан ийд байрамининг бир келиб қолгани такрорланмас қўшалок байрам, қўшалок қувонч экани кўрсатилган: «Ийд рамазони Гумал рудининг ёқасида ўталди. Наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эди. Тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу газални айтиб эрдим:

Янги ой юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,
Мангу юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар
Юзи наврўзи васли ийдини Бобур ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас юз наврўз байрамлар»².

Шоир сафарда ҳам рўза тутишни қанда қилмас эди: «Чаҳоршанба кечаси оғиз очиб, нима еб, Серийга бормоқ азимати била отланилди»³.

Шоир мусулмонликнинг фарзларидан бири ҳаж қилиш эканлигини яхши билар эди. Қуйидаги фардда шоирнинг ҳаж қилиш истаги бадийий ифодаланган:

«Ҳаж йўлига кир, кўнгул, ҳиммат била,
Бер қаз, оқар ўлса юз минг қофила»⁴.

¹ Ўша асар, 324-бет. ² Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 208—209-бетлар. ³ Ўша асар, 416-бет.

⁴ Бобур шеърятидан. Тошкент, 1982, 127-бет.

Бобур туш кўриш ва уйда содир бўлган воқеаларнинг ҳаётда бўлиши мумкинлигига ишонган: «Ўзумни ўлимга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вазу қилдим, икки ракаат намоз ўқидум, бошимни муножотқа қўюб тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуга борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб Хожа Яхёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралариг рўбарўйимга аблоқ от миниб, кўп жамоати аблоқ сувори билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснодига ўлтурғузубсиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Холо ушбу соат фатх ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг»¹. Бобур уйқудан уйғонса, унинг беклари уни тутиб, боғлам олиш ҳақида яширинча гаплашаётган экавлар.

«Бу сўзни эшитиб дедимким, сизлар бу йўсинлуқ сўзларсиз, аммо кўрайинким, қайсингиз менинг қошумга кела олурсиз? Ушбу сўзнинг устида эдимким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди»². Бобур баён этган отлиқларнинг бири — Қутлуқ Муҳаммад Барлос Бобурга мадад беради ва ўзи кўрган тушни айтади, тушнинг ўнгидан келганига ишора беради: «Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб онг олиб келингим, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўллубтур. Мен тушни кўриб, хуш ҳол бўлиб, улуғ хон, кичик хонга арз қилдим, хонларга дедимким, менинг беш-олти ини, ўғлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз. Карнон тарафидин бориб хабар олайин»³.

Шоир Қуръони Карим сураларига, дуоларга ихлос билан қарайди. Бобур Кобулда экан, Дўст Сарипулий пиёда қилич яланғочлаб кириб келади. Бобур «Ҳай Дўст, Ҳай Дўст!» — деб қичкиради. Усти-боши қор бўлганидан Дўст Сарипулий Бобурни танимайди. Бобур-

¹ Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти. Тошкент, 1960, 175-бет.

² Шоирнинг Карнон шахрида кўрган бу туши ўнгидан келади. Бобурда бу тушдан сўнг ишонч, олға интилиш ҳисси кучаяди. У келажакка умид билан қарай бошлайди. Ўша асар. Ўша жойда.

³ Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 175-бет.

нинг шериги ҳам бақриб, бир неча марта «Ҳай Дўст» дейди. Лекин Сарипулий танимайди ва Бобурга қилич солади. Лекин қилпч Бобурга ўтмайди. Худонинг ишига қойил қолган шоир бундай дейди:

«Агар тиги олам бичунбад зи чой,
Набуррад раге то наҳоҳад худой»¹.

Бобур олло таоло қудратини, дуонинг кучини баён этиб, мен шу дуони ўқиб турган эдим, шу дуонинг кучи билан омон қолдим, деб дуонинг матнини айнан келтиради: «Мен бу дуони ўқиб эдим, анинг хосиятидан эдиким, тангри таоло бу мазарратни дафъ қилди ва бу муталожжих бўлгон балони дафъ қилди. Ул дуо бу дуодир»².

Бобур дуонинг кучига ишонганлигидан дуо ўқишни канда қилмас эди. Керак бўлса, айрим дуоларни 41 марта қайтариб истагини худодап тилар эди. «Одина куви зил-зижжа ойининг иккисида қирқ бир қатла ўқур вирди»³ бунёд қилдим»⁴.

Илм, фан-билимнинг вазифаси жамият равнақи ҳамда ижтимоий манфаатга, инсон ҳаётига, унинг бахт-саодатига хизмат қилишдан иборат. Инсон олган билими билан қаноатланиб қолмай, балки уни ҳамма вақт чуқурлаштириб, бойитиб боради. Билимни чуқурлаштириш учун эса инсон ўзини қуршаб турган моддий оламни, табиатни янада кўпроқ билиши, тасаввурини бойитиб боришга, тафаккурини янада ривожлантиришга иттилиши зарур. Бусиз билим равнақиға, ҳаёт равнақиға эришиб бўлмайди. Ёки билмай туриб билиш бўлмаганидек, билишсиз билим бўлмайди. Бобур эса илмга амал қилган олим ва шоир бўлган.

Бобур фақат дунёвий билимлар, мусиқа, адабиёт, санъат, ҳарбий илмларнигина эмас, балки диний илмлар, ҳатто тилсим илмини ҳам билган: «Бир тилсима билур эрдим. Мулло Алихонга ўргатдум: тўрт парча қогозга битиб, тўрт тарафга ости. Ўшул замон ёмғур

¹ Ўша асар, 262-бет. Шеърнинг мазмуни: агар олам тиги ўз жойидан қўзғолса, худо хоҳламаса, бир қилни ҳам, томирни ҳам қирқа олмайди.

² Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 262-бет.

³ Вирд — дуо.

⁴ Ўша асар, 401-бет.

туруб, ҳаво очилмоқ бунёд бўлди. Сабоҳи жолага кир-
дук, яна бир жолада баъзи йигитлар кирдилар»¹.

Ҳижрий тўққиз юз йигирма олтинчи (милодий 1519)
йилга тааллуқли бу воқеа баёнидан маълумки, Бобур
шоир, саркардагина эмас, у қонот сирини билгувчи,
ҳатто табнат тилсимини очиш кучига эга бўлган олим
ҳам бўлган. Лекин у тилсимдан ҳамма вақт ҳам фой-
даланмаган. Ҳуда зарур ҳоллардагина тилсим очган.
Сувсон шаҳрида бир неча кун тилмай ёмғир ёғиб, халқ-
ни бездирган об-ҳавонинг илож йўлини топишга маж-
бур этади. Захлаб кетган уй ичи кишиларни касал қила
бошлайди. Халққа раҳми келган Бобур диний илм ку-
чини ишга солишга мажбур бўлади. Ўз билимини ём-
ғирни тўхтатиш кучига эга бўлган тилсим дуосини Мул-
ло Алихонга ўргатади. Мулло Алихонга устозлик қила-
ди, Мулло Алихон Бобурдан ўрганган дуони ёзиб, тўрт
жойга илиб, ёмғирни тўхтатиб, халқ олқишига сазовор
бўлади.

Маълумки, оғир дарддан қутулиш учун ё мол, ё жон,
ё катта меҳнат садақа этиш ислом динида уқтирилади.
Шунинг учун ҳам «Садақа радди балo», дейилади. Бо-
бур мол-дунё исломда ҳаром, дейилгани учун мол-дунё
садақа этишдан ўзини тияр эди.

Бобур оғир иситма дардидан қутулишни ўйлаб, ўзи-
нинг руҳий мададкори, пири — Хожа Аҳрор Валийнинг
«Рисолаи волидия» асарини шеърӣ йўл билан форс
тилидан туркий тилга таржима этишни қият этади. Бо-
бур «Рисолаи волидия»ни таржима қилиб бўлгач, дард-
дан халос бўлади, тузалиб кетади: «Тенгри июяти била
ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба кунӣ ойнинг
йигирма тўққизида андаке афсурда бўлди, ўзга бу ари-
зададин² халос бўлдум»³. Ёки: «Фатҳномада туғронинг
остида бу рубоӣйни битидим:

Ислом учун овораи ёзи бўлдум,
Куффору хунуд ҳарб сози бўлдум,
Ҳазм айлаб эдим ўзни шоҳид ўлмоққа
Алминнату лиллоҳки гози бўлдум»⁴.

¹ Б о б у р. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 319-бет.

² Аризададин — касалдин.

³ Б о б у р. «Бобурнома», «ФАН» нашриёти. Тошкент, 1960, 418-бет.

⁴ Ўша асар, 395-бет.

Шоир қалбига мусулмонларнинг худога шукроналар айтишдек одатлари сингиб кетган. У мағлубиятга учраган пайтларда ҳам, зафар қозонганида ҳам, иссиқликка ҳам, совуқликка ҳам шукур қилади:

«Юз шукур де, Бобурки, карими гаффор,
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Газни бор»¹.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Бобурнинг динга эътиқоди кучли эди. Унинг дин йўл-йўриқлари тўғрисидаги «Мубаййин» асари унинг илмий асарлари қаторида фанда қабул этилган².

Халқ орасида эътиқоди борнинг иймони бор, иймонг борнинг эътиқоди бор, деган ибратли ва ҳикматли гап бор. Бу жиҳатдан қараганда, Бобур ҳам эътиқодли, ҳам иймонли шахс эди. У Ғози деган диний унвош соҳиб бўлган.

БОБУР ИЖОДИДА ВАТАНПАРВАРЛИК

Бобур ижодида ватанпарварлик туйғуси етакчи ўринни эгаллайди. Шоир уламоларнинг жоҳиллигидан, феодал текинхўрларнинг шафқатсизлигидан гоётда афсусланиб, ўзига содиқ уч юз кишилик қўшини билан Ватанини ташлаб, Андижондан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

«Бормоққа не маскан муяссар
Турмоққа не давлат муқаррар»³,

деб ёзган шоирнинг мақсади қулай фурсат бўлиши биланок ўз Фарғона мулкига, Андижонга қайтиб келиш эди. Бироқ Андижонда жоҳил феодаллар Бобурга қарши чиқишни тўхтатмайдилар. У 1512 йили яна Қобулга қайтиб, Фарғона мулкини тиклаш, Андижонга қайтиш умидида 14 йил қулай фурсат кутади. Бироқ бахт Бобурга кулиб боқмади. Ниҳоят, у ўз Ватанидан умидини узиб, 1526 йили Ҳиндистон сари кетишга мажбур

¹ Бобур шеърятидан. Тошкент, 1982, 111-бет.

² Қаранг: А. М. Ш чер бак. «Бобурнинг аруз ҳақидаги риёсоласи ва унинг Навоий ижодидаги ўрганишдаги аҳамияти». (Адабий мерос). Тошкент, «Фан», нашриёти, 1971, 284-бет.

³ Бобур. «Бобурнома». Тошкент, 1960, 118-бет.

бўлди. 19 ёшида Кобулни, 40 ёшида Ҳиндистонни қўлга киритган саркарда галабалар шароитида ҳам, мағлубият азоблари исканжасида ҳам ўзи тугилиб ўсган Ватанини қўмсайди. Бобур Ҳиндистонда эканида ҳам она юртига тез-тез одам юбориб туради, ундаи хабар олдиради.

Бобурнинг полиши бегона юртларга бориб қолиб, Ватанини соғиниб юрган пайтларида айниқса авж олади:

«Яна маҳруми хонимон қилдинг,
Яна оворан жаҳон қилдинг»,

деб Ватанини соғиниб, фалак зулмидан полийди.

Қуйидаги сатрларда муаллифнинг самимият билан тўла чуқур руҳий кечинмалари ифодаланган. Шоирдаги бадийий ифода кучи ёшлар қалбини зириллатиб, мусофирлиқнинг, Ватандан узоқда яшашнинг чексиз огир эканлигини уқтиради.¹ Шоир тасаввурича, доим огир меҳнатда киши эзилиб, роҳат кўрмаганидек, кўнгли роҳатсиз шод бўлмаганидек, шоҳ бўлса ҳам Ватандан узоқда, ғарибликда кишининг кўнгли шод бўлмайди. Ватанини соғиниб ғурбатда **яшаётган** киши дўстларни ёд этса ҳам дўстлари уни ёд этмайди. Бобурнинг бу хулосаси катта тарбиявий кучга молик бўлиб, «Ўзга юртнинг подшоси бўлгунча, ўз юртининг гадоси бўл», мақолига ҳамоҳангдир:

«Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши»¹.

Шоирда Ватап тушунчаси севикли ёр тушунчасига, энг гўзал хитой санамига, атрофга файз бағишловчи сарв дарахти кўркига тенгдир:

«Чун қилди мени ул бутн чин зору мубтало,
Ишим менинг қолиб турур эмди худо била.
Кўрмон фарахни бир дам агар андин айру мен
Билмон аламини бор мен анинг бирла то била.

¹ Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960. 156-бет.

Ул сарв карам килибон еткур, эй сабо,
Бобур ниязини ер ўпуб хўп адо била»¹.

Бобур юқорида хитой гўзалига ошиқ, унга интилади. Шоир алам тортиб, Чин, яъни Хитой гўзалини соғинади. Унга ета олмайди. Энди шоирнинг худога ёлворишдан бошқа иложи қолмайди. Бундай ҳажр, фироқ кучи шоҳлик ғурурини, салтанат қувончини сигдирмайди. Уни бир нафас ҳам шоҳлик лаззатидан баҳраманд қилмайди. Шоир энди шабадага ялинади, карам қилиб, ҳамма севувчи, савлатли сарв дарахтига соғинчини етказишни илтижо этади. Бобур унга ер ўпиб туриб, ҳурмат билан илтимосимни адо эт, дейди. Бу байтларни ўқир эканмиз, Ватан — тенгсиз гўзал, Ватан — тенгсиз мағрур, эгилмайдиган ғурурли, доимо тикка турувчи дарахтдай дунёга кўрк бағишлайди, деган тўла маънодаги чексиз муҳаббатни туямиз. Ватанга эҳтиётлик билан, ҳурмат билан эъозлаб муносабатда бўлинади. Ватан тупроғи эъозланади, соғинганда Ватан тупроғи ўпилади, деган тушунчани англаймиз.

«Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хили яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, бир қатла лола анвоини буюрдимким, санадилар, ўттиз тўрт навъ лола чиқти, нечукким бу ерларни таърифиди бир байти айтилиб эди:

«Сабза гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хосса бу мавсумда Борри ёзисию Гул баҳор.

Ушбу сатр келганда бу ғазални тугатдим:

Менинг кўнглимки гулвинг ғунчасидек
тах-батах қондур.
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур»².

Кўриниб турибдики, ўз Ватани ишқида пиязорлик тортаётган шоир қалбини жапнатга тенг бўлган Кобул баҳори ҳам хурсанд этмайди. Бобур жаннатга тенг, лола билан тўла Кобул баҳорини ҳам ўз Ватани жамолига алмаштирмайди.

¹ Бобур. Танланган асарлар. «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1958, 21-бет.

² Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 265-бет.

Ватанга муҳаббат ва садоқат шахснинг ватанпарварлиги, етуклиги, миллий ифтихори каби фазилатларида акс этиб, унинг ҳаётий мақсадларида, Ватан бойлигини кўпайтириш, уни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади. Бунинг учун эса Ватан табиати ва қудратини яхши билмоқ зарур. Бу жиҳатдан қараганда, «Бобурнома»даги тасвирлар қимматлидир.¹ Юксак бадий дид, чин инсоний ахлоқ соҳиби Ўш, Исфара, Хўжанд, Афғонистон ва Ҳиндистон каби қайси шаҳарга, қайси давлатга бормасин, у ерда ватанпарварликни ўзбеклар ва ерли халқлар ўртасида кенг тарғиб этди.

«Толёй йўқи жонимга балоллиг бўлди,
Ҳар ишни айладим хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўюб Ҳинд сори юзладим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди»¹.

Агар бу сатрларда Бобур ўз Ватанини ташлаб, Ҳиндистонга бош олиб кетишини катта бахтсизлик, юз қаролик, жонга бало орттириш ҳисоблаб афсусланса, қуйидаги китъада шоирнинг айрилиқ чўлида жаҳд билан елиб-югуриши ва ширин сувга етишдим деб саробга етишгандек қийналиб, ноилоҳ орқасига қайтганлиги рамзий маънода баён этилган. Ҳақиқатан ҳам шоир қанча кўп Ватанига қайтишни, уни кўришни ўйласа, тақдир уни Ватандан шунча узоқлаштирди: |

«Ҳижрон чўлида жаҳд била пўялар уруб,
Истаб зулоли васл етишим саробқа.
Чун хаст мундоқ эрдик, ҳажрингда чекаман,
Беҳаст ражъат айламишам Андоробқа»².

Ёки:

«Ноумид бўлдим, эй мўғул сендин,
То эшиттимки Андижон бординг,
Айтқон сўзга келдим, аммо сен,
Яхши келдинг демай, ёмон бординг»³

Халқ ёзувчиси бўлиш учун Ватанга муҳаббатнинг ўзи камлик қилади, бунинг учун ўз халқини яхши билмоқ, у билан яқиндан боғламоқ, унга эл бўлмоқ керак. Ўз халқини ўрганиш санъаткорлик истеъдоди учун

¹ Бобур. Тапланган асарлар. «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1958, 141-бет.

² Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982, 113-бет.

³ Ўша асар, 113-бет.

энг яхши мактабдир. Уни бадий кўринишда қайта инъикос этиш ижодий фаолият учун энг яхши майдондир»¹. Бобур ўз Ватанини ҳеч муболагасиз ардоқлаб тасвирлайди. Андижон баҳори ҳақида ғурурланиб ёзади: «Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур»².

Андижонда етиштириладиган ҳосил ҳақида эса у бундай деб ёзади: «Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур»³. Андижон қуши ҳақидаги қуйидаги сатрларда ҳам муболага йўқ: «У китобхонда завқ уйғотади, меҳр, ватанпарварликни тарбиялашда восита бўла олади: «Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қиладиларким, бир қирғовул ускунасини тўрт киши еб тугата олмай-дур»⁴.

Бобур асарларини варақлар эканмиз, бизни улар саҳифаларида Ватанин жону дилдан севишни тараннум этган сатрлар мафтун этади. Бу хил сатрлар, шубҳасиз, ёшлар дилида Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди.

Бобур Андижон атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни тасвир этар экан, Андижон сўзини етти марта такрорлаб тилга олади. Қайси шаҳарни тасвирласа, уни Андижонга қиёс қилади: «Яна бир Хўжанддур, Андижондин ғарб сарига йиғирма беш йиғоч йўлдур»⁵. Ёки «Яна бир Қосондур, Ахсининг шимолида тушубдур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким Андижон суйи Ўшдин келур, Ахсип суйи Қосондин келур»⁶.

Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Ахсип сўзини 29 жойда тилга олади⁷. Ғам ва изтироб чекавериб чарчаган шоир Ватанга қайтиб, бир хилват жойда одамларга кўринмай беғалва яшашни шоҳликдан устун қўяди:

Гўшае тутсам жаҳоннинг аҳлидин, ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мешию, мен ҳам кўрмасам»⁸.

¹ Русские писатели о литературном труде, III жилд, Ленинград, 1955, 17-бет.

² Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 61-бет.

³ Ўша асар, 60-бет.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Бобур. «Бобурнома», «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 62-бет.

⁶ Ўша асар, 63-бет.

⁷ Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960, 499-бет.

⁸ Бобур шеърятдан. Тошкент, 1982, 125-бет.

Бобур Андижонда ўтказган ҳаётини эслар экан, бундай деб ёзади:

«Хуш улки бурунки замонларки, ўттию борди,
Хуш ул кишики замонили яхши ўткарди»¹.

Шоир Ватанининг шилдираб оқиб турадиган сувини, узумини, қовушини ҳар доим соғиниб, йиглаб ўтганини нозик ўхшатиш ва жозибador лоф билан фардда бундай деб ёзади:

«Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда гам су,
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам
оқар су»².

Демак, Бобур ўз Ватани Андижонни умрининг охиригача унутмай, қўмсаб юрди. Бундай қўмсашни, Ватан соғинчини у чексиз маънода тушуниб, уни ерпи соғинишга тенглаштирди, чўлда чанқаб сувни қўмсашга қийёслади.

Бобур Ватан қадрини ҳокимликдан, давлатдан ҳам баланд билди. Иложи бўлса, ғарибликдаги шоҳлиқни Ватанда гадо бўлиб яшашга алмаштиришга тайёрлигини бадийий ифода билан берди.

Бобурдаги Ватан соғинчини унинг барча асарларида ўқиймиз. Ватанга бағишланган сатрлар китобхонини Ватанини силичковлик билан ўрганишга, уни аъъозлашга, уни бойитишга, керак бўлса ҳимоя этишга ундайди.

БОБУР ИЖОДИДА ДЎСТЛИК МАВЗУИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида дўстлик ғояси кенг маънода ифодаланган. Шоир дўстлиқни миллатлар, эллар дўстлиги ва бирга фаолият кўрсатаётганлар бирлиги, жангга кираётган лашкарлар елкадошлиги, оила аъзолари, олим, шоир ҳамда уламолар ҳамкорлиги, ўз севгиллисининг вафодор дўстлиги каби инсоний фазилатлар деб тушунди.

Мумтоз шоир ва олимлар қатори Бобур ҳам феодал ўзбошимчалиги, тахт учун курашлар кучайган бир

¹ Ўша асар, 228-бет.

² Ўша асар, 128-бет.

даврда халқ, Ватан истиқболи учун нур истаб, одамларнинг иноқ, иттифоқ яшашларини орзу қилди. Бу орзу унинг ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллади

Шоирнинг дўстликка бағишланган газал, фард, рубойлари, маснавий ва бошқа битиклари катта тарбия воситаси кучига эгадир.

Шоир оғиздаги дўстликни эмас, балки амалдаги чипакам дўстликни талаб қилади. Дўстликни ҳаётда ишботлаш керак, деб ўқтиради:

«Дўстликни гар тиларсен айласанг ишбот қил,
Суҳбатингга асру кўп муштоқдурмен бот қил»¹.

Бобур, айниқса, байналмилал дўстлик тарбиясига алоҳида эътибор беради. Унинг оила аъзолари маҳаллий халқлар вакиллари билан дўстона муносабатда бўлишардики, бу ҳақдаги далиллар жуда муҳимдир.

Бобур ўз қўл остидаги халқларнинг ҳам бошқа халқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиб яшашини истади. У подшоҳ сифатида ўз элчиси Хўжа Ҳусайнни Москва шаҳрига Россия билан Ҳиндистон ўртасида дўстона ва қардошлик ҳақида битим тузиб келишга юборади. Натижада Волга бўйида ҳиндистонлик савдогарлар кўплаб жойлашиб оладилар. Астраханда ҳинд карвонсаройи барпо этилади, ҳинд усталари, шу жумладан, тўқувчилар Москвага таклиф ҳам қилинадилар.

Бобурнинг дўстлик тўғрисидаги гоёси Ҳиндистонни Россия, Ўрта Осиё ва Шарқнинг бошқа давлатлари билан боғлайдиган омиллардан бирига айланди.

Шоир ижодида дўстлик мавзуси кенг ёритилади. Баъзан у дўстлик иборасини сирдош ўртоқ ишига, ижодига кўмак берувчи улфат маъносида қўлласа, баъзан вафодор ёр маъносида ишлатади. Яна бошқа бир жойда ягона, энг яқин маслакдош ҳабиб маъносида қўллайди:

«Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни,
Мендин неча кўнгилда гўбори бўлғай
Кетдим мупа энди топмағай гардимни»².

Бу рубойни ўқир эканмиз, ўзи қадр топмаган жойдан ва ўз қадрини билмаган, кўнгилли гўборли, кек-

¹ Бобур шеърятидан. Т., 1982, 125-бет.

² Уша асар, 78-бет.

ли дўстдан узоқлашиб, дўстлик нима эканлигини билмаган «дўстлар»ни тарк этиш керак, деган гоё тушунилади. Шоирнинг таъкидлашича, бундай дўстлардан шундай кечмоқ керакки, токи улар гардини ҳам топа олмай қолишсин. «Суймаганга суйканма» деган халқ мақоли мазмундаги мазкур рубоий ёшлар учун маслаҳат сифатида қимматли тарбия воситасидир.

Бобур дўст сўзини худога ошиқ бўлиш маъносида ҳам қўллайди. Қуйидаги рубоийда шоир худога ошиқ, худонинг дўсти эканлигини баён қилади:

«То қилди мени фироқ аро ёд ҳабиб
Маҳжул кўнгулни айлади шод ҳабиб,
Гар васл муяссар ўлмас, нетай, Бобур,
Фарёд ҳабибу оҳу фарёд ҳабиб»¹.

Ёки:

«Кўзимда муттасил ул эгма қош керак бўлса,
Қошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Сужуд вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз,
Ки бош қўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Ҳабиб ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса,
Бу йўлга қўйма аёқ санга бош керак бўлса.

Қўюб аёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошига туфроқу оғзига тош керак бўлса.

Сенинг била бори эл похуш бўлса, эй Бобур,
Не бўлгуси санга, ул ёри хуш керак бўлса»².

Яхши дўстини соғиниб яшаган шоир вафодор дўстини доим қадрлайди. У яхши дўстларини истаб, сўраб, суриштириб юршини асарларида тарғиб этади. Қуйидаги сатрларда шоир ғолибликда тенги йўқ дўсти ҳақида ўйлаб, бошқа одамларнинг «Сенинг дўстингининг келгуси йўқ», дегани тўғри эмас, у истаган нарса бўлганида келар эди, у истаган нарса йўқ, шунинг учун келма-

¹ Бобур шеърятдан, Тошкент, 1982, 102-бет.

² Уша асар, 17-бет.

ётир, деб дўстиянинг тарафини олади. Дўстиянинг келмаганига ачипади:

«Улким, анга олам ичра голиб йўқтур,
Дерларки, бери келурга роғиб йўқтур,
Дедимки, бу сўз рост эмасдур, негаким,
Толиб не тилар андаки, толиб йўқтур»¹.

Бобур оққўнгил дўстларининг фикрига ишонар эди. Батзан эса у дўст билган киши душман бўлиб чиқар эди. Шоир Ҳратепа яқинидаги Масчо-Масихай вилоятидан Апдижонга кетаётган кишилар орқали Тапбалга қилич совга қилиб юборади. Дўст бўлиб душманининг ишнини қилган Тапбал эса бу қилич билан Бобурнинг бошига уради, лекин у темир дубулғадан ўтмайди. Шундай бўлса-да, қилич зарбидан Бобурнинг боши гангийди, оғрийди: «Қосимбек яна муболага қилдиким, Тапбалга ҳам бир нима йиборсангиз не бўлғай? Агарчи рози эмас эдим, Қосимбекнинг муболагаси жиҳатидан Нўён кўкалдошининг бир угук ясси қиличнингким Самарқандда ўзи учун ясадиб эди, Тапбалга йиборилди. Менинг бошимга теккан қилич ушбу қилич — ўқ эди, печукким, келур йилининг вақойида мазкур бўлғусидур»².

Бобур дўстман деб, душманининг ишнини қилган шахсларда нафратланади. Дўстин душмандан фарқламайдиган кишиларни олғисизлик, ақлсизликда айблайди: «Анинг гўллик ва телбалигига ҳет нима мунди яхшироқ далил бўлурмиким, зарроқ ва таммоъ элининг ёлғол ва хушмадин қабул қилиб, ўзини фазихат ва расво қилиди»³.

Бобур Зуннунбек чин дўсти Муҳаммад Бурундуқнинг сўзига кирмаганлигини, уни душмандан фарқламаганлигини телбалик деб баҳолайди. Бир неча шайх ва мулла Зуннунбекка келиб, сизга «ҳизабруллоҳ» (худоининг йиртқичи), деган лақаб қўйдик. Ўзбекларнинг енгасиз, деб душманларча гапирса, ишониб кетганлигини — душман гапига кирганлигини гўллик деб баҳолайди. Ҳақиқатан ҳам, телбалиги ва гўллиги унинг ўлимига, бошининг кесилишига сабаб бўлади: «Тафсили булдурким, Хирида мундуқким ихтиёр ва эътибор бўлди, бир неча шайх ва мулло анга келиб дерларким,

¹ Ўша асар, 82-бет.

² Бобур. «Бобурнома». «ФАН» нашриёти, Тошкент, 1960 153-бет.

³ Ўша асар, 268-бет.

Қутб бизнинг била ихтилоф қиладур, санга «Ҳизабруллоҳ» лақаб бўлди, сан ўзбакни олғунгдур. Бу сўзга ишониб, бўйнига фута солиб шукрлар қилибтур. Ушбу жиҳатлардин Муҳаммад Бурундуқнинг маъқул раъйи билан амал қилмай, не қўрғон ишини мазбут қилибтур, не уруш яроғини марбут, не қоровул, не чигдоғулким ёки келурдин огоҳ қилғай, не ясолда тартиб ва пасаққим, ёғий келса уруш хотирхоҳ қилғай»¹. ... Зуннунни олиб ўлтуруб, бошини кестилар»².

Зуннунбек воқеасининг «Бобурнома»да тўла берилиши ўз даврида хушомад қилувчилар гашига ишоп-масликка даъват эдики, бу масала ҳеч қачон тарбия эътиборидан четда қолмайди.

Шоир камтарин бўлиш каби фазилат дўстлик ипини маҳкамлашини, ҳар доим дўстини қадрлаш зарурлигини уқтиради. Унинг фикрича, дўст айтган сўзга амал қилмоқ, дўст сўзларини тингламоқ керак. У дўстлар сўзига қулоқ солмаса, ҳатто душман ҳам кулиб, масхара қилади, мазмунида огоҳлантириб, дўстлар фикрини тинглашга, душман сўзига учмасликка даъват этади:

«Эшитса киши бу шўру шеван не дегай,
Доим бу тариқ ичгуни кўрган не дегай.
Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай»³.

Бобур дўстликни қайноқ фаолиятда тасаввур этади, меҳнат ва ижоддаги дўстликни алоҳида қадрлайди. Шоир дўстини таниқли хаттот, ижодда ҳамкор кўринишини истади. Асар ёзиш иштиёқидаги шахс хаттот сифатида ташриф буюрса, буни Бобур ўзи учун шараф деб билади. Шоир бу хил кишиларга доим илтифот билан қаради. Доим ижод билан шуғулланувчи, ҳар қапча қийин бўлмасин, асар ёзишдан тинмовчи ижодкор учун донгдор ва таниқли дўст жуда зарур эди. Бобур ўз қўлёмаларини кўп нусхада кўчириш мушкул бўлган бир шароитда таниқли хаттотлар, қўлёмани иштиёқ билан кўпайтириб берувчи шахслар билан улфатчилик қилиш, дўстлашишни ишоп-шараф ишига тенг кўради. Бундай кишини ҳурмат қилиш, бир томондан,

¹ Уша асар. 268-бет.

² Уша асар, 269-бет.

³ Бобур шеърятидан. Тошкент, 1982, 6-бет.

унинг оғир, машаққатли хаттотлик хизматини қадрлаш бўлса, иккинчи томондан, қўлёзма ҳолидаги қоралама асарни ҳурмат этиш эди. Чунки қоралама ҳолидаги асар хаттот томонидан кўпайтирилмаса, умри қисқа бўлар эди.

Шоир илм истовчи, шеърни севувчи шахс турмушда ёр, ҳаётда дўст, ҳабиб бўлишини хоҳлайди. Шеърни севмайдиган одамни ёр қилиб юриш унинг тасаввурига сиғмайди. Шоир илм толибларидан дўстлари йўқлигидан ўксийди:

«Ким ёр анга илм толиби, илм керак,
Ўргангали илм толиби, илм керак,
Мен толиби илму толиби илм йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак»¹.

Бобур адабиёт фанини шу даражада севардики, ёрнинг шеърга майли бўлса, ундай ёрнинг нозу карашмалари, жабру жафоларини ҳам, ағёрнинг озорини ҳам тортиб яшашга рози бўларди:

«Ёр улдурки, шеърга майли бўлса,
Нетгай киши шеър ғайри лайли бўлса,
Ағёрнинг озорини ҳар ҳол била
Чеккаймен, агар бори туфайли бўлса»².

Шоирнинг шеърхонларга, ижодкор шоирларга ҳурмати барча асарларида бадиий тарзда ифодаланган. Илмнигина эмас, илм соҳибини ҳам севиш, шеърнигини эмас, шеър ижодкорини ҳам севиш ҳислари билан тўла сатрлар ўз даврида адабиётга, маърифатга ташвиқот эди. Бобурнинг бундай сатрлари давримиз китобхонларини ҳам шеърый асарларни севишга чақирувчи тарбия воситаси сифатида янграмоқда:

«Эйким бари шеър аҳлига сеп хон янглиғ,
Шеърнинг бари шеърларга султон янглиғ.
Мазмуни анинг ҳатти саводи ичра
Зулмат аросида оби ҳайвон янглиғ»³.

Ёки:

¹ Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982, 94-бет.

² Ўша асар, 95-бет.

³ Ўша асар, 101-бет.

«Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикрни хушу яхши, тасаввур қилди,
Кўзни ёруғ айлади саводи бирла,
Мазмуни била қулоқни пурдур қилди»¹.

Шоир рубойларида ўз руҳий ҳолатини баён этар экан, кимсасиз киши, дўстсиз киши доим азобда яшайди. Бундай жафокаш, меҳнаткаш кишининг кўнгилни меҳнат жараёни ҳам шод этмайди, мусофир ҳолда дўстларидан узоқда яшаган киши ҳеч қачон севиниб яшмайди, деган фикрни билдиради. Бобурнинг ўз ҳаёти сабоқларидан чиқарган бу каби хулосалари ўқувчини Ватан, жамоат, дўстларнинг қадрига етишга даъват қилади:

«Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгилни меҳнатта киши,
Кўнглим бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ќурбатта севинмас эмиш албатта киши»².

Шоир учун дўст дунёдаги барча одамлардан афзалдир:

«Олам аҳли бирла оламдин манга сенсан ғараз,
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун»³.

Бобур келажакка умид кўзи билан қарайди, келажакка ишонади, келажак авлод уни ҳеч қачон унутмаслигини билади. Агар, мабодо, унутувчи дўстлар учраб қолса, ундай дўстларни одам қаторига қўшма, улардан ўпкалама, уларни сен ҳам унутиб юбор, деб ёзади ва бу билан ўз кўнгилга таскин беради. Роҳатли турмуш, маишат хоҳловчи гул дарахтининг тагига сув қуйиб, уни вояга етказ, ғам-ғусса оғушидаги дарахтни ниҳоллик пайтидаёқ қуритиб юбор, токи у ўсиб, катта бўлиб, ғам-ғусса бўлиб, кишиларга жабр қилмасин, дейди шоир:

«Ўзни кўнгил айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.
Айшу тароб гулбунига сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.
Ҳар нимага ғам ема ғам кўн турур,

¹ Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982, 101-бет.

² Ўша асар, 72-бет.

³ Ўша асар, 54-бет.

Айш била ўзни овутмоқ керак.
Тийрадурур зуҳд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.
Қўйма машаққат ора, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак»¹.

Бобур тасаввурида кишига ёз фасли дўст бўлмоғи зарурки, у қиш азобидан сақлайди. Кишига ёр васли дўст бўлмоғи зарурки, у ҳижрон азобидан сақлайди. Кишига дўстларнинг суҳбати зарурки, у ёлғизлик, яқкалик мушуққуларидан озод қилади. Бу дўстликлар тўла маънодаги шеър баҳсига тенгдир. Булар шоир учун қанчалик лаззатли бўлса, чин ошиқ учун ёр ишқида дард тортиш ҳам шунчалик лаззатлидир. Бу икки ҳолат, яъни шеър баҳси, ишқ дарди ва боданинг кайфи қанчалик ҳузур бахш этса, дўстлик ҳам шунчалик ҳузурлидир.

Қуйидаги ғазал шоирнинг дўст сўзини қандай тушунишини тўла ифодалаган:

«Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.
Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордир давлати.
Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати.
Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.
Ҳар бу ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортиқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг
ишрати»².

Ҳақиқатан ҳам, суҳбат пайтида кимнинг қандай эканлиги билинади. Шоир айтганидек, суҳбат пайтида ким шеърни севади, ким севмайди, осон билинади.

¹ Бобур шеърятидан. Тошкент, 1982, 35-бет. Сўз таплаш, сўзни ўз ўрнида ишлатиш устаси бўлган Бобур мазкур шеърининг иккинчи байтида кўпинча айшу ишрат деган икки бирикма сўздан айш сўзини, ғам-ғусса шаклида ишлатилувчи икки сўздан ғусса сўзини танлайди.

² Ўша асар, 35-бет.

Яъни дўстнинг мураккаб ички кечинмаларини ким қандай тушуниши суҳбат пайтида бўлилади. Агар суҳбат жараёнида сени тушунмайдиган ёки сенинг ички руҳиятигнни тушунишни истаманган шахс бўлса, у сенга дўст бўла олмайди, ундай шахс сенинг ғамингга шерик бўла олмайди. Ва ниҳоят, шоир дўстларнинг суҳбатигаги шеър баҳсини ёз фаслидаги боданинг кайфияти ва ёр васлига етишгунча тортадиган энг лаззатли ишқ дардига қўшиб, учала пастанинг бир хил оромбахш эканлигини юксак бадий шаклда ифодалайди.

Бобур тўла маънода дўстликни улуғлайди, оғир дамларда дўстларига мурожаат этади. Дўстларига ғамини, аламини тўқиб солади, дўстлари билан вақт-вақти билан дардлашади:

«Абрашини елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар,
Охким умрум дарахтини йиқитди сарсаре»¹.

Дўстлар билан дийдор кўришмоқлиқнинг ғаниматлиги ҳаёт қонундир. Тез ўтиб кетувчи бу беш кунлик дунёда дўстларнинг бир-бирлари билан кўришишлари яна қайтиб келмайди. Бинобарин, шоир дўстлар йиғинини жамиятнинг катта бойлигига, давлатига тенг қимматга эга, деб билади.

Дўстлар дийдорини жуда қиммат билган шоир ўз рубоийларида дўстлар билан кўришиш онларини ғанимат деб уқтиради. Бу эса, шубҳасиз, меҳр-окибат тарбиясига қўшилган ҳисса эди:

«Аҳбоб йиғилмоқни фароғат тутингиз,
Жамиятингиз борини давлат тутингиз,
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,
Бир-бирини неча куне ғанимат тутингиз»².

Шоир меҳмон ва мусофирлардан молу дунёсининггина эмас, ҳатто жонини ҳам аямайдиган ахпйларга мурожаат этади. У эсимга келган сўзни мен айтай, сен қулоқ солпб эшит, умрингни дўстлар билан хушчақчақ, қувноқ, ҳаловатли ўтказгин, бу кунги роҳатинг эртага қайтиб келмайди, деб насиҳат қилади. Чунки Бобур ёшликдаги яқин дўстларидан ажралиб, улар суҳбатла-

¹ Бобур шеъриятидан, Тошкент, 1982, 23-бет.

² Ўша асар, 76-бет.

рини топа олмай, доғда қолган шахс эди. У ҳаёт тажрибаларини шундай битади:

«Хотирга хутур этти бу сўз янгла ахий,
Айтай санга, сен қулоқ солиб англа ахий.
Умрунгни бу кун хуш кечур аҳбоб ила ким,
Топилмоғусидур ушбу кун тошгла ахий¹.

Шоирнинг истаган дўсти меҳрибон бўлмоғи керак. Меҳрибон дўстга у доим иптизор. Бобур дунё бир айла-ниб, жонга жоп, меҳрибон бўлган шахс топилишини истайди. Зеро, шоир доим меҳрибон, асл дўст ахтарилади:

«Гар меҳр ила бу чарх эврулса эди,
Жонлардин анинг жаври керак бўлса эди,
Бобур киби жонга меҳр боғлар эрдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳри жоп бўлса эди².

Бобур улфат тутиш учун зарур инсоний шартларни қўяди. У одамни улфат тутиб юрувчиларга қарата: улфат бўлғуси шахснинг шарафли сифатларини яхши биллиб олмоқ керак, мазмунида рамзий маслаҳатлар беради:

«Улфат тутай, ор бор эса, таълифи Шариф,
Инсоф бериб, гар ўлса таснифи Шариф.
Матруфдурур эл ичра таърифи Шариф,
Бўлгай шарифим, кетурса таърифи Шариф³.

Шоир дўстларини соғинар экап, сабога мурожаат этишга мажбур бўлади. Сабога қарата, менинг номимни дўстларга айтгин, мени эсдан чиқариб юборганларга эмас, мени сўраганларга саломимни дегин, деб ўқсийди шоир. Бобурда узоқдаги дўстларини сурштирили, дўстлардан хабар олиш, уларга совға-саломлар юбориш ҳисси кучли эди. У бундай деб ёзади:

Эй, ел, бориб аҳбобқа номимни дегил,
Ҳар ким мени билса, бу каломимни дегил.

¹ Бобур шеърлятидап. Тошкент, 1982, 79-бет.

² Уша асар, 90-бет.

³ Уша асар, 94-бет.

Мевдин демагил гар унутилган бўлсам,
Хар кимки мени сўрса, саломимни дегил»¹.

Шоирда сахийлик, топганини дўстлар билан баҳам кўриш иштиёқи баланд эди. Шоирга дўстларсиз ўтган дамлар — янги йил байрами ҳам, ийд байрами ҳам шодлик бермайди, тинмай ичкилик ичса ҳам кайф кўнглини қувонтирмайди. Дўстсиз ҳолатдан — шоирнинг ҳафалигидан ҳам базм қуриб, ўз ялласини авжга чиқаради. Шоир ўз асарларида Ватани — диёрини назарда тутиб, оламда улфат йўқлигидан рамзий маънода (олам давлати менга дўст, ҳамдам эмас каби) нолийди. Шоир дўстига қарата, сенсиз ийд ҳайитини пима қиламан, барибир менга шодлик бермайди, деб ҳасрат қиладди:

«Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била,
Шоду хуррам бўлмагай наврўз ила, байрам ила.
Улки давроннинг ағидин дамодам қон ютар,
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми Жам била.
Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзипким менинг,
Улфатим йўк олам аҳли била, бил олам била!
Сендин айру пайлагаймен ийд ила наврўзни,
Ойу йил хуштур сенинг бирла бўлсам била.
Тортиб афғон, оҳ уруб ҳижронда, Бобур йиғласанг,
Навҳа тўзгай базми ғам аҳли бу зеру бам била»².

Демак, Бобур яратган образлар ва манзаралар ёшларга кўтарики завқ билан бирга дўстларни ҳурмат этиш ҳиссини ҳам бахш этади.

Маданият ва маърифат қирраларидан бири дўстликдир. Умумбашарий ғазилат ҳисобланган дўстликни, ҳамжиҳатликни тарбиялашда Бобур асарлари тарбия мазмуни ва тарбиялаш воситаси сифатида қимматлидир.

БОБУР АСАРЛАРИДА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Таълим ва тарбия мазмунини сингдиришда таъсирчан ҳисобланган усулларга мақоллар, ҳикматли сўзлар, ибораларни ёзма, оғзаки нутқда ўринли қўллаш, пб-

¹ Бобур шеъритидан. Тошкент. 1984, 91-бет.

² Уша асар, 13-бет.

рат бўлиш, намуна кўрсатиш ва насихат қилиш кабиларни кпритиш мумкин.

Бобур халқ, таълим-тарбия усулларини яхши билган. Шунинг учун ҳам у шу усулларгина мақсадга элтиш мумкинлигини назарда тутиб, ўз асарларида уларни кенг қўллаиди.

Халқ тарбия усулларининг ўзинга хос хусусиятларидан бири уларнинг бир неча вазифаларни адо этишидир. Ибрат, намуна ёки ўртак кўрсатиш бирор воқеа, ҳаракат воситасида амалга ошади. Бу ҳаракат, воқеа мазмун тарбия мазмунини ёхуд тарбия воситаси мазмунини ифодалайди. Уни ижро этиш кўриниши эса тарбиявий таъсир кўрсатиш усули вазифасини ўтайди. Бобур асарларида кураш, енгил, ғалаба қозониш мавзулари катта ижтимоий туйғу тарзида берилади. Айниқса, «Бобурнома» саҳифаларида тарих оқими, инсонларнинг тақдири, ижтимоий муносабатларнинг мақсадга йўналиши ва олға қўйилган қадамнинг ижобий натижалар билан тугаши батафсил баён қилинган. Ёшлар учун азиз бўлган бу туйғулар олами ниҳоятда ранг-баранг, чексиздир. Бу туйғуларда шодлик, ғам, завқ, тушқуплик, бахт, бебахтлик, меҳр, қаҳрамонлик, вафо, юз ўгиришлар — ҳамма-ҳаммаси намоён бўлади. Бу туйғуларда рашк, ўч олиш, макр, соддалик, ҳалоллик, адолатсизлик, афсуснадоматлардан тортиб фожиаларгача пстаганча учрайди. «Бобурнома» да ҳамда шоирнинг фард, рубоий, ғазал ва қитъаларида қаҳрамонлар ҳиссиётида китобхонни тарбияловчи кўнлаб ҳолатлар борки, буни асарни ўқиб, лирик қаҳрамон билан яккама-якка суҳбат қурган кишигина идрок этади, ундан ўртак олади.

Ёшларда кузатиш маданиятини тарбиялаш уларнинг нафис ҳис-туйғуларини ўстириш учун жуда муҳимдир. Кўпинча болалар бирор нарсага қараб турадилар-у, унинг ўзини кўрмайдилар, қулоқ соладилар-у, ҳеч нарса эшитмайдилар. Шунинг учун уларга табиатда: ўрмон, тоғлар ва чўлларда ҳар хил товушларни, турли қушлар, хилма-хил ўсимликлар ҳамда сон-саноксиз жисмларни бир-биридан фарқ қилишни ўргатиш, улардаги гўзалликни кўра билиш, завқланиш ва ҳаяжонланишни тарбиялаш жамият талабидир. Бу ҳусусда «Бобурнома» катта манба ҳисобланади. Яна шуниси ибратлики, 12 ёшли Бобур Андижонга сув қаердан, қайси ариқлардан келишини, у ерда қандай мевалар пишишини, қандай қушлар ов қилинишини, қуш-

ларнинг оғирлиги қанча эканлигини билади. Бобур Андижон аҳлининг тили, одатлари, расм-русмларини синчковлик билан жуда яхши билиб олган. Бобур 19 ёшидаёқ ўз ҳис-ҳаяжонлари ва фикрларини бадий, илмий ифода эта олган, уларни ёзма ҳолда, китоб тарзида келажак авлодга қолдириш кераклигини тушунган.

Бобур асарларининг қаҳрамонлари ҳаётдаги илғор инсоний сифатларни ўзида мужассамлантирган бўлиб, ўз фаолиятлари билан намуна ва ўрнак бўла оладилар. «Бобурнома»ни мутолаа қилган китобхон Бобур кезиб чиққан дарё, тоғ, чўл, бўстон, қишлоқ, шаҳар, дала ва даштларнинг табиати, кўриниши, фойда-зиёни билан танишибгина қолмайди, билим, тушунчалар олиш билан чегараланмайди, балки ҳаёт учун кураш, қийинчиликларни енгишдаги сабр ва бардошлиликни ҳам ўрганади, ҳаёт лаззатларини, гўзаллигини идрок этиб боради.

Маълумки, мактаб ўқувчилари асарларидаги фантастик қаҳрамонлар ҳаётини жуда севиб ўрганадилар. «Бобурнома»даги 12 ёшли шоҳ Бобур фаолияти ўша фантастик қаҳрамонлар фаолиятини эслатади. Бобур босиб ўтган йўллар, у эришган шон-шухрат ўқувчини шоир асарларини севиб ўрганишга, у яратган ижобий қаҳрамонлар образларидан ўрнак олишга ундайди. Академик В. Зоҳидов ёзганидек, «Ҳақиқатан ҳам «Бобурнома» Шарқдаги (фақат шарқдагина эмас) фан ва адабиётнинг энг камёб, нодир асарларидан бири ҳисобланади.

«Бобурнома» фанининг қатор соҳалари учун ниҳоят даражада муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга ўзбек адабиёти тарихида бадий прозанинг энг биринчи йирик намунаси ҳам ҳисобланади. Бу асар адабиётимизда проза жанрининг ривожланишига Узоқ вақт ижобий таъсир кўрсатиб келди»¹.

Бобур фаолиятида ибрат, намуна кўрсатиш йўли билан тарбиялаш усули кўп воқеалар тизмаларида учрайди. Ундаги ибрат ботирлик ва довюраклик каби сифатларда намоён бўлади.

Академик В. Зоҳидов «Бобурнома»нинг 1960 йил нашрига ёзган «Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий

¹ Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 22-бет.

мероси» номли кириш сўзида шундай ёзади: «Бобур ўзининг ботирлиги ва қўрқмаслиги билан ўз атрофидаги бошқа кишиларга ҳам намуна кўрсатди»¹.

Бобур иккиланиб турган беклар ва лашкарларга намуна кўрсатиб, тепаликдаги душман истеҳкомини эгаллаганлиги бадий ифодада қуйидагича берилади:

«Навкарким, бу таврдур не осик,
Не пшинга ярар, не ошқа қатик,
Охир от солдим, илгари юрудум,
Сурубон тоққа юққори юрудум,
Мени кўруб юруди эл доғи,
Қолди элдин кейинги қўрқоғи.
Етибон тез тоққа тормоншук,
Ўқиға боқмайин юруб оштук.
Гаҳи оттин тушуб, гаҳи отлик,
Юрубон илгарига журъатлик»².

Бобур турли мураккаб ҳолатларда кўпчиликка ибрат кўрсатар, намуна бўларди. Маълумки, унинг фарзандларига, қўл остидаги беклар ва лашкарларга талабчан бўлиши, топширилган ҳар бир иш ўз вақтида бажарилишини талаб этиши ёки тарбиянинг пазарийи ва амалий жиҳатдан тўғри бажарилишига эришиши қуруқ гап билан, панд-насиҳат билангина амалга ошмас эди. Ибрат кўрсатиш ёки амалда намуна бўлиш уруш шароитида, мураккаб топшириқни бажаришда, иссиқ-совуққа бардош беришда, оз куч билан ғалаба қозовишда айниқса асқотарди.

Ибрат ва намуна кўрсатиш учун тарбиячида етарли тажриба ҳам бўлмоғи керак. Бобур эса ҳарбий санъатнинг машҳур арбобларидан, ўз замонасининг тадбирли лашкарбошиларида бири сифатида бой тажрибага эга эди.

Тарихчи Рашид-ад Диннинг хабар беришича, туркий халқлар фарзандларининг асосий фазилати қаҳрамонлик ва қўрқмаслик ҳисобланган. Халқларнинг ана шу қадимий қиёфаси Бобурнинг бобоси Амир Темурга кўчганлиги ва унга шон-шухрат келтирганлиги, бу қаҳ-

¹ Ўша асар, 46-бет.

² Ўша асар, 259-бет.

рамонлик ва қўрқмаслик ғазилати 12 ёшли Бобурда намоён бўлади.

Бобурнинг бир ҳарбий юриши пайтида қаттиқ совуқ эди. Совуқ шундай зўр эдики, ҳатто унинг қўшинидан бир неча киши совуқдан ўлади. Шунда Бобур анҳорнинг музини сидириб, 16 марта сувга шўнғийди. Бобурнинг бундай жасорати тарбия бериш усулигина эмас, балки тарбия воситаси ҳам эди. Шунинг учун ҳам баён этилган воқеа қутилган патижани беради. Бобур қўшинида тетиклик, қувноқлик қарор топади. Совуқдан қўрқиб, ҳарбий юришдан бош тортиш каби ҳолатларга чек қўйилади. Олга иптилиш кучаяди. Саркарда сифатида Бобур ўз мақсадига эришади.

«Муҳаммад Али Мубашширбек менинг янги риоят қилган бекларимдин эди, хили мардона ва қобили рияят, яхши йигит эди, жибаси йўқ, илгаррак шоҳ солгон йўлга мутаважжих бўлди, биқинига ўқладилар,— деб ёзади Бобур.— Ўшул замон жон таслим қилди. Илдам келилиб эди, аксарининг жибаси йўқ эди. Бир-икки ўқ ўтуб-ўтуб тушди. Аҳмад Юсуфбек пэтироблар қилиб, ҳар замон айтадурким, ялонғоч мундоқ кириб борасиз, пки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздан ўтти. Мен дедимким, сиз мардона бўлуи, менинг бошимдин мундоқлар хили ўтубтур»¹.

Бобурнинг юкоридаги каби қаҳрамонларга хос ибратли ҳаракатлари, жасорати, жанговарлиги таъсирчан нутқи билан қўшилиб, шундай бир намуна, ибрат кучини намоён этар эдики, буни кўрганлар ва тинглаганлар лол қолар эдилар.

Бобур фаолиятидаги ибрат, ўзгаларга намуна бўлиб яшаш хислатлари фақат жанговарликда, чидамлилиқда, ғалабага тўла ишопишдагина эмас, балки меҳнатсеварликда ҳам кўага ташланарди. Бобур чўлу саҳролар ошаётганида ҳам, жангдаги ғолиблик шароитида ҳам, урушдаги мағлубият қуиларида ҳам типмай ижод қилди. У бахтсизликдан нолиган бўлса-да, лекин тушқуликка тушиб, ижодни тўхтатмади. Ватан ҳажри ўтида ёниб, қоврилса-да, лекин ўз Ватанидаги ҳар бир ҳайвон, парранда, ўсимлик, мева, сув, об-ҳавонинг тасвирийи қоғозга туширишини унутмади. У яна шундай ижод этдики, ғанининг бир эмас, кўн соҳаларида ижод этишда ўз замондошларига ўрнам кўрсатди, ижодкор-

¹ Уша асар, 47-бет.

ларга, саркарда ва шоҳларга, айниқса, ўз фарзандларига ўрнак бўлди.

Бобур ибрат, намуна кўрсатиш усули билан бирга тарбияда панд-насиҳат қилиш йўлларида ҳам яхши фойдаланди. Бобурдаги тарбиянинг панд-насиҳат усули тарбия таъсирчанлигини оширди. Шоир тарбияда етакчи ўринларни тутган ота-онани ҳурмат этиш масаласини юқори кўтарди. Отанинг фарзанд учун энг азиз ва мўътабар зот эканлиги унинг ижодидан муҳим жой олди. Бобур ижодида ота ҳатто мусулмонлар учун энг муқаддас жой ҳисобланган Катбага тенглаштирилди. Катба қанчалик эъозланса, фарзанд ҳам ўз отасини шунчалик эъозлаши кераклиги уқтирилди. Қиблага қараб дуо, фотиҳа, қилиш шарт бўлганидек, отага назар қилиш ҳам шарт, деб кўрсатилди. Ота дилини зинҳор оғритма, дейиш билан қаиқатланмаган шоир, отага озор берган шахсдан ҳазар қил, ҳатто отага берилган озорнинг ўзидан ҳам ҳазар қил, деб насиҳат қилади:

«Отанг чунки, қибла дебтурлар,
Қибла янглиғ анга назар қилгил.
Ота оғритма, эй отам, зинҳор,
Ота озоридин ҳам ҳазар қилгил»¹.

Тарбия бериб, кўтариб катта қилган, едириб, кийдириб, эл қаторига қўшган отани хор этиш, унинг дилини оғритиш, уни норози этиш каби разиллик халқ назаридан қаттиқ қораланади. Ундай кишилар ахлоқсизликда айбланадилар. Улар инсоний ғазилатларга ёт шахс ҳолида энг пасткаш шахс саналади. Бобур ҳам тарбиячи сифатида бундай кишиларни қоралайди:

«Олудай юз туман маосий, бўлмоқ,
Юз ранжу туман азоб ҳоси бўлмоқ,
Кўп яхши экин аҳли хираднинг қошида
Ким оғритиб отани осий бўлмоқ»².

Бобур кимга насиҳат этмасин, унда мулойимлик устун туради. Шоир насиҳатларида кўполликни рад этиб, тарбия таъсирчанлиги йўлида тингловчига баъзан ён ҳам беради. Одам адашиши мумкин, эртага, тонг

¹ Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982, 11-бет.

² Ўша асар, 108-бет.

отгач нима бўлишини билиш қийин. Шунинг учун ҳам шоир, менинг насиҳатларимни тушунгину, бугунги куннинг қайтиб келмаслигини, унинг ғанимат эканлигини унутмагин, дея насиҳат қилади. Қуйидаги ғазалда Бобур, давлат истагин, лекин ҳимматли бўлгин, давлатинг-ни назоратдан четда қолдирмагин, давлатни худо беришини ҳам эсдап чиқармагин, деган мазмунда насиҳат қилади:

«Гофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,
Вақти айш эрур боқий, ол чоғир, кетур, бот тут.
Бу насиҳатим англа, не бўлур киши ёнгла,
Не бўлур экин тонгла, сен бугун ғанимат тут.
Гофил ўлма давлатга, ўзни солма меҳнатга,
Тенгри берур албатта, давлат иста, ҳиммат тут»¹.

Бобур ўз ўғли Хумоюнга жаҳонгирлик тўхтаб турмайдиган, ким яхши тиришса, жаҳон ўшангидек бўлади; ҳаётда ҳар бир нарса тўхташи мумкин, аммо подшоҳлик тўхтамайди, деган мазмунда фалсафий фикр бериб, уни қаҳрамонликка, паҳлавонликка ундайди. Ниҳоят даражада ўзбошимча, жоҳил ва ўта қаттиққўл шоҳлардан фарқ қилиб, Бобур ўз ўғлига мамлакатни идора этишда давлат бошлиқлари билан, атрофдаги одамлар билан, билгандон ва тажрибали кишилар билан келишиб, иш олиб бориш зарурлигини такрор-такрор маслаҳат беради. Шоир, оға-инилар билан келишиб иш тутиш, уларнинг маслаҳатини олиш, фикрларини тинглаш каби оға-инилар иттифоқини таъминлаш мақсадида ҳам маслаҳат усулидан фойдаланади. Оила ҳамжиҳатлигида, ҳокимиятни бошқариш ишида хатоларга йўл қўймасликда катта аҳамиятга эга бўлган юқоридаги каби маслаҳатлар Бобур асарларида кўплаб учрайди: «Агар менинг розимни тиларсан, хилватнишинликни ва эл билан кам ихтилотликни бартараф қилгил. Қуида икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрга қўймай қошинга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўзингга қарор бергайсан»².

Шоир ортиқча насиҳатларни тинглаш кишиларга малол келиши тарбияда хавфли эканлигини англайди. У кам сўзлашни маслаҳат беради:

¹ Бобур шеърятидан, Тошкент, 1982, 68-бет.

² Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 34-бет.

«Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларингким
дипписанд эрмас,

Менинг девона кўнглимга насиҳат судмапд эрмас.
Неча девона кўнглимни қилурсан нафъй, эй оқил,
Агарчи телбадур бори сенингдек худписанд эрмас.
Қилурсан талх айшим комини беҳуда сўзлардин
Саросар сўзларинг захредур, носихки, панд эрмас»¹.

Шоир насиҳатида камтарликка, инсонийликка, меҳ-
наткашларни ҳурмат этишга чақириш, саҳийликка ун-
даш устивордир:

Давлатқа өтиб, меҳнат элин унутма,
Бу беш кунлик учун ўзунгни асру тутма,
Богонни, кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма»².

Маърифатпарвар шоир тарбияда насиҳат усулини
севар эди: «Фил воқпъ маҳкам зўре зоҳир қилибтур. Яна
мавлоно Ҳайдар Хоразмий туркийгўйнинг «Гулшанул
асрор» пдур панд насиҳатта яхши абёти бор нечукким
дебтур:

«Эр кишига ҳиммат агар бўлса ёр;
Оқибаттул амр муродин топар.
Ҳар кишига ҳиммат агар туш бўлур,
Кўкни таласқучи учар қуш бўлур,
Ҳар ғалат эр ўғлига бир панд эрур,
Ким ғалатин билса, хирадманд эрур»³.

Бобур рост сўзликни суяди, ёлғон сўзликни, лоф
гапирувчини ўз асарларида танқид қилади, қоралайди,
насиҳат сифатида айтган барча сўзларининг рост экап-
лигига қасам ҳам итади:

«Ҳар сўзки, не дермен санга лоф ўлмағуси,
Бе маънию ҳар заву ғазоф ўлмағуси,
Ул ншта, агар мухолафат айларсен,
Тенгри ҳақи, бу сўзда хилоф ўлмағуси»⁴.

¹ Бобур шеъриятидан, Тошкент, 1982, 67-бет.

² Уша асар, 97-бет.

³ Бобур. «Мухтасар» «Фан» нашриёти. Тошкент. 1971,
194-бет.

⁴ Бобур шеъриятидан, Тошкент, 1982, 100-бет.

Бобурнинг қуйидаги байти ҳам яхши насихат сифатида уни маънавий гўзал қалб соҳиби, яхши тарбиячи даражасига кўтаради:

«Ёнмагил айтқан ҳадисингдин,
Тонмагил айтқан ҳадисингдин»¹.

Бобур ижодида панд-насихатнинг устиворлиги унинг йўналишларида ўтирганлардан мансаб ва ёш жиҳатидан фарқли бўлиши туфайлидир. Бобур насихатнинг таъсирчанлиги эса, у тасвирлаган воқеаларнинг ишончли эканлигида, шоирнинг ёлғон ва лофни севмаслигидадир.

Демак, Бобур барча асарларида фойдали тарбиявий мазмундаги воқеаларни мисол сифатида келтиради. Уларни ўқиган китобхон маълум дидактик озуқ олади. У адиб сифатида китобхонларга тўғридан-тўғри маслаҳатлар бериши, мен бу хил иш қилиб адашдим, сизлар адашманглар, дейиши мумкин эди. Лекин шоир китобхонга бевосита сиз шундай бўлинг, мана бундай ўрнак кўрсатинг, деб мурожаат этмайди, чунки у ўта маданиятли зот эди. У китобхонни севар, ҳурмат қилар, авайлар ва эъзозларди. Китобхоннинг нозик дидига эътибор бериб, кўп гапиришдан ўзгани тиярди. Китобхонга буйруқ ёки кўрсатма беришни истамасди. Кўпроқ китобхоннинг ўзи хулоса чиқаришини хоҳларди.

БОБУРНИНГ УРФ-ОДАТЛАРГА МУНОСАБАТИ

Халқ урф-одатлари, расм-русмлари, умуминсоний сифатлар бўлиши меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат йўналишидаги одатлар асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Чунки халқ ижобий удумлари даврнинг маданиятли, маърифатли кишилари томонидан катта бир мерос сифатида ўрганилади ва кенг тарғиб этилади. Сайёҳлар, эл-юрт кезган, халқ билан бевосита алоқада бўлган, эл маданияти ва одатлари билан қизиққан шахсларнинг бу ҳақдаги фикрлари жуда муҳимдир. Улар у ёки бу халқнинг одатларини, қўллаган удумларини, ўша давр учун аҳамиятли расм-русмларини ўрганиш ва баён этиш ёрдамида мазкур халқнинг турмуши, фаолияти билан танишадилар, таништирадилар.

¹ Ўша асар, 141-бет.

Маънавий-маданий бойликларни ўрганиш ва уларни халқлар ўртасида тарғиб этиш тарбия мазмунини бойитади. Бу хил маънавий бойликлар тарбия воситаси сифатида хизмат қилади.

Бобур асарларида Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон халқлари удумлари, расм-русмлари каби маданий-маънавий белгилар ўша халқлар ғазилати тарзида нозик ҳис-туйғуларда бадиий акс эттирилган.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқи ўртасида келинчакнинг юзига парда тутиб, қайнота, қайнона уйида ифғат билан юриш тартиби бор. Оиладаги катта ёшдагиларнинг келинчак юзидаги пардани олиши келинчакка нисбатан ҳурматсизлик, деб қораланади. Шунинг учун ҳам бу пардани келинчакнинг кичик ёшдаги жиянлари, укалари, қариндошлари оладилар. Бу кун эл ўртасида «юз очди» кун и дейилади ва он тортилади. Шу шундан бошлаб келинчак рўзгор ишларини бажаришга киришиб кетади. Бу одатни шоир қуйидагича баён этади: «Яна бири Хонзода бегим эди, Тирмиз хонзодаларидин эди. Мен Самарқандда беш ёшимда Султон Аҳмад мирзо қошига келган фурсатда олиб эди. Хануз юзи ёпуғи бор эди. Туркона расм била манга буюрдилар, мен юзини очтим»¹.

Бобур саркарда сифатида ҳарбий одатлар ва удумларни ўрганиб боради. Қаерда бўлса, ўзи ва беклари, лашкарлари ўша юрт ҳарбийлари удумига риоя этадилар: «Мўғул улусида қадимдан расм бўлиб келгандирки (маъракада), халқ орасидан ёлғиз чиқиб душманга қилч тортса, баҳодирлик улушини берадилар. Бу жиҳатдан баҳодирлик улуши унга берилган»².

Бобур кўпинча тинчлик, осойишталик тарафдори бўлган бўлса-да, лекин шароит унга йўл қўймаган, урушига мажбур қилган. Бобур Сиялқутта, Парсерурда урушини бошламанглар, уруш қилманглар, деб чопар жўнатиб турганида белига икки қилични боғлаган бир чол кўринади. Бобур ўша эл удумини кўрсатиб: «Давлатхон ул қарилғи била белига икки қилч боғлабтур. Булар жазм урушурлар»³, деб ёзади.

Бобур халқ удумини қадрлар эди, подшоҳ сифатида

¹ Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти. Тошкент, 1960, 76-бет.

² Ўша асар, 89-бет.

³ Ўша асар, 325-бет.

қўшин удумини жойига қўйиш учун мол-дунёни аямасди. Керак бўлса, мукофот этиб, кийимлар, олтин, кумушни совға этарди. От, анжомлар ва мол, қўй совға қиларди. Ер-сув улашарди: «Паҳлавон Удийким, бурун келиб эди, бу фурсатта келган Ҳиндустоний қуштигир била курашиб йиқти. Яхё Нухонийға ўн беш лаклик ер ва Сарвордин ваҳҳига бериб, саруно кийдируб, руҳсаат берилди»¹.

Шопрнинг Ҳиндистондаги, Банголадаги расм-русм, одат ҳақидаги қуйида берилган маълумотларни ўқиган киши чуқур мулоҳаза ва мушоҳада талаб этувчи фикрлар тизмаси билан танишади: «Яна Банголада бу расмдурким, ҳар кишиким, подшоҳ бўлди, бурунги подшоҳларнинг хизонларини сарф ва харж қилмоқлик куллий айб ва ордур. Ҳар ким подшоҳ бўлса, яна янги хизони йиғмоқ керак. Хизони жамъ қилмоқлик ул элнинг қошида фахр ва мубоҳоттур»².

Бобур ҳинд ҳомиладор аёлининг қайси жинсли фарзанд туғишини олдиндап айтиб берувчи аёлларнинг одатлари ҳақида қуйидагича ёзади: «Ғолибо зуафо³ фоле расмдурким, ўғул бўлурму, ё қиз бўлурму экин деб, икки қоғазда бирида Али ё Ҳасан битиб, яна бирида Фотима битиб, икки қулула балчиқ пчида қўюб, ул балчиқларни бир аёғ сув ичига қўярлар. Ҳар қайси бурна очилса, андин истидлол қилурлар: эр келса, эр бўлур дерлар, қиз келса, қиз бўлур дерлар, фол қилдилар, эр келди»⁴. Бобур Ҳиндистон халқи одатларини баён қилингани каби уларни кенг шарҳлайди ҳам. Шу билан бирга подшоҳ, амалдорлар ва бойлар одатларини ҳам баён қилади: «Жавоҳир ва марваридни тонг била тортарлар»⁵.

Бобур ўта қизикувчан ва кузатувчан шахс эди. Ўлўлилар ўйин тартибини ўрганишга ҳам вақт топади: «Яна бири буким, бир кичик лўли яна бир улуг лўлининг бошига чиқиб, тик турадур, қуйига лўли ул сари, бу сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул

¹ Ўша асар, 448-бет.

² Ўша асар, 341-бет.

³ *Зуафо* — заифлар, аёллар.

⁴ Бобур. «Бобурнома», «Фав» нашриёти, Тошкент, 1960, 286-бет.

⁵ Ўша асар, 359-бет. Демак, ҳинд элида тун ва куннинг бошқа пайтида жавоҳир ва марваридни торози билан тортиш одат эмас.

лўлпанинг бошининг устида тип-тик тебрапмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур¹.

Бобур халқ одатларини жуда эрта ўргана бошлаган. Унинг ёшлик пайтларидаги Андижон удуми ҳақидаги ушбу далил буни исботлайди: «Андижондурким, васатта воқит бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиги вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида поллиз бошида қовун сотмоқ расм эмас².

Бобур халқ ичидаги касалнинг соғайиши учун садақа бериш одатининг қурбони бўлди. Хумоюн мирзонинг иситма касали тузалиши учун ўзини тасаддуқ қилди. Ўглининг барча касалини бўйнига олди ва Хумоюн тузалди. Бобур ётиб қолди.

Шоир асарларида берилган халқ урф-одатларининг доираси кенг, мазмуни ранг-баранг, кўриниши ва тарбиявий таъсири кучли. Агар шоир бир одат билан сазоватли бўлишни тарғиб этса, иккинчи бир одат таъсири билан келажакни олдиндан кўришга иштиёқ уйғотади. Яна бир одат билан меҳр-оқибатли бўлишни таъкидласа, бошқа ҳолатда жонфидалик намунасини кўрсатади. Андижонда қовун пишиги пайтида пайкалда қовунни пулга сотмаслик одат эканлигини баён этиб, Бобур халқлар, хусусан, Фарғона водийси халқи сазийлигини бутун дунёга бадий пфода билан кенг ёйди. Бу эса, шоирнинг маданият ва маърифат жарчиси эканлигидан вишона эди.

БОБУР ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЕТИ

Бобур ўз асарларида воқеалар баёнлиги ўқиминли ва китобхонга фаол тарбиявий таъсир этадиган бўлиши учун халқ мақол ва ҳикматли сўзларидан кенг, ўринли фойдаланади. Натижада китобхон ҳам мақол ифодаланган мазмундан озиқ олади, ҳам мақолнинг воқеалар баёнига берган бадий жозибасидан баҳраманд бўлади.

Мақол халқ оғзаки ижодиининг бошқа турлари каби мустақил бир жанрдир. Бу жанр ҳам халқнинг тарихини, маиший турмушини, ундаги воқеаларни, характерли ҳодисаларни умумлаштиради. Мақоллар мазмуни асо-

¹ Ўша асар, 425-бет.

² Ўша асар, 60-бет.

сида бериладиган тарихий билимлар ўқувчиларни го-
вий жиҳатдан тарбиялаш учун хизмат қилади.

Халқ мақолларида халқнинг педагогик қарашлари
ўз аксини топади. Ахлоқ, одоб баҳсидаги мақолларни
таҳлил этиш орқали халқнинг ҳукми, маслаҳати очи-
лади. Шунинг учун ҳам мактаб дарсликларида мақол-
ларга кенг ўрин берилади.

Бобур «Бобурнома» да она тилидаги мақол ва таъ-
бирларни кенг қўллаш билан бирга ўрни билан форс-
тожик халқ мақолларидан ҳам фойдаланиб, ўз фикрла-
рининг аниқ ва равшан англанишига эришди.

Шоир енгилтаклик, ўйламай иш тутуш зарар кел-
тиришини таъкидлаб, «Енгилтак аччиқланганда тиг би-
лан қўлини кесар, сўнгра афсус қўли орқасини тиши
билан чайнар» деган ҳикматли жумлани форсча баёни
билан беради:

«Ба тунди сабук даст буррад ба тиг,
Ба дандон газад пушти, дасти дариг»¹.

Ёки:

Ёш киши ойнага қараб пима кўрса, кекса одам
хиштга қараб, ундан ҳам яхшироқ кўради, мазмунидаги
форсча мақол кексаларининг билимдон ва зукколиги маъ-
носида Бобур томонидан бундай берилади:

«Харчи дар ойина жавон бинад,
Пир дар хишт пухта ан бинад»².

Кучнинг етар экан, оловни шу он ўчир, агар аланга
олса, жаҳонни куйдиради.

Шоир бунда душманни ўқ билан уришга қодир экан-
сан, унинг камон керишига қўйма, мазмунидаги тезкор-
ликни уқтиради. У вақтдан тўғри фойдалана билиш
ғалаба шарти эканлигини айтишда ҳам мақоллардан
фойдаланиб, таъсирчанликка эришади.

Шоир нарсаларга тежамкорлик, синчковлик билан
муносабатда бўлишни таъкидлаб, «Қопудагини қопма-
са, қаригунча қайғурур»³, дейди. У эҳтиёткорлик зарур-
лигини, ҳатто дўстни ҳам кузатиб юриш кераклигини
эслатиб, катта тажрибали шахс ва улкан тарбиячи си-

¹ Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 144-бет.

² Ўша асар, 130-бет.

³ Ўша асар, 204-бет.

фатида: «Ишонмагил дўстинга, сомон тикар пўстинга» деган мақолни келтиради.

Душманинг гапига ўта ишониб, қизишиб кетмаслик, душман гапига ортиқча баҳо бериб юбормаслик кераклигини назарда тутиб: «Душман не демас, тушга не кирмас» мақолини эслатади шоир.

Бобур айрим ўринларда ҳикматомуз жумлаларга халқ мақолини сингдириб, ўқувчига ҳикматли сўз, мақолдаги тарбия мазмунини эслатади. У лашкарларини ўз мақсади, кўзлаган нияти, режаси тизимида тарбиялайди. Масалан, Бобур Роно Сангога қарши жанг олдидаги воқеани баён қилиб, ўзининг жангчиларга қарата сўзлаган қуйидаги нутқини ёзади: «Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасини ичгусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидир. Емон от билан тирилгондин яхши от била ўлган яхшипроқ».

Бобур кундалик воқеа ва ҳодисаларни, кўрган-билганларини, қилган ишларини ёзиб бориш билангина чекланмайди. У маърифатчи сифатида ота-боболар ҳикматли сўзларини ўрганиб, тўплайди ва уларни китобхонага эслатади: «Бурунгилар дептурларким, кўргон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак: боти сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай, Икки бут кўргоннинг суйи била зоҳираси бўлғай. Биз бу атроф ва жавонбдагилардин кўмак ва мадад кўз тутарбиз, булар худ ҳар қайси бир ўзга хаёлда»¹.

Тўққиз юз олтинчи ҳижрий (1500—1501 милодий) йиллар воқеаларига мансуб юқоридаги сатрларни ўқиган киши катта ҳикмат ва чексиз ҳарб маъносини тушунади. Уларда сардор киши бошига, икки қўл эса икки тарафдан келадиган ёрдамга, икки бут кўргонидagi аҳтиёткорлик қилиб сақланган ҳолат (зоҳира) ва ишончга тенг эканлиги баён этилган. Энг муҳими бунда ҳарбий илмда шаҳар ёки қалъа дарвозасини беркитиш оддий ва осон иш эмаслиги тушунилади. Қалъани ёки шаҳар дарвозасини беркитишдан олдин етарли сардорлар, икки томондан келадиган ёрдам ва олдиндан тайёрланган шарт-шароит мавжуд ёки мавжуд эмаслигини таҳлил этиб иш тутиш тавсия қилинади.

¹ Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти, Тошкент. 1960, 204-бет.

Бобур «Бобурнома» нинг тўққиз юз тўққизинчи ҳижрий (1503—1504 милодий) йил воқеалари тафсилида ўз бекарлига қанча совға ва инъомлар бермасин, улар унинг ўз Андижонни ҳақида кўп гапиришини ва андижонча сўзлашини айтиб, танқид этишларидан зорланади ва иккита мақол асосида қуйидаги мароқли хулосани чиқаради: «Ёлғиқ бу эмас, ҳар қачонким, тағри таоло дасхати берди, меҳмон ва ғариб бекарли ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортиқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд ажаб балоедурким, ҳамиша эл мени гийбат қиладурким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас, масал борким, «Душман не демас, тушга не кирмас». «Дарвозаи шахро тавон баст, патвон даҳани муҳолифон баст»¹. (шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди):

«Даҳ дарвеш дар гилане бехусбанд,
Ду подшоҳ дар иқлиме нагун жанд.
Ним ноне гар ҳурад марди худой,
Базли дарवेशон кунад ними дигар.
Мулки иқлиме бигирад подшоҳ,
Ҳар чунон дарбанди иқлими дигар»².

«Бобурнома» нинг тўққиз юз тўққизинчи ҳижрий (1503—1504 милодий) йил воқеаларига доир бу олти сатрининг мазмуни жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ўн дарвеш бир гиламда сиғиб ётади, аммо икки шоҳ бир иқлимга сиғмайди, марди худо бир ноннинг ярмини еса, қолган ярмини дарवेशларга беради, подшоҳ эса бир иқлим мулкани олса, яна бошқа иқлимни ҳам олган фикрига тушади, дейилади. Биринчи байтда подшоҳларнинг жангарилиги, мурасасизлиги, бир-бири билан сиғишмаслиги айtilган. Қолган байтларда эса подшоҳларнинг нокас, очкўз, босқинчиликка берилганлиги очиб ташланади. Дарवेशлар, ҳудожўй кишиларнинг сакхйлиги, кўнгли кенг, қўли очиклиги шоҳларнинг салбий хислатлари билан қиёслаб кўрсатилади. Маърифатпарвар шоир Бобурнинг мазкур сатрлари ўқувчиларда босқинчи шоҳларга нафрат туйғусини тарбиялайди, уларга писбатан мурасасизликка ундайди.

Бобур асарларидаги бу сатрлар ундаги инсонийлик

¹ Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти. Тошкент, 1960, 204-бет.

² Ўша асар, 179-бет.

ҳукмдорликка нисбатан кучли эканлигини кўрсатади. Бобур ўзи шоҳ бўлишига қарамай, адолат юзасидан гапирди. У ҳикматли жумлаларни, афоризм даражасига кўтарилган ибораларни ўз асарларига иккиланмай кiritди. Мақол мазмунини шеърӣ усулда ифодалади. Натижада шоир асарларининг таъсирчанлиги, бадиийлиги, халқчиллиги, ўқимишлилиги ортади.

БОБУРНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ УЧУН КУРАШИ

Нутқ маданиятининг муҳим омилларидан бири унинг грамматик жиҳатдан пухта ва тўғри бўлишидир. Бу эса тилнинг адабий, шу жумладан, грамматик қоидаларини пухта ўзлаштириб олиб, нутқ қурилишининг грамматик шаклларини тўғри туза билишни талаб этади. Грамматик қоидаларга риоя қилиш, аввало, жумла шакллари яхши билиш ва улардан моҳирона фойдаланиш, сўнгра жумладаги ўзак, негиз, қўшимчалар ўртасидаги муносабатлар тўғри бўлишини назарда тутди.

Нутқ маданияти эга ва кесимнинг мослигини, иккилчи даражали бўлакларнинг хусусиятларига яхши эътибор беришни ҳамда сўзлар тартибининг қоидага мувофиқ бўлишини талаб этади. Типини белгилари эса жумлаларининг тўғри тузилиши ва улардаги фикрнинг аниқ ифодаланиши учун хизмат қилади, уларнинг фикр мақсадига мувофиқ қўйилиши муайян матидаги фикрни, Бобур айтганидек тушуниш имкониятини беради. Бобур ўз асарларида тузган жумлаларда грамматик талабга тўла жавоб топилади. У ёзма баёнининг содда йўллари-ни танлайди, фпкрлар аниқ баён этилади, ортиқча сўз ёки гаплар учрамайди. Эга билан кесим шахс ва сонда мослашган қуйидаги сатрлар бунга мисол бўла олади: «Тўрт-беш ой сочимни қирқмайдур эдим, чоршанба кун ийнинг йигирма еттисида сочимни қирқтим. Бу кун чоғир суҳбати бўлди»¹.

Фил сифатларига бағишланган қуйидаги сатрлар шоирнинг сўз танлаш ва жумла тузишда жуда эҳтиёткор эканлигини исботлайди: «Фил азимул жусса ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улукдўғига ярашадур, қорялиб сотарлар, ҳар неча улукроқ — баҳоси кўпроқ»².

¹ Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 307-бет.

² Уша асар, 345-бет.

Бобур ҳаёти ва ижодиши ўрганган рус ва ғарб шарҳшунос олимлари унинг асарларининг тарихий аҳамиятигагина эмас, балки тил ва услубининг содда ҳамда раволигига ҳам зўр мароқ билан қараб, юксак баҳо берганлар. «Бобурнома» ни биринчи бўлиб ўз асл матнида нашр қилган рус олими, туркшунос Н. И. Ильминский бу нашрга ёзган сўз бошида асар тилининг халқ тилига яқинлиги ҳақида бундай деб ёзган эди: «Ўз ижодида тилнинг тумтароқли бўлишига сира ҳам интилмаган ва, шубҳасиз, Навоий асарларини кўзда тутган Бобур ўз шаҳри Андижон тилини соф ҳолда сақлай олган»¹.

Бобур маърифати ҳақида тўхталганда, унинг ҳар бир сўзга, қўшимча, сўз бирикмалари ва атамаларга жуда эҳтёткорлик билан ёндашган, нутқ маданиятини эгаллаган зукко шахс эканлигини қайд этиш зарур.

Бобур ўзбек арузи араб, форс-тожик арузи тизими билан қиёсий баёп қилинган «Мухтасар» асарида ёзма нутқни чуқур таҳлил этди, талаффуздаги чўзгулар ва қисқаликларни шарҳлади. Асарда айрим ҳарфлар, товушлар талаффузи ўз илмий шарҳини топди: «Форсийда ҳам баъзи маҳалда калиманинг охирида «хо» фатҳанинг аломатидур, «вов» замманинг «ё» касранинг, талаффузга келмас, тақийда соқит бўлур, нечукким, «турий бурда дил» ким мутафоъилуп вазинда. Мутақаддимни «чи» ва «ки» ни «ё» билан битибтурлар»².

Бобур ўзбек тили фонетик меъёрлари ва араб, форс-тожик арузи тизими негизида Навоий «Мезон ул-авзон» ида ишлаб чиқилган, ўзбек арузи қонуи-қоидалари талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган назм низомини яратди»³.

Шоир шеър назарияси ва талаффуз қоидалари бўйича аниқ илмий хулосалар берди: «Ҳеч руки бени ҳарфтин камроқ ва етти ҳарфтин кўпроқ келмайду»⁴. Ёки: «Ҳо ҳарфи, мундоқ калиматта моқабл ҳаракатининг пазҳори учунду» талаффузга келмас»⁵.

¹ Қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. 1963, 2-сон, 35-бет.

² Б о б у р. «Мухтасар», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1971, 32-бет.

³ С. Ҳасанов. Бобурнинг «Мухтасар» асари ҳақида (Бобур З. М. «Мухтасар». «Фан», нашриёти, Тошкент, 1971, 13-бет).

⁴ Б о б у р. «Мухтасар». «Фан» нашриёти. Тошкент, 1971, 18-бет.

⁵ Ўша асар, 17-бет.

Бобур нутқ маданиятини тарғиб этиш билан кифояланиб қолмай, балки нутқнинг таъсирчан кучидан фойдаланиб, лашкарларини сафарбарликка, ҳатто жангга отлаштиради. Чунки унинг нутқида ажойиб ўхшатишлар, бадий тўқималар учрайдики, у нутқ жозибадорлигини таъминлайди: «Ушбу йигитлар шердек занжирини гажиб, узуб чиққандек ўзларини ўз бошига кўрган билан бу ҳайли куффорга тушуб, ҳарне қўлларидин келди — қилдилар»¹.

Бобур нутқ таъсирчанлигига катта куч деб қарайди. Унинг Ҳиндистонда Роно Сангога қарши жанги олди-дан (1527 йил) қўшинлари орасида парокандалик бошланади. Буни кўрган Бобур ўз лашкарлари олдида шундай нутқ сўзлайди: «Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибати ажал паймонасидин ичқусидур ва ҳар кишиким тириклик манзилига кирибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур, ёмон от билан тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ. Тенгри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қарийб атабтур. Ўлган шахид ва ўлдирган ғозий, барча тангрининг каломи билан онг ичмоқ керакким, ҳеч ким бу қитоддин юз ёндурур ҳаёл қилмай, то бадандин жони айрилмагунча бу мухораба ва муқоталадин айрилмагай.

Бек ва навкар улуқ-кичик барча рағбат билан мусҳафни иликка олиб, ушбу мазмун билан аҳд ва шарт қилдилар»².

Ўзбек адабий тилининг буюк байроқдор, ҳомийси Навоийдан кейин Бобур унинг ишларининг давомчиси сифатида машҳурдир. Бобур ўз асарлари билан ўзбек адабиётини ривожлантиришда зўр ҳисса қўшганидек, ўзбек адабий тилини юксалтиришда, янада такомиллаштиришда катта рол ўйнайди. Бобурнинг бутун ҳаёти сафар ва жангларда ўтганлигидан у тил масалалари билан А. Навоийдек махсус шугуллана олмаган бўлса-да, адабий тил давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ва масъулиятли эканлигини чуқур англаган ҳолда асарларини ўз она тилида содда қилиб ёзишга ҳаракат қилди.

Бобур ўз ҳаётининг кўп қисмини Ватанидан узоқда ўтказган бўлса ҳам, она тилини унутмади.

¹ Бобур. «Бобурнома». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 455-бет.

² Уша асар, 385—386-бетлар.

«Бобурнома» ўз даври ўзбек адабий тилининг ҳолатини аниқлашда, Бобурнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ҳиссасини белгилашда ҳам биз учун бебаҳо ёдгорликдир¹. Бобур ўз изоҳ ва шарҳлари билан бошқа фанлар қатори тилшунослик фанига ҳам катта ҳисса қўшди. Бу эса унинг маърифати қирраларини кўрсатувчи белгилардир.

БОБУР ИЖОДИДА МАКТУБ

Мактубда тил ва нутқ маданияти маърифати намоён бўлади. Мактуб маърифат, савод белгиси ҳисобланади. Мактубни саводи бор киши ёзганидек, уни саводли киши ўқийди. Мактуб, ўз навбатида, кишиларни саводхонликка элтади. Мактубни ўқишда қийналган киши эса саводсизлигидан афсусланади, турли йўللار билан савод чиқаришга ҳаракат қилади.

Ҳар қандай мактуб ижтимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий масалаларни кўтаради ёки улардан хабар беради. Мактуб кўп ҳолларда меҳру оқибатга, мурувватга чорлайди, эслаш, соғиниш, изтироб жарчиси сифатида хизмат қилади. Мактуб узоқ масофани яқинлаштиради, дилларга таскин бахш этади. Шунинг учун ҳам мактуб мумтоз шоирлар ижодида кўплаб учрайди. Алишер Навоий қаҳрамонлари ўз маҳбубларига мактублар йўллайдилар, улардан мактублар оладилар, мактублар орқали бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрайдилар, дардлашадилар.

Номачилик жанрининг «Муҳаббатнома» (Хоразмий), «Латофатнома» (Хўжандий), «Даҳнома» (Амирий) каби асарлари ўзбек адабиёти тарихидаги дунёвий асарлар намуналаридир. Бобур ҳам ана шу мумтоз адабиётимиз анъаналарини давом эттириб, ижоднинг мактуб турига мурожаат этди. Шоир ёзган хат, мактуб, нома, битиклар унинг мазкур ижоди намуналаридир:

«Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод айла,
Маҳжур кўнгилни ғамдин озод айла,
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кўрган сойи хатимни, мени ёд айла»².

Ёки:

¹ Қаранг: Ҳ. Назарова. Бобурнинг ўзбек адабий тили тарихидаги ролига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1963, 2-сон, 30-бет.

² Бобур шеърятидан. Тошкент, 1982, 83-бет.

«Эй ой, юзунг олдида қуёш шарманда,
Ширин сўзу яхши хулқингга мен банда,
Ҳижронда неча нома била сўзлашолдинг,
Ё сен бери кел, ё бораёин мен анда»¹.

Шоир мактуби турли кишиларга аталади. У мактубни дўстига, узоқдаги қадрдонига, қариндошларига, фарзандларига, севгилисига, келажак авлодга мўлжаллаб ёзади.

Шоир мактублари икки тилда — ўзбек, форс-тожик тилларида учрайди.

Бобур мактуб ёзар экан, фикрни наср ва назмда баён этади. Мактуб қитъа, рубоий, газал ва маснавий кўринишларида айниқса кўп учрайди.

Шоир мактубларида дўстига сиҳат-саломатлик тилайди, саломлар йўллайди. У ўз дил сўзларини етказишни сабодан пилтижо қилади, дўстларининг саломатлигини сўраган, ўз ҳол-аҳволини айтади:

«Аҳбобга қилсанг гузар, эй ел, ногоҳ,
Ул жамъни бу сўзимдин этгин огоҳ:
Сиз кўргандек эсон-саломаттур биз,
Сиз доғи эсон бўлғайсиз, иншооллоҳ»²

Шоир мактубида ўтган ишлар учун ачиниш, узр сўраш майллари ва шеърый йўл билан астойдил хат битиб, воқеаларни эслатиш каби камтарлик ишоралари учрайди. Биз Бобурни подшоҳ, ҳукмдор сифатида қарасак, бу ҳол янада, аҳамиятлироқ, тарбия учун намуна, ибрат бўларлидир:

«Мулло Алихонни мухотаб қилиб, ул қитъани Турдибекдин Мулло Алихонга йиборилди. Ул қитъа будур:

Эй аларким, бу ҳинд кишваридин,
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.
Қобилу хуш ҳавосини соғиниб,
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам,
Кўрдингиз, топтингиз экин анда
Ишрату айш бирла нозу ниам.¹
Биз дағи ўлмадук биҳамдиллоҳ,

¹ Бобур шеърятидан, Тошкент 1982, 103-бет.

² Уша асар, 73-бет.

Гарчи кўп ранж эдию бе ҳад ғам.
Ҳоззи нафсию машаққати баданий,
Сиздан ўтти ва ўтти биздин ҳам»¹.

Кўриниб турибдики, Қобул об-ҳавосини яхши кўриб, қадрдонларини ташлаб кетган Мулла Алихонга ёзилган бу мактубда шахсий эмас, ижтимоий масала кўтарилади. Мактуб охирида кечирим сўраган шоир ҳаммаси ҳам ўтиб кетди, сизлардан ҳам, бизлардан ҳам ўтди, бир-биримиздан гина қилмайлик, дейди.

Бобур бир мактубида Ҳумоюнни кенгашиб, маслаҳатлашиб иш тутишга чақирса, бошқа бир мактубида уни қаҳрамонликка ундайди. Яна бошқа бир номасида ўғли ёзиб юборган мактубни мазмун ва имло жиҳатидан таҳлил этиб, унга саводхонлигини оширишни маслаҳат беради: «Яна улук иш устига борасен, иш кўрган, рай ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилғайсан».

Ёки: «Шайх Зайн ва Мулло Шихоб ва Хонд Амирга бугина байтни йибариб тиладук:

Шайху Мулло Шихобу Хонд Амир,
Келинг уч-уч, иккп-икки, бири-бир»².

Шоир мактубларини ўқиган китобхон хат ёзиш оддий иш бўлмай: балки жуда эҳтиётлик ва лозик дид талаб қилувчи мураккаб иш эканлигини англайди. Бобурнинг шахсий мактубларидаги бадий дид ҳам унинг дилини ром этади. Шоирнинг ўхшатишлари, бежирим қочириқлари, жонлантиришлари номани ўқиган кишига роҳат бағишлайди. Масалан, Бобур бир мактубида қаддинги кўрсатмадинг. (яъни келмадинг), энди ҳеч бўлмаса сочининг бир дона толасини ўзгаларга кўрсатмай, хатингнинг ичига солиб юбор, деб ёзади. Бунда Бобур ёрининг қип-қизил, лов-лов ёниб турган жамоли атрофида парвона бўлганини тасаввур этади. Яна бир номасида шоир ёрини соғиниб, жонсиз ҳолга келганини айтиб, сенинг хатинг келиб, менга жон киргизди, дейди:

«Хатинг парвона келтургач тирилди ушбу девона,

¹ Бобур. «Бобурнома», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 400-бет.

² Уша асар, 1960, 448-бет.

Ани тиргузмак учун гўйиё келтурди парвона.

Қуёштек юзунгу дурдек тишингнинг ҳажрида, эй ёр.
Кўзумнинг ёшидур юз қатрову ҳар қатра дурдона.
Иноят тўғри гар йўқтур, не бўлди бўлса тўлғоца.
Қадинг кўрсатмадинг бир тола сочингдан юбор

пипҳона,

Анинг усрук кўзидин борди чуи диним эви барбод,
Мену, эй дўстлар, мундин нари май била майхона.
Жамолинг шамъи ҳажринда чу Бобур ўртаниб
борди,

Қачон бошингдин эврулгай келиб парвонадек ёна»¹.

Шоир мактубларида гина қилиш ва кўнгил яқинлигини изҳор этиш оҳанглари ҳам чиройли берилади. Бобур ёрининг мактубидан ҳам жафонинг расмини кўргандай бўлади. Ери, сенга вафо қиламан, деб алдаётгандек туюлади. Лекин шоир ўшандай куйдирмажон нома бўлса ҳам, уни ўқигуси келади. Шу ўринда Бобурнинг «Менинг кўнглумни ҳар дам оғритиб парво қилмайсен» деб бошланувчи ғазалдан парча келтирамиз:

«Вафо мактуби бирла ғамза ўқин ҳеч ёзмайсен,
Жафо расмию жавр ойини ҳаргиз янгилмайсен»².

Шоир юқоридаги каби соғинч мактубларини ўз дўстларига ҳам битади. Бобур мактубларида ўз исми дўстлари тили ва дилида туришини исташи баён этилади. У дўстлик соғинчини жуда қадрлайди, дўстларнинг бир-биридан мактублар орқали хабар олиб туришлари зарурлиги каби умуминсонийликни тарғиб қилади.

«Аҳбобга ҳар хатки, савод этгайсен,
Бизни доғи ул битигда ёд этгайсен.
Мақсудки, қосиде агар келса бу ён,
Бир нома била кўнгулни шод этгайсен»³.

Шоир хат ёзар экан, хатнинг ширали, ўқимишли, имловий ва бошқа хатолардан ҳоли бўлишини доим эътиборда тутати. Ёзилган хатни элтувчининг ҳаракати, хулқи ва нутқ маданияти юқори бўлишини истади. Шоир хатни бир неча бор зўр иштиёқ билан таҳрир

¹ Бобур шеърлятидап, Тошкент, 1982, 15-бет.

² Ўша асар, 46-бет.

³ Ўша асар, 77-бет.

қилган бўлса-да, лекин хат элтувчининг уни ёрига ҳур-
мат билан топширишини уқтиради:

«Эй пайк, бориб сапо била қуллуқ де,
Ер ўп, дағи хўп адо била қуллуқ де,
Гар ёр мен хастани сўрса, зинҳор,
Мендин юкунуб дуо била қуллуқ де»¹.

Ҳақиқатан ҳам, хат ташувчининг озгина қўполлиги
хат кутувчи дўстни ранжитиши мумкин. Бобурнинг
камтарона ёзган бу сатрлари хат битиш ва хат элтиш
маданиятини тарғиб этишнинг ёрқин намунасидир.
Шоир хат ёзиш мураккаблигини юксак маҳорат билан
бадий ифодалайди:

«Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,
Кўз оқида кошки савод этгаймен,
Киприклардин анга қалам рост қилиб,
Кўз қорасидин анга мидод этгаймен»².

Бобур маснавий билан битилган қуйидаги мактубига
жавоб ёзмаганлиги учун ёридан туюрона гина ҳам қи-
лади:

«Номалар ёздим пэтироб била,
Сарафроз атмайдиг жавоб била»³.

Ёки:

«Номангки, тирпклигим нишон эрди,
Хар сатри ҳаёти жовидон эрди,
Хар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,
Хар ҳарфида юз меҳр ниҳоний эрди»⁴.

Шоир ёрга вафо қилишда ўта чидамли бўлиш ке-
раклигини ёрининг қаттиқ жафосига ҳам чидаганлиги
мисолида баён қилади. У ўз ёридан олган биттаю битта
хатда ҳам бор-йўғи уч сўз айтилганини, унинг бири
ёлғон, бири дилга қаттиқ ботадиган, яна бири ҳақорат
сўзи бўлганини ёзади. Шоир тасаввурича, севганда нима

¹ Бобур шеърятидан, Тошкент, 1982, 91-бет.

² Ўша асар, 53-бет.

³ Ўша асар, 77-бет.

⁴ Ўша асар, 91-бет.

бўлса ҳам севиш керак. Шундагина ошиқ вафодорлик кўрсатган бўлади.

«Тамоми умрида Бобурга уч сўз айтубдур:
Бири сўқунчу, бири қаттиқу, бири ёлғон»¹.

Шоир ҳам гоҳо ёрига ўз вақтида хат ёза олмайди, бундай пайтларда севгилисидан уэр сўрайди. Сенга хат ёзиш бахтига муяссар этувчи вақт менда бўлмади, дейди:

«Хатпингн кўруб кўнгулга ҳайрат бўлди,
Шеъринг эшитиб жонга масаррат бўлди,
Бир неча маҳал тағафул эттиг демаким,
Толия йўқ эдики, манчу ғафлат бўлди»².

Бобур ўз шеърининг мактуб сифатида узоқ-узоқ юртларга етишини олдиндан билар эди. У ўз асарларини Хофиз, Салмон каби машҳур адибларнинг ҳам ўқишига ва рад этмай қабул қилишига пилонарди.

«Ироку форсга гар етса сенинг бу шеъринг,
Они хпфз эткуси Ҳофиз, мусаллам туткуси
ай Бобур,
Салмон³.

Айтиб ўтилганпдек, Бобур мактублари бир печатилда битилган. Бир минг беш юз йигирма бешинчи милодий йил воқеаларига мансуб (эй тоғ оли, у гўзал оҳуга мулойимлик била айтки, бизни тоғ ва саҳроларга улоқтирган сенсан мазмундаги) қуйидаги хат ҳам форс-тожик тилида ёзилган:

«Сабо ба лутѣ бигѹ оп ғазолн раѣноро,
Кн сар бар кѹху биѣбол ту додан моро»⁴.

1 Уша асар, 83-бет.

² Уша асар, 98-бет.

³ Ума асар, 5-бет.

⁴ Б о б у р. «Бобурнома». «Фан» нашриёти, Тошкент, 1960, 309-бет.

Бобурнинг ўз ўғли Ҳумоюнга бир минг беш юз
йигирма саккизинчи милодий йил воқеаларига оид хати
ҳам форс-тожик тилидадир:

«Агар пой банди ризо пешгир,
Ва гар яксувори сари хеш гир»¹.

Демак, шоир мактублари илтимоснома, таклифнома,
ёр ҳол-аҳволдан хабар олиш, ўз яқинларига панд-на-
сиҳат, буйруқ ва ҳоказо йўналишларда битилган. Улар
бир байт, бир рубой, бир қитъа каби қисқа жумла-
лардан иборат. Лекин катта таҳлил ёки асар маънола-
рида битилган мактублар ҳажми бир неча саҳифани
ташқил этади.

Бобур мактубларида илм ва ғанга, саводхонликка
даъват қанча бўлса, меҳр-оқибат таъини ҳам унда
кам эмас. Шоир мактублари ёзма нутққа маданий му-
посабатни қанча тарғиб этса, маданий муомала бўлган
мактубга эътиборни ҳам шунчалик таъкидлайди. Шоир
ўз мактубларини таҳрир этиш жараёнини кўрсатиш
билан китобхонга мактубни шошма-шошарлик билан
ёзиб бўлмаслигини уқтиради.

¹ Уша асар, 421-бет. Таржимаси: агар аёғинг банд бўлса, ризони
олдингга қўй, агар танҳо сувори бўлсанг, ўз бошингга бор,
яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошингга келган ҳар
нарсанга рози бўл, агар ҳеч нарсанга боғланмаган киши
бўлсанг, йўлингдан қолма, кетавер. |

МУНДАРИЖА

<i>Муаллифдан</i>	3
Бобуршунослик ҳақида	4
Бобурнинг халқ таълимига қўшган ҳиссаси	12
Хулқ таҳлили	22
Бобур яхши хулқ ҳақида	30
Бобур оила тарбияси ҳақида	34
Бобурнинг ислом динига эътиқоди	42
Бобур ижодида ватанпарварлик	48
Бобур ижодида дўстлик мавзуи	53
Бобур асарларида тарбия масалалари	63
Бобурнинг урф-одатларга муносабати	71
Бобур ва халқ оғзаки ижодиёти	74
Бобурнинг бутқ маданияти учун кураши	78
Бобур ижодида мактуб	81